ционные свадебно-обрядовые песни являются многовековым культурным наследием, отражающим условия жизни, исторические и национальные особенности, связанные с географическим расположением и менталитетом народа. В них сохраняются этнические особенности народа. Ибо они являются народными поэтическими картинами каракалпакской этнографии. Однако необходимо отметить, что свадебные обрядовые песни, относящиеся к свадебным традициям, не были объектом специального исследования.

Накануне свадьбы невеста по традициям посещала своих родственников, прощалась с ними, просила их не прерывать родственные связи из-за выхода её замуж, а наоборот ещё больше их укреплять. Известный каракалпакский фольклорист К.Аимбетов писал: «Перед проходами невеста надевала на себя различные украшения, женский нагрудник с монетами и драгоценностями, шла вместе с подругами в соседние аулы. О прощальных визитах невесты в народе говорили, мол, дочь такого-то прощается с родственниками перед свадьбой. Поскольку девушка со многими своими родственниками встречалась не впервые, эти визиты называли ещё и «танысыў» – знакомством перед проходами. Во время знакомства и прощания девушка плакала в обнимку с близкими родственниками [2:240]. При этом она плакала и пела:

*Бермеймен деп жүрип жан әкем,
Атым бир нашар болган соң,
Бергенин билмей қалды ғой.
Милый мой отец обещал
Не выдавать меня замуж
Но поскольку я родилась девочкой
На роду написано, что надо выходить замуж
Мой отец не заметил как пришло время
Выдавать меня замуж [3:29]. [Пер. наш]*

Люди старшие по возрасту утешали невесту. Говорили, что создать семью, построить дом, родить и воспитать детей – это закономерный смысл человеческой жизни, это святая традиция, идущая от предков.

Перед свадьбой у невесты собирались подружки. Этот обряд назывался «Қыз отырыспа» («девичьи посиделки»). Это была последняя их встреча перед свадьбой, поэтому происходило ритуальное прощание невесты с подругами. Девичьи посиделки и прощание невесты с родным домом, с подругами и близкими родственниками сопровождалось с причитаниями и специальными песнями-«сыңсыў», в которых отражались чувства любви невесты к родным местам, уважения к родителям, родственникам, близким и подругам, симпатия к родной земле, грусть по расставанию.

Содержание песен «сыңсыў» – это этапы переходного периода от отрочества к совершеннолетию, психологические переживания, сопровождающие этот процесс. В день свадьбы, перед венчанием, снохи сняв тубетейку девушки, заплетали её волосы в две косы, надевали на голову «сәўкеле» (головной убор невесты). За эту церемонию снохи девушки требовали у жениха выкуп – «сәўкелениң пайғазысы» – («выкуп за сәўкеле»). Все эти обряды сопровождалось напеваниями с причитаниями невесты:

*Әдра қалғыр ақ жаўлық,
Қаяқтан түсти басыма,
Алдымдағы тулымшақ,
Қосылдыау менің шашыма.
Ненавистный белый платок,
Покрыв мой голову.
Распущенные локоны,
Вплелись в мои косы [3:26-27]. [Пер. наш]*

В этих песнях девушки оплакивали, свою девичью волю. «Тулымшақ» «локоны» – атрибут девичей причёски. Как в народе говорится:

Атта болар қулынишақ,

*Қызда болар тулымшақ,
Тулымшағы болмаса,
Қатын дейди биің жақ.
Керилип өскен керегем,
Буралым өскен босағам,
Шайқалып өскен шаңлағым,
Шайылжыған елатым,
Төрденде шығып бараман,
Есиктен орын аламан,
Атасы басқа жат елде,
Не қылып келе боламан.
У лошади жеребёнок,
У девушки локоны – косички,
Если нет локонов косичек,
Таких называют женщиной у нас [4:235].
Дом, в котором я родилась,
Дом, в котором прошла моя юность,
Прекрасная страна моя,
Покидаю я вас,
Переступлю порог другого дома
В чужую страну я пойду
Как мне там быть [3:26-27]. [Пер. наш]*

Как свидетельствует известный этнограф К.Шаниёзов, форма плетения кос связана с брачной, семейно-бытовой жизнью [5:268-269]. Или же обозначают переход девочки из одной возрастной социальной категории в другую. Например, от юности – к девичеству, от девичества – к женскому, потом – к среднему, а потом и пожилому возрасту. У каждой возрастной категории была своя форма плетения волос, по которому можно было определить её возраст [6:268-269]. Изменение причёски невесты вплетением «тулымшақ» локонов в большие косы показывало её замужество.

Со временем эта традиция превратилась в обязательный ритуал свадебного обряда. Причитания-напевы невесты в глазах окружающих свидетельствовали о её благовоспитанности, признательности родителям, близким, подругам, любви к родной земле. Даже если невеста была рада замужеству, ей полагалось напевать – причитания. «Когда девушку выводят за порог родного дома, чтобы проводить в дом жениха, она обычно плачет, – пишет Н.Давкараев. – Считалось грехом, если девушка не плакала при проходах» [7:149]. Таким образом «сыңсыў» и печальные напевания являлись обязательным обрядовым действием невесты.

Как свадебная традиция «сыңсыў» имела широкое распространение. Она являлась неразрывной частью свадебных торжеств каракалпаков и казахов Центральной Азии. В различные исторические периоды они, видимо, имели место и в быту киргизов, узбеков, туркменов, таджиков. В их свадебных обрядовых песнях «Улан», «Яр-яр», «Жар-жар» имеются элементы «сыңсыў» [8:30].

Особый интерес вызывает тот факт, что яркие картины «сыңсыў» встречаются и у славянских народов; карелов и мордвы. У карелов, если девушки не плакали при проходах, то это считалось бестактностью. Они требовали, чтобы девушка плакала, вызывая соответствующие чувства у слушателей. Когда женщина – распорядительница повторяла текст песни причитания, девушка должна была, рыдая, падать к ногам своих родителей [9:244]. Автор в своём труде отмечает, что у карелов редко бывало так, чтобы девушки плакали, сами произнося текст. А у тюркских народов девушки в обязательном порядке сами исполняли «сыңсыў».

У каракалпаков песни «сыңсыў» по своему общесторонне-историческому значению делились на три категории. *Первая* – это песни, содержащие внутренние переживания невестки. Сюда относятся лиро-эпические песни, исполняемые самой невестой. Эти «сыңсыў» по своему содержанию схожи с «жоқлау»: – («пригорюниться»):

*Нашары қурсын кем екен,
Қара жер менен тең екен,
Тири бир кетти демесен,
Өлгенлер менен тең екен.
У женщин незавидная доля,
Подобая чёрному глинозёму,
Хотя душа живая чуть-чуть теплится,
А всё равно, подобна мертвецам [3:26-27].*

[Пер. наш]

Мотивы прощания с родной землей, со своей семьей в этих «сыңсыу» сближают их с содержанием обряда «жоқлау» – («пригорюниться»). Некоторые исследователи отмечают, что между «сыңсыу» и «жоқлау» существует генетическая связь, они оба исполнялись в одной печальной и напевной ритмике и мелодии. Кроме того, следует отметить, что девушка, выросшая в родном доме, рано или поздно уйдёт в другую семью. Следовательно, место девушки в доме остаётся пустым. Для неё родной дом и родная земля становятся чужими, ибо она становится членом другой семьи. Именно эти факты являются причиной того, что «сыңсыу» как бы обретает форму «жоқлау». Истоки этой традиции уходят в глубокую старину. Видимо, этот обряд возник в соответствии с временными обстоятельствами. По древней традиции, выходя замуж, девушка в сопровождении подруг обходила родную юрту вокруг, прощалась с ней и исполняла «сыңсыу» [10:83]. Такой же обряд бытовал и у древних тюрков, которые исполнялись при похоронах, когда они верхом на лошади объезжали шатёр кругом, перед входом в него делали надрез ножом на лице, чтобы кровь смешалась со слезой, и исполняли «жоқлау» [11:60]. Эта традиция сохранилась, и дошла до наших дней. Часто употребляемое в каракалпакском языке слово «айланайын» («кружусь вокруг тебя») тоже имеет анимистическое происхождение. В старину у некоторых славянских народов молодую пару обводили вокруг дерева или дома. Совершение кругов вокруг определённого объекта (в нашем случае, юрты или кладбища) означало просьбу к Всевышнему о лучшей доле, поддержке в достижении целей, отпущения грехов, ритуал прощания. Следовательно, совершение невестой кругов вокруг родной юрты, прощание с домом имеет одни корни с похоронным обрядом древних тюркских племён. Г.Галданова утверждает, что у древних тюрко-монгольских народов свадьба и смерть считались абсолютно одинаковыми, так же как идентичны рождение и смерть [12:76-77]. Девушка, выданная замуж, переходит в другую социальную группу и семью и как бы умирает для родной семьи отца [13:108]. Конечно, следует помнить, что у «сыңсыу» и «жоқлау» разные функции, но у них один и

тот же источник формирования – это традиция. Или же невеста, отправляясь в чужие края, была вправе обращаться со словами прощания к своим родителям, братьям и сестрам, друзьям и родственникам. Видимо, поэтому верхом бестактности считался факт, когда невеста при проводах отказывалась исполнять «сыңсыу». Кроме того, в группу «сыңсыу» можно отнести и песни, которые исполнялись для успокоения причитающей невесты. Часто причитания невесты звучат одновременно с песней, которую поют подружки. При этом причитания звучат как противопоставление песне-причёту. Причёт звучит очень драматично, в то время как сопровождает его, весёлая песня подруг. Девушки в шуточных песнях успокаивают, расхваливают надуманные и реальные качества жениха, описывая достоинства будущего мужа. В этом обряде принимают участие как родители и подружки, так и снохи невесты, даже друзья, сопровождающие жениха. По своей форме эти песни исполнялись редифом «хәүжар» – («яр-яр»). Возможно, такое исполнение возникло под влиянием «хәүжар». А исполнение «сыңсыу» таким редифом было необязательным. Например:

Сыңсыушы:

*Билезигим-жүзигим қоса мекен,
Қоса жүзик қолыма тола мекен,
Мен жыламай қәйтеийн, ел халқым-ау,
Әлпешлеген анамдай бола мекен.*

Причитающая:

Станет больше колец и браслетов?
Ещё на одно кольцо станет больше?
Как же мне не плакать, люди добрые?
Кто может заменить мне заботливую мать?

Жубатыушы:

*Сауыр етиктің сабағы санда болар,
Қырық кисинің ақылы ханда болар,
Ғамғун болып жылама заманласым,
Анаң ушын қайын енең ана болар.*

Успокоительница:

На ногах у тебя золотшвейные сапожки,
Только у хана может быть ум сорока человек,
Не плачь, не печалься, подружка моя,
Мать твою заменит свекровь [14:67]. [Пер. наш]

«Сыңсыу» подобного содержания исполнялись самой невестой и её родственниками. По традиции, после свадьбы молодая невеста сможет приехать в родной дом только через год. До этого она не имеет права посещать родных. Поэтому все родственники, соседи и подружки принимают участие в успокаивании и утешении. Этот обряд актуален и необходим, потому что успокаивает и помогает невесте свыкнуться с мыслью о замужней жизни.

Литература

1. Жапақов Н. Еске түсириулер. Илимий мийнетлери. -Нөкис: «Билим», 1990. 319-6.
2. Айымбетов Қ. Халық даналығы. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1988, 489-6.
3. Қарақалпақ дәстүр қосықтары. /Дүзиушілер: Қ.Максетов, К.Палымбетов. -Нөкис: «Билим», 1997. 98-6.
4. Қарақалпақ фольклоры. (Көп томлық). 11-том. Биринші кітап. Айтыс. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1982, 343-6.
5. Шаниёзов К. Қ этнической истории узбекского народа. -Ташкент: «Фан», 197. -С.342.
6. Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари /Масъул муҳаррир Д.А. Алимова; ЎзР ФА Тарих институти, Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти IFEAC.-Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007. 274-б.
7. Давқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-том. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1977. 354-б.
8. Саримсақов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Тошкент: «Фан», 1986. 214-б.
9. Сворцова З.Р. О причитаниях в свадебном обряде. В кн.: Фольклор и этнография. -Л.: «Наука», 1974. -С. 244.
10. Есбергенов Х., Атамуратов Т. Традиции и их преобразования в городском быту. -Нукус: «Қарақалпақстан», 1975. Бичурин Н (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М-Л.: АН СССР, 1950. Т. II.
11. Галданова Г.Р. Семантика архаичных элементов свадьбы у тюрко-монголов. //Традиционная обрядность монгольских народов. -Новосибирск: «Наука», Сибирское отделение, 1992. -С. 76-77.
12. Тлеубергенова Н. Традиционные жилища каракалпаков в XIX, начале XX века Дис ... канд. истор. наук. –Нукус: 1996.
13. Қарақалпақ фольклоры. (Көп томлық). 5-том. Қарақалпақ халық қосықтары хәм салт жырлары. 5-том. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1980. –С.487.

РЕЗЮМЕ

Қарақалпақ түй маросим фольклори қарақалпақ халқы этномаданиятының тарихий илдизларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга тарихий-этнографик манба бўлиб ҳисобланади. Мақолада куёвнинг уйига узатилиб кетиладиган кизлар томонидан айтилган «Сыңсыу» кўшиқлари тарихий-этнографик жиҳатдан таҳлил этилган. «Сыңсыу» факатгина тўй кўшиқлариғина эмас, балки кизни куёвнинг уйига узатиш билан боғлиқ маросимларидан бири бўлиб ҳисобланади. Этнофольклор материалла-

ри асосида «Сыңсыў» қўшиқларининг ўзига хос этнографик хусусиятлари очиб берилган. Шу билан биргаликда мақолада «Сыңсыў» қўшиқларининг тарихий генезиси, шаклланиши, ижтимоий тарихий тараққиёт босқичларидаги трансформацияланиш йўллари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

Каракалпакский свадебно-обрядовый фольклор имеет важное историко-этнографическое значение в исследовании истории каракалпакского народа. В статье с историко-этнографических позиций анализируются свадебно-обрядовые песни «Сыңсыў», которые исполняются при провах девушки замуж. «Сыңсыў» является не только одним из жанров свадебно-обрядовых песен, но и служит как свадебный обряд, который используется при провах невесты в дом жениха. В статье выявляются историко-генетические истоки и пути трансформации на разных этапах общественного развития а также национальные и историко-этнографические особенности свадебно-обрядовых песен «Сыңсыў».

SUMMARY

Karakalpak wedding-ritual folklore has an important historical ethnographic meaning in the study of the history of the Karakalpak people. The article is devoted to the analysis of wedding-ritual songs "Singsiw" from historical-ethnographic points of view, that are performed in seeing off with a girl before marriage. "Singsiw" is not only one of the genres of wedding-ritual songs, but it is considered to be as a national wedding custom-ritual used for seeing off with a girl to her bride-groom's house. The author of the article defined the historical-genetic origin of songs, and ways of their transformation at different periods of social development, and also national and historical-ethnographic peculiarities of wedding-ritual songs "Singsiw".

УДК: 769.91+791.229.4

ББК: 32.973

ЖАҢА МЕДИАДА ПУКАРАЛЫҚ ЖУРНАЛИСТИКАНЫҢ СОЦИАЛЛЫҚ МАШҚАЛАЛАРДЫ ШЕШИҮДЕГІ МҮМКИНШИЛИКТЕРІ

С.А.Есемуратова - докторант

Әжияз атындағы Нөкіс мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: фукаролик журналистикаси, ОАВ, веб-сайт, блог, блогосфера, блогер, информация, ижтимоий муаммо.

Ключевые слова: гражданская журналистика, СМИ, веб-сайт, блог, блогосфера, блогер, информация, социальная проблема.

Key words: citizen journalism, mass media, web-site, blog, blogosphere, blogger, information, social problems.

Бүгинги күнде дәстүрий ҒХҚ хэм блогосфера бир-бири менен тығыз байланыслы. Кейинги жылларда блоглар бир тәрәптен, профессионал журналистлердин және бир информация дәреги болып қәлиплескен болса, екінши тәрәптен, информацияларды талқылаўшы әхмийетли мәканға айланып үлгерди. Сонлықтан да, блогосфера менен дәстүрий ҒХҚ тығыз байланысқан болып, олардың ортасына анық шегара қойыў қыйын [2:281-282].

Интернеттин ойлап табылыўы хэм ғалабаласыўы аудиторияның және де белсендилинің артыўы блогерлердин еркин түрде қәлеген тараўда «өзлерин көрсетиўине» үлкен имканият жаратты. Буннан былай пукаралық журналистлер өзлеринин блогларын хэм социаллық тармақларда аккаунтларын жаратып, оған тек этирапта жүз берип атырған ўақыяларға пикирлерин, сезимлерин билдирип қоймастан, социаллық мәселелерди, жәмийетлик машқалаларды көтерип шығатуғын, оны шешиўдин жолларын излестиретуғын мәкан сыпатында қәлиплесип бармақта. Қарақалпақстан көлеминде пукаралық журналистлер тәрәпинен талқыланып атырған түрли тараўдағы мәселелерди ушыратыў мүмкин. Мәселен, 2017-жыл 28-декабрьде www.saidahmadov.blogspot.com блогында жәрияланған «Телевизор құришни унутдик, дарс тайёрлаш, китоб ўқишга имконият йўқ эди» - Қонлиқўллик болақай» [8] блогпостында пукаралардың машқалалары сәўленген. Мақала Ўзбекстан Жаслар аўқамы Қарақалпақстан Республикасы Кеңесине Қанлықөздеги мектептин 2-класс оқыўшысының мүрәжат хаты тийкарында таярланған: «Мүрәжаттан кимдур хабар таўған ба, барыўымыз бенен олардың үйине электр энергиясы тартылып атыр екен... Бундай жағдайға түсиўимизге қоңсымыз себепши. Көшемизде 15 үй болса, соның 11 үйине электр энергиясы тартылған. Қалған үйлердин хәр бири 500 000 сўмнан берсек гана, тоқты аласаң деди, - қоңсымыз».

Мақалада көтерилген машқаланы шешиў көпшилик профессионал журналистлердин де қолынан келмейтуғынлығын айтып өтиў лазым. Блогпост жәрияланғаннан соң мәселе унамлы шешимип таўды: «Сол үйдин 5 жасар баласы балалар бақшасына 2 жыл даўамында бийпул қатнайтуғын хэм материаллық жәрдем пулы берилетуғын болынды».

Пукаралық журналисттин машқала орнында болып,

оны шешиўи адамлардың блогерлерге деген исенимин беккемлеўге тийкар болды. Блогер Б.Ботабаев тәрәпинен таярланған блогпост жақсы сәўлендирилген болып, халықтың арасына кирип, машқалаларын тыңлап хэм кемшиликлерин сапластырыўға, оларға жәрдем бериўге хәрәкет еткен. Бирак, пукаралық журналисттин материалды және де байытыў ушын және бир-еки субъект пенен сәўбет өткерип, мәселени хәр тәрәплеме үйренгенде машқалаға объектив жантасқан болар еди. Материал тек бир тәрәплеме сүүретленген.

Соңғы ўақытлары үлкен машқалаға айланып баратырған машқалалардың бири фейсбук социаллық тармағында жәрияланды. 2017-жылдағы ең қызғын пикир таласларға тийкар болған постлардың бири авиабилетлер менен байланыслы болды. Фейсбук социаллық тармағының белсенди юзери И.Сайманов тәрәпинен жазылған постта орайлық авиакассаға мүрәжат еткенлиги хэм билет жоқ екенлиги ҳаққында айтылғаны сөз етиледі: «Мен таныс-билислерим арқалы бронланған орынға билет алдым, самолётқа отырсам, 52 адамлық ИЛ-114 самолётында, 23 адам ушып келдик. Самолётдағы адамлар наразы, себеби биреўлер пәлен сўмға, басқалары тәлен сўмға үстеме пул берип билет сатып алған. Мен бул ўақыяға не демекшимен? Халық, хұрметли президентимиздин паракорлықтың алдын алыў бойынша шығарған бир неше пәрман хэм қарарларына бойсынбай атырғанлығы аянышлы?», деп келтириледі постта [9].

Социаллық тармақта тарқатылған пост нәтийжесинде журналистлер мақалалар жазды, мәкемелер есап тапсырыўына туўры келди. Бул ҳаққында www.kun.uz, www.kruz.uz [9] сайтында авиакомпанияның есабы да жәрияланды.

Мәселеге анықлық киргизилгеннен соң И.Сайманов алдыңғы жазғанларын бийкарлап, екінши баяннамасын жәриялады: «Мен Ташкент-Нөкіс жөнелиси бойынша уштым. Билет таба алмай Қ.Э.Каймуратовтан билет брон этиўин сорадым. Орынлықлардың ярымы бос екенлигин көрип ашыўым келди. Фейсбукта болған ўақыяларды, жеке пикиримди жаздым. Шаўқым болып кетеди деп ойлаған жоқ едим. Kruz.uz сайты руқсат сорамастан тарқатқан».

Күнделикли турмыста жийи ушырасып туратуғын машқаланы көтерип шыққан пукараның посты

дыққаттан шетте қалмады. Этирап-дөгеректеги ұақыяларға итибарсыз болмаған белсенди пуқараның посты нәтийжесинде журналистлер мақалалар жазды, тийисли органларға мүрәжат етип, түсиниксиз жағдайға анықлық киргизди. Демек, жеке сайты, блогына ийе адамларды емес, бәлки социаллық тармақларда белсенди инсанларды да пуқаралық журналист сыпатында тән алыуға болады. Себеби, бүгинги күнде социаллық тармақлардың кең тарқалғанлығы хәм онда жазылыушылардың санының да көплигине байланыссы, онда кәлеген материалларды тарқатыу имканияти бар.

Журналистиканың барлық түрлери белгили жанрлар (жаңалық, хабар, репортаж, интервью х.т.б.) арқалы информацияны узатады. Соған қарамастан, интернет хәм пуқаралық журналистика дәстүрий журналистика жанрларынан шеберлик пенен пайдаланған халда өзиниң жаңа өзгешеликтери, қолайлылығы менен ҒХҚын жаңа басқышқа алып шықты [4:107].

Айырым илимий дәреклерде пуқаралық журналистика әпиуайы пуқаралардың информацияны жыйнау, анализлеу хәм тарқатыу процесинде белсенди қатнасыуына тийкарланады, деп келтириледі [6]. Пуқаралық журналистика интернеттен өзгешерек, хәр қандай жаңалықларды сол ўақыттың өзінде жеткерий, адамларды түрли аймақлардағы ең «қайнап турған» информациялардан хабар етиу имканияти бир неше есеге арттырды [4: 107]. Сондай-ақ, профессионал журналистлер менен бәсекиликке түсе баслады десек те болады.

Айырым илимпазлар «журналистика – информация тарқатыудан бөлек хеш нәрсе емес. «Журналистика – бул жаңалық хәм информация топлау, дүзиу, бағалау хәм усыныу» [10] деген пикирди илгери сүрсе, айырым экспертлер оған қарама-қарсы пикирди билдирмекте: «информация – бул журналистика емес, оқыушылар twitter хәм facebookты ашып көп нәрселерди оқийды, бул журналистлердин өними емес. Журналистиканың өзгешеленетуғын тәрәпи анализ хәм критикада. Бул толығы менен илим, толығы менен профессия» [11], – деген пикирлерди билдиреди.

Пуқаралық журналистлердин материалларында белгили дәрежеде анализди хәм критиканы ушыратуу мүмкин. Мәселен, «Сын дүзелмей, мин дүзелмейди» [7] блогпостында соңғы жыллары өзгерислерге ушырап атырған қарақалпақ әлипбеси хәм оның өз ўақтында әмелиятқа енгизилмей атырғанлығын сынға алынады. Блогер өзиниң материалында анық дәреклерди келтирген: «Қарақалпақ тилиниң тийкаргы имла қағыйдаларын тастыйықлау ҳаққында»ғы Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңеси қарарының қабыл етилгенлигине бир жылдан аслам ўақыт болған болса да, кең жәмийетшилик орынларында, жолларда (көшелерде), айырым билимлендиру орынларындағы баннер хәм афишалар

дың Нызамда белгиленген «түпкиликли сөзлерде сөз басында «е, о, о'» ҳәриплериниң алдынан “у” хәм “w” ҳәрибин, «уе, wo, wo'» бирикпеси түринде жазылады», деген өзгерис алып тасланғанынан «хабарсыз» қалып кеткенлигине гуўа боламыз».

Бул машқала туўралы көпшилик профессионал хәм пуқаралық журналистлер де ҒХҚда хәм интернет сайтлары, блоглар хәм социаллық тармақларда мақалалар жазып, өзлериниң пикирлерин билдирип келмекте.

Балалар тәрбиясы мәселесине айрықша итибар қаратылған блогпостларды да жийи ушыратуу мүмкин. Мәселен, «И.Юсупов атындағы мектеп-интернаты қарсы алдындағы көринис» [8] блогпостында мектеп-интернаты алдындағы көринислер, шаштәрәзханалар хәм оның баннериндеги ярым жалаңаш хаяллардың фотосүүретлери сынға алынады. Блогпосттағы мәселени пуқаралық журналист жүдә жақсы көтерип шыққан. Ол теманы хәм мәселени жақсы таңдаған. «Ғазначинг қани, Ипотека банк?» [9] блогпостында хызметкерлердин жұмыс ўақтында өз орнынан табылмағанлығы сынға алынады. Блогпостқа тийисли шөлкемлерден жуўап қайтарылмады.

«Пуқаралық журналистиканың профессионал журналистикадан ажыралып туруы және бир тәрәпи, «пуқаралық журналистлер» өзлериниң қызығыушылығына бола таярлаған материалы ушын хеш қандай ҳақы алмайды. Бул ҳәрәкет олар ушын тек ғана хобби» [1] болып есапланады. Бирақ, соңғы жыллары профессионал журналистлер пуқаралық журналистлер менен биргеликте профессионал ҒХҚның контентин толтыруу ушын хызмет етпекте.

Блогларда индивидуал хәм жәмийетлик машқалалар тема сыпатында көтерилмекте. Қарақалпақстанлы пуқаралық журналистлер тәрәпинен социаллық машқалалардың түрли спектрлериндеги мәселелерди ушыратуу мүмкин. Мәселен, экологиялық мәденият [12], шет еллерге жұмыс ислеу ушын баратуғын пуқаралардың машқалалары [12], қарым-қатнасық мәселелери [8], балалар тәрбиясы мәселеси [8], ҳаўа транспорты машқаласы [9] х.т.б.

Жуўмақлап айтатуғын болсақ, профессионал журналистлер тийкаргы функциялар – үгит-нәсият, агитация, шөлкемлестиреушилик функциялары [5] сондай-ақ, ҳақықатлық, объективлик, халықшылық, демократиялық, интернационаллық, хәм патриотизм принциптери [3] тийкарында өз искерлигин жүргизетуғын болса, пуқаралық журналистикада бундай функциялар хәм принциптерге әмел етиу, журналистлик этикаға бойсынуу жағдайларын ушыратуу қыйын. Бирақ, интернет-орталық, блогосфера социаллық машқалалардың көтерип шығыуы хәм оны өз имканиятларынан келип шыққан халда белгили дәрежеде шешиўге ҳәрәкет етиуи дәстүрий ҒХҚ менен бәсекилеслик дәрежесине көтерилип атырғынлығынан дәрек береді.

Әдебиятлар

1. Владимирова М. Б. Гражданская журналистика против профессиональной журналистики. Новая реальность. - Москва:
2. Филатова, О.Г. Блоги и СМИ. гражданская и традиционная журналистика: соотношение понятий. // Вестник СПб университета. №4. –Москва: 2010. –С. 281-287.
3. Прохоров, Е.П. Введение в теорию журналистики: Учебник / М: Аспект Пресс, 2009.
4. Сайфиддинова М. Фуқаролик журналистикасида ижтимоий тармоқларнинг ўрни. // Онлайн журналистиканинг долзарб масалалари. - Т.: 2018. 107-б.
5. Уснатдинов Ш. Журналистикаға кирисиў. –Нөкис: 2009.
6. Bowman S. and Willis C. "We Media: How Audiences are Shaping the Future of News and Information." 2003, The Media Center at the American Press Institute.
7. <http://aytbaeva.blogspot.com/2017/10/blog-post.html>.
8. <http://saidahmadov.blogspot.com/2017/12/televizor-korishni-unutdik-dars.html>
9. <https://kruz.uz/uz/news/show/2663>.
10. What is journalism?//American Press Institute: //www.americanpressinstitute.org/journalism.
11. Mercedes Benz «How social networking is changing journalism»//https://theguardian.com/media/pda/2009/.
12. <https://www.facebook.com/xurli.nurjanova?fref=ts>

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қарақалпоғистон Республикасидаги фуқаролик журналистлар ва блогерларнинг муҳим ижтимоий муаммолари ёритилган. Шунингдек, унда фуқаролик журналистикаси тўғрисидаги олимлар фикрлари келтирилган.

В статье рассматриваются важные социальные проблемы гражданских журналистов и блогеров Республики Каракалпакстан. По этому вопросу приводятся мнения учёных на примере гражданских журналистов.

The article discusses the important social problems of civil journalists and bloggers of the Republic of Karakalpakstan. There have been stated the points of view of scientists according to this issue on the example of citizen journalists.

АБУЛ БАРАКОТ НАСАФИЙНИНГ “КАНЗУДДАҚОИҚ” АСАРИ ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДАГИ МЎЎТАБАР ФИҚҲИЙ МАТНЛАРДАН БИРИДИР

Ф.Жўраев – магистрант

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Таянч сўзлар: фикх, факих, фикхий мазҳаб, ҳанафий, матн, мухтасар, мужтаҳид, муфасссал, шарҳ, ҳазина, илм, нозик, асар, масала, ҳуқуқ, иллат, далил, имом.

Ключевые слова: юриспруденция, юрист, юридическая доктрина, ханафи, текст, краткий, трудолюбивый, детализированный, объяснять, сокровище, образование, мучной, работа, вопрос, права, причина, доказательства, имам.

Key words: jurisprudence, law, legal doctrine, hanafi, text, short, hardworking, detailed, explain, treasure, education, flour, work, question, the rights, cause, evidence, the imam.

Буюк тарихимиз сарлавҳаларини варақлар эканмиз, диёримиздан етишиб чиққан олимлар илмнинг барча соҳаси ривожига ўзларининг бекиёс ҳиссаларини қўшганларига гувоҳ бўламиз. Улар араб тили, тафсири, ҳадис, аквид ва фикх–шариат қонун қоидалари [1] илмларига оид бетакрор асарлар битиб, ислом умматига тақдим қилганлар. Уларнинг бой илмий-маънавий ва маърифий мероси ҳанузгача ўз қийматини йўқотмаган. Диёримиз уламолари ва уларнинг асарлари нафақат ўз юртларида, балки бутун дунёда шухрат қозongan.

Ана шундай олимлардан бири Ҳофизуддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (1027-1301) дир [2]. Хайруддин Зарқалийнинг “Ал-аълум” деган китобларида айтилишича, у зот Насаф, яъни ҳозирги Қарши шаҳрининг яқинидаги, Қовчин деган қишлоқда таваллуд топган эканлар. Бу улуг алломанинг таваллудларига салкам 1000 йил бўлибди.

Абул Баракот Насафий раҳимаҳуллоҳ Абу Мансур Мотуридий асос солган Мотуридия ақидавий мазҳаби уламоларининг энг машҳурларидан бўлиб, ушбу таълимотнинг ёйилишига энг кўп ҳисса қўшган. Ўша вақтда чиққан мўътазил, жаҳмия, қаромия, ботилия каби оқимларнинг носоглом фикрларига қарши курашганлар, уларга ишончли ҳужжатлар билан қаттиқ раддия берганлар. У зотнинг динимиз софлигини сақлаш йўлидаги хизматлари мана шу ерда яққол намоён бўлади. Бу зот ўз даврида пайдо бўлган турли адашган оқимларга қарши турганлар. У зотнинг биринчи узтозлари – оталари Муҳаммад ибн Муҳаммад бўлганлар. У зот ҳаётларининг кўп қисмини Самарқанд ва Бухорода ўтказганлар. У даврларда Самарқанд ва Бухоро Ислом оламининг кўзга кўринган илм марказларидан эди. Абул Баракот Насафий раҳимаҳуллоҳ қомусий олим сифатида диний илмларнинг барча соҳасида асар битган [3].

Имомга замондош бўлган ва кейин келган уламоларнинг барчаси бир овоздан у зотнинг барча илмларда пешво эканини эътироф этишган. Уламоларнинг тажимаи ҳоллари борасида ёзилган китобларда у зот ҳақида “Шайх, улуг имом, пешқадам аллома, Ер аҳлининг устози, суннат ва фарзнинг жонлантирувчиси, Қуръон маъноларини кашф қилувчи, таъвилнинг нозик жиҳатларини билувчи, Илоҳий калом таржимони, маъоний ва баён илмлари соҳиби, фикх ва усул ал-фикҳнинг билимдони, ақлий ва нақлий масалаларнинг таянчи, дин ва миллат ҳимоячиси, ислом ва мусулмонлар етакчиси, пайғамбарлар илмлари меросхўри, етук мужтаҳид, муҳаққиқ олимларнинг машҳури” каби сифатлар битилган. Шунингдек, “Ҳофизуддин – динни ҳимоя қилувчи”, “Алломаи дунё – дунё уламоси” ва “Қуръон таржимони” каби лақабларга ҳақли равишда сазовор бўлган [4].

Маълумки, ҳар бир мазҳабнинг фикхий матн китоблари мавжуд. “Фикх” сўзи луғатда дақиқ фаҳми, яъни бир нарсани нозик жойларига тушунишни

англатади. Ана шундай малакага, яъни илмий малакага эга бўлган одамни “факих” дейди. Шариат истиллоҳида эса шаръий далиллардан фаръий ҳукмларни чиқаришга “фикх” дейилади. Ушбу таърифдаги “шаръий далил” истиллоҳидан асосан Қуръони карим оятларини ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатларини тушунамиз. “Фаръий ҳукмлар” эса луғатда аслининг тескараси, яъни шаҳобча, кичик аҳамиятли деган маънони англатади. Шариатда эса ибодат ва муомалотларни ўз ичига олувчи ҳукмлар фаръий ҳукмлардир. Бир сўз билан айтганда, фикх илми – Ислом шариатидаги амалий ҳукмлар ҳақидаги илмдир. Фикх илмида матн услубида ёзилган асарлар ибораларининг қисқалиги, ўқилиши осонлиги, далил ва ҳужжатлари зикр этилмагани, заиф ривоятлар ва қучсиз сўзлар учрамаслиги ҳамда энг аҳамиятли масалалар зикр қилингани ва унга кетадиган вақтнинг тежалиши билан батафсил ёзилган фикхий манбалардан ажралиб туради. Уламоларимиз томонидан ҳанафий фикҳига доир кўплаб фикхий матнлар ёзилган. Буларга мисол тариқасида “Мухтасарул Таҳовий”, “Хизонатул фикх”, “Мухтасарул Кархий” ва “Тухфатул фуқаҳо” каби асарларни зикр қилиш мумкин. Бироқ кейинги уламолар “Мухтасарул Қудурий”, “Викоятур ривоя”, “ал-Мухтор лил фатво” ва “Канзуд дақоик” асарларини ҳанафий фикҳидаги энг мўътабар фикхий матнлар, деб эътироф этишган.

Абул Баракот Насафийнинг “Канзуд дақоик” асари ана шу мўътабар фикхий матнлардан бири бўлиб, улар орасида ўзига хос ўринга эга. Ибн Обидин раҳматуллоҳу алайҳ ушбу китобни таърифлаб: “Албатта, “Канзуд дақоик” ҳанафий мазҳабидаги мўътабар матнлардан бўлиб, мазҳабдаги масалаларни нақл қилиш учун битилгандир”, деган [5].

Ушбу китобнинг тўлиқ номи “Канзуд дақоик фи илмил фуруъ” (Фуруъ илмида нозик масалалар ҳазинаси) бўлиб, муаллифнинг “ал-Вофий фил фуруъ” (Фуруъул фикх борасида вафо қилувчи) асарида қисқартириб олинган [6]. Муаллифнинг ўзи асар мукаддимасидатолиби илмларнинг кенг ва қатта ҳажмли китобларни ўқишдан зерикishлари, инсон табиати қисқа битилган китобларга рағбатли эканлиги ва вақт тежалиши сабабли ушбу китобни ёзганини айтган.

Асарнинг қисқалиги ва уни “Канзуд дақоик” деб номланиш сабабини имом Бадруддин Айний ушбу асар шарҳи бўлмиш “Ромзул ҳақоик”нинг муқаддимасида қуйидагича баён қилган: “Асарда салафи солиҳлар жамлаган масалалар кўплиги эътиборидан муаллиф асарни “Канз - ҳазина” ва ушбу масалалар ниҳоятда қисқа ва нозик тарзда баён қилингани сабабидан “дақоик - нозик” деб номлаган. Асар қийин ва мушқил ўринлардан холи ҳамда одамлар мухтож бўладиган “Фатво” ва “Воқеот” масалалари билан зийнатланган” [7].

Ханафий мазхаб уламолари ушбу асарга кўп аҳамият қаратганлари ва улар наздида юқори даражага эга эканлигидан асарга ёзилган шарҳ, таълиқ, ҳошия ва манзумаларюздан ортади. Ҳатто кейинчалик имом, фақиҳ, қози ва муфтийлик даражасига етган йигирмадан ортик илм толиблари ёдлаб чиққан [8].

Муаллиф ушбу қисқа асарда фикҳнинг барча бобиға тегишли қирқ мингта масалани келтирган. Бироқ ушбу масалаларнинг бирортасининг далили зикр қилинмасдан, гоҳо иллатлари баён қилиб кетилган ҳолос. Энг муҳими одамлар ўртасида кўп воқеъ бўладиган масалалар билан чекланиб, нодир масалаларга тўхталмаган. Асарда барча масалалар имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳу алайҳнинг сўзи асосида келтирилган. Фақат ўнгага яқин масалада икки имомнинг сўзи олинган. Шу сабабдан ҳам асарни ўқиган киши ханафий мазхаби фақат имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳу алайҳнинг сўзидан иборат бўлса керак, деган фикрга бориб қолади.

Юқорида айтилганидек, асарда далиллар ва ихтилофларга тўхталмаган, балки машҳур мужтаҳидларнинг исмларига белги қилиб, бош ҳарфлари берилган ҳолос. Масалан, “ҳа” ҳарфи Абу Ҳанифа, “син” Абу Юсуф, “мим” Муҳаммад, “за” Зуфар, “фо” Шофий, “коф” Молик, “вов” ханафий мазхаби олимлари ривоятлари учун белги қилиб олинган [9].

Асар имом Абу Ҳанифанинг машҳур шогирдлари имом Муҳаммаднинг “ал-Жомийус-сағир”, “ал-Жомийул-кабир”, “аз-Зиёдат” (Зиёда масалалар) асарлари ҳамда имом Қудурийнинг “Мухтасарул-Қудурий”, имом Абу Ҳафс Насафийнинг “Манзуматул-хилафият” (Қиёсий ҳуқуқшуносликка оид назм) ва фатво китобларидаги турли масалаларни ўзида жамлаган. У фикҳга оид барча китоблар каби таҳорат китобидан бошланган. Лекин “Ҳидоя”, “Мухтасарул-виқоя” (Викоянинг қисқартирилгани) каби асарлардан фарқли ўлароқ “фароиз”, яъни мерос илми боби ҳам киритилган. Асар тартиб жиҳатидан Муҳаммад ибн Ҳасаннинг “ал-Жомийус-сағир” китобига ўхшаб яхши тартибланган ҳамда дақиқ сўзлар, қисқа ва лўнда иборалар қўлланилган.

Асарнинг иборалари қисқалигидан ташқари, яна ўзига хос бир жиҳати фикҳий масалалар баён қилинган ўринда кўринади. Яъни, бир масалани баён қилишда айрим ўринда масала тўлиқ берилмаган. Фақат муаллифнинг ўзи тушунадиган ҳарфлардан ташкил

топган сўз келтирилган. Ҳар бир ҳарф хос бир сўзга далолат қилиб, бундан муаллиф нимани ирода қилганини бошқа фикҳий манбаларда келган шунга тегишли масалалар орқали билиб олинади. Бунга қуйдагиларни мисол қилиш мумкин:

Муаллиф асарнинг “Сувнинг ҳукмлари” бобида “Қудук масаласи “жаҳт”дир”, деган. Бу билан “Агар бир жунуб одам суви бор қудукқа тушиб кетса, ушбу одам ва сувнинг поклик ҳукми нима бўлади?” деган масалага жавоб беришни кўзлаган. Масаланинг баёни: Имом Абу Ҳанифанинг наздида одам (нажас) нопоклигида қолади ва сувни ҳам нопок қилади. Бунга “ж” ҳарфи билан ишора қилган. Имом Абу Юсуфнинг наздида одам нопоклигида ва сув ўз пок ҳолида қолади. Бунга “х” ҳарфи билан ишора қилган. Имом Муҳаммаднинг наздида одам покланади ва сув (тоҳир) покликча қолади. Бунга “ط - т” ҳарфи билан ишора қилган. Яъни, “нажас” сўзидаги “ж”, “ҳоли” сўзидаги “х” ва “тоҳир” сўзидаги “т” ҳарфларини олиб, “жаҳт” деб ишора қилган.

“Намоз китоби”да булутли кунда шошилтириб ўқиш суннат бўлган намозларни баён қилишда “булутли кунда “айн” ҳарфи бор намозлар...”, деган. Бу билан “аср” ва “хуфтон” намозларини ирода қилган.

Муаллиф мана шунга ўхшаш қисқартмаларни “намозда қўл кўтариш суннатлар бўлган ўринлар” ва “ҳибани қайтариб олиш мумкин бўлмаган ҳолатлар” каби масалаларни баён қилишда ҳам ишлатган.

Хулоса қилиб айтганда, бу китоб мухтасар шаклда ёзилган манбаларнинг энг мухтасари ҳисобланади. Бу асарни ўқиган толиби илм қисқа фурсатда фикҳнинг барча бобларидан бохабар бўлади. Хусусан, ханафий фикҳи бўйича мазхабдаги аслий масалаларни ўрганиб чиқади. Ўрни келганда кўпроқ фикр юритиб, мужмал жойларини кашф қилишга уринади. Бу эса фикҳий масалаларни тўғри тушунишга малакасини оширади. Тўғри тушунган фақиҳ тўғри амал ва тўғри ҳаракат қилишга интилади. Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: “Аллоҳ кимга яхшилиқни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди”, деганлар.

Демак, дин таълимотларини яхши тушунадиган бўлиш банда учун катта бахт-саодатдир, унга Аллоҳ таоло яхшилиқни ирода қилганининг аломатидир. Яратган Эгамиз ҳаммамизни илмни, илмига амал қиладиган олим ва олима, солиҳ ва солиҳа инсонлардан қилсин! Амийн!

Адабиётлар

- 1) Мадвалиев А. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 4-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. -Тошкент: 2007. 350-б.
- 2) Ал- Қураший. Ал-Жавоҳирул музиййа фи табақотил Ҳанафия. 2/295.
- 3) www.mehrob.uz Сайид Раҳматуллоҳ Термизий ҳафизахуллоҳ. Абу Муин Насафийнинг ҳаёти. 15.11.2017.
- 4) Ибн Тўғрий Бурдий. Ал-Манҳалул софий вал муставфо баъдал вофий. 2/72.
- 5) Ибн Обидин. Роддул мухтор. 1/256.
- 6) Аминов Х. С. Примов. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. 174-б.
- 7) Абул Баракот Насафий. Канзуд дақоик. 45-б.
- 8) Абул Баракот Насафий. Канзуд дақоик. 47-б.
- 9) Абул Баракот Насафий. Канзуд дақоик. 55-б.

РЕЗЮМЕ

Бу мақолада “Канзуд дақоик” асари ханафий мазхабидаги мўътабар ва энг мухтасар фикҳий матнлардан бири эканлиги ва талаба қисқа вақтда кўпроқ маълумотларга эга бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье отмечается, что произведение «Канзуд дақоик» является одним из подлинных и кратких текстов фикха в Ханафи Мадхабе и что студент за короткое время может получить большой объём информации из него.

SUMMARY

The author of the article emphasizes that the work “Kanzud-Daqaiq” is one of the original and short texts of fiqh in Khanafi Madhab, and students can get large amount of information for a short time from it.

TIL BILIMI HÁM ÁDEBIYATTANÍW

Til bilimi

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК СИНОНИМЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ МАСАЛАЛАРИ

Б.Х.Данияров – филология фанлари номзоди, доцент
Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: лексик синонимлар, лексикография, лексик-семантик хусусиятлар, синонимик бирликлар, денотатив, коннотатив, композитор-музикант, байналмилал.

Ключевые слова: лексические синонимы, лексикография, лексико-семантические особенности, синонимические единицы, денотативный, коннотативный, композитор-музыкант, интернациональный.

Key words: lexical synonymous, lexicography, lexical-semantic features, synonymous units, denotative, connectivity, composer-musician, international.

Ўзлашиш базасида юзага келган ва турли мавзуий гуруҳларга мансуб бўлган синонимик қаторлар таҳлили “мутлақ синонимия иллюзияси (семантик ҳар хиллик) унинг қатъий белгилангани ҳолда ҳеч қандай танқидга бардош бера олмайдиган, сўз маъносига тахминан жуда юзаки берилган баҳо туфайли ҳосил қилинади” [2:109] батафсил ҳар томонлама кўп аспекти таҳлилда намоён бўлади.

“Синонимларнинг амал қилишида контекстнинг тўғри шарҳланиши тилшунослик учун ўта муҳим” [2:109] лиги контекст семантикасининг коннотатив компонентлари ва амал қилишининг ўзига хослигида фарқ қилувчи, денотатив маъносига кўра яқин ёки ўхшаш бўлган лексик бирликларнинг семантик жиҳатдан турли маънолилиги, мутлақ синонимлик тушунчасининг мавжуд эмаслиги ҳақида гапириш учун асос бўлади.

Турли лексик-семантик гуруҳлар ва мавзу қаторларига қиравчи синонимларни таҳлил қилишда шахснинг фаолият тури, машғулот, касбига кўра турини билдирувчи ЛСГлар синонимик қаторларини кўриб ўтамыз.

Композитор-бастакор синонимик бирликларининг лексик-семантик тузилиши ҳамда нутқда ишлатилиши махсус текширишни такозо қилади, шу сабабли улар ҳамма лексикографик манбаларда бир-бирига айнан ўхшаган, бир хил маъноли лексик бирликлар сифатида келтирилган. Масалан, бу бирликларнинг лексик маъносини юқоридаги таҳлиллар каби икки ҳамда беш жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” асосида солиштирамиз.

Икки жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бастакор сўзи қуйидагича изоҳланган: **БАСТАКОР** [*ф+m*] *музыка асарлари басталовчи; композитор. Иигилди бастакору соз ила созанда, хушхонлар.* Ҳабибий [4:84]. Мазкур сўзнинг синоними бўлган композитор сўзи эса қуйидагича изоҳланган: **КОМПОЗИТОР** [*р<лат.*] *Музыка асарлари ёзувчи киши; бастакор* [4:394].

Бу синонимлар бошқа луғатларда (бир тилли ёки икки тилли) худди шу тарзда берилган, фақат баъзи луғатларда “бастакор” сўзининг лексик маъносини аниқлашда “эск” стилистик белги қўшилади (яъни “эскирган”, аммо кўп олимлар таҳлилининг кўрсатишича, ва бу қуйида конкрет мисолларда тасдиқланади, бундай қўшимча, яъни “эскирган” сўзли белги бу ҳолда ўринсиздир.) “Композитор-бастакор” синонимик қатор ўзбек тилининг синонимлари луғатига киритилмаган [6]. Кўриб турибмизки, бу бирликларнинг лексик семантикасини изоҳлашда ўзбекча луғатларнинг ҳар хил турларида уларнинг фарқланадиган семантик аломати келтирилмаган, синонимларнинг функционал-стилистик хусусияти кўрсатилмаган, хаттоки, таҳлил қилинаётган бирликларнинг нутқда турғун бўлган, мунтазам такрорланадиган, уларнинг тузилиши хусусияти билан боғлиқ бўлган эмотив коннотацияси ўз аксини топмаган.

Беш жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *бастакор* ҳамда *композитор* синонимлари қуйидагича изоҳланган:

БАСТАКОР [баста + *ф.* — иш, машғулот] Анъанавий мумтоз мусиқа асарлари ижодчиси; композитор. *Иигилди бастакору соз ила созанда, хушхонлар.* Ҳабибий. *Бахт тенгдир шоиру бастакорга ҳам, Абдурайим деган пахтакорга ҳам.* А.Орипов [4:175].

КОМПОЗИТОР [лот. *compositor* - тузувчи; яратувчи, ижод қилувчи] қ. **бастакор.** *Композитор Мутал Бурхонов Ҳамзанинг музыка меросидан ижодий фойдаланиб, фильмнинг тасвирий материалига мувофиқ куй басталаган.* С. Хўжаев, **Ўзбек тарихий фильмлари** [5:2].

Ушбу синонимик қаторнинг бирликлари ўртасидаги лексик синонимиянинг пайдо бўлиш қонунияти юқорида текширилган синонимик қаторлар билан жуда ўхшашдир. “Бастакор” сўзининг экспрессивликка эга бўлишининг тил механизми, яъни маънонинг коннотатив аспекти, шу билан бирга компонентнинг эмотив баҳоланишига ва фон жиҳатидан ранг-тусга эга бўлиши “меъмор” сўзининг синоними бўлган “архитектор” сўзи билан лексик-семантик тузилишини такқослагандагидек бир хил. Шу сабабли текширишнинг асосий жиҳатларига тўхталамиз.

“Композитор”– “бастакор” синонимлари “анъанавий мумтоз мусиқа асарлари ижодчиси” деган қуйидаги умумий семантикага эга. Аммо улар лексик семантикасининг коннотатив компонент ва нутқда ишлатилиш хусусияти билан фарқланади, шу сабабли матнда бир хил позицияни эгаллайди. Сўзнинг нутқдаги позицияси унинг лексик бирикуви, яъни семаларнинг, семантик компонентларнинг бирикуви билан, контекстуал бирикуви билан, маълум бир нуткий вазиятларда қўлланилиш имконияти билан аниқланади. Масалан, “композитор” ва “бастакор” синонимлари умумий семантикага эга бўлган бирлик сифатида уларнинг денотатив маъносини ижобий томондан таърифлайдиган сўзлар билан эркин бирика олиши мумкин. Солиштирамиз: *моҳир* (ажойиб, яхши, зўр ва ш.к.) *композитор* ва *моҳир* (ажойиб, яхши, зўр) *бастакор* тарзида.

Бироқ “бастакор” сўзи “композитор” сўзининг нейтрал эмотив баҳоланишидан фарқли ўлароқ ижобий семантикага эга ва предметларнинг салбий хусусиятларини, сифатларини англаувчи “ёмон”, “қобилятсиз”, “ношуд” каби сўзлар билан бирикмайди. Масалан, “қобилятсиз бастакор” деб айтиб бўлмайди. Бу икки бирликнинг лексик бирикувидаги чекланиш уларнинг семантик структурасида нутқда уларнинг мослашувига зидлик қиладиган конкрет сема борлигидан далолат беради. “Бастакор” сўзини унинг эмоционал ижобий тусига умумий семантикаси мос келмаган бу контекстларда ёки нуткий вазиятларда ишлатиш ўринсиз ҳисобланади. Одатда, бундай ҳолатларда унинг байналмилал синоними бўлган «композитор» сўзи ишлатилади. Масалан, солиштирамиз: *...умуман олганда ўрта ва ёш авлод*

композиторлари асл қўшиқ жарнрини қўлдан бой бер-
ишди (Газетадан).

Тахлилларга эътибор берилса, синонимлар нутқда ишлатилишининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Синонимларнинг семантик тузилиши уларнинг яқин синонимик синтагмаларга ҳамда умумий контекстуал семантикасига боғлиқ. “Бастакор” сўзи ўзининг байналмилал синоними “композитордан” фаркли равишда ҳозирги воқелик тасвирланган матнларда ҳамда тарихий жанрдаги асарларда ишлатилиши мумкин, лекин икки ҳолатда ҳам *бастакор* сўзи лексик бирликлар билан унинг семантикасига мос бўлган комбинацияда нутқнинг тасвирийлигига, маънодорлигига имкон яратади ва миллий колоритни беради, яъни у бутун бир фикрга миллий-маданийлик жиҳатидан ўзига хос тус яратилишида иштирок этади.

Семантиканинг экспрессив жиҳатдан белгиланган макрокомпоненти сифатидаги коннотация борлиқни номлаш жараёнида акс эттиришнинг маҳсули тарзида ҳамда муносабатли тарзда идрок қилиш натижаси бўлиб гавдаланади. Коннотациянинг асосий вазифаси нутқ прагматикаси билан бевосита ва узлуксиз боғланган таъсир функцияси бўлгани учун тил номинатив бирликлари семантикасининг коннотатив аспектини ўрганишда муҳим омил сифатида онгнинг баҳолаш фаолияти ҳисобга олинади [3:43]. Фонга бирор бир тус, ранг, жило бериш деганда сўздаги ўзига хос аниқ нутқий вазиятда узлуқ актуаллашадиган тўғридан-тўғри бўлмаган информация тушунилади, у реципиентда (китобхонда, ҳамсухбатда ва ш.к.) миллий-маданий ёки тарихий мазмундаги, турли эмоциялари, ҳис-туйғулари ошкор қилинган ушбу ҳолда ижобий коннотацияларни уйғотади:

1.... *Шерали Жураевни фақат хушовоз хонанда эмас, балки ажойиб бастакор* дегим қелади. Атоқли шоиримиз *Ғофур Ғуломнинг “Йигитлар”* ва “*Санъатим*” шеърларига халқимизга манзур чиройли куйлар басталаб, катта маҳорат билан ижро этди (Газетадан).

2. *Алишер Навоий ҳаётлигидаёқ моҳир бастакорлар унинг сўлим газалларига ажойиб куйлар басталашган* (Газетадан).

Бу мисолларда “бастакор” сўзи синоними бўлган “композитор” сўзига алмаштирилса, информантлар (авторлар) ўзларининг маълумотларида “бастакор” сўзи орқали ифодалаётган эмоционал баҳо йўқолади. Кўрсатилиши бўйича “композитор” сўзи ўзининг терминологик жиҳати билан фарқланиб, лексик семантиканинг эмотив баҳолаш компонентига эга эмас. Иккинчи мисолдаги бундай алмаштиришнинг мумкин эмаслиги композитор байналмилал сўзининг ўзбек тили лексикасига Шўролар даврида кириб келиши, ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг онгида кейинги жамият ривожланиши даври ассоциациясининг замонавийлик туси кузатилиши билан изоҳланади. Келтирилган мисоллар “бастакор” сўзини “композитор” сўзи билан алмаштиришнинг мумкин эмаслигининг ўзига хос ҳолларини кўрсатади: 1.*Устига устак ўзини бастакор деб билгувчилар кўпайиб кетди. Аслида бу юксак номни халқ бериши лозим. Унга сазовор бўлиш учун игна билан қудуқ қазичилик машаққатли меҳнат керак* (Газетадан). 2. *Мароғий – Темур саройида хизмат қилган машҳур ҳофиз, созанда ва бастакор*.

Шундай қилиб, синонимлар асосий маъноси бўйича яқин сўзлар бўлиб, лексик-семантик бирикувнинг умумий ҳамда фаркли жиҳатларига эга. Улар нафақат лексик-семантикасининг коннотатив аспекти бўйича фарқланади, балки аниқ бир ҳолларда ижтимоий томондан анланган тарихий жиҳатдан сақланган контекстлардаги денотатив маъноси бўйича ҳам фарқланади. Масалан: *Буюк мутафаккир Алишер Навоийга бағишланган «Алишер Навоий ва мусиқа*

санъати» Бутуниттифоқ илмий-назарий анжумани кеча ниҳоясига етди. Анжуманни Ўзбекистон маданият вазирлиги, жумҳурият композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Мухтор Аиравий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ҳамкорликда ўтказди. (Газетадан).

Бу икки лексема санъатшунослик соҳасида, соҳа эгалари нутқда фарқланади. Санъатшунослик термини сифатида “бастакор” сўзи “анъанавий халқ услубидаги мусикаларни яратувчи” “композиторни” англатади. “Композитор”, “бастакор” сўзларининг санъатшуносликда денотатив маънода эканлигини Ўзбекистондаги машҳур композитор, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раисининг ўринбосари Рустам Абдуллаевнинг мақоласида келтирилган мисол билан тасдиқлаш мумкин (Қаранг. Газ. ЁЛ. 7. VIII-91.). “...Ўша даврларда *композиторлар* билан *бастакорлар* ўртасидаги муносабат ўта самимий, дўстона бўлган. “*Лайли ва Мажнун*”, “*Тоҳир ва Зухра*”... каби шоҳ асарлар ана шу ижодий ҳамкорлик ҳамда санъатимизга нотанинг кириб келиш шарофати туфайли пайдо бўлган” (Республикада 1991 йилнинг августигача иккита мустақил ташкилот фаолият юритган: “Композиторлар уюшмаси” ва “Бастакорлар уюшмаси”: Бу ҳақда санъатшунос Муқаддас Солиҳованинг “Меҳр товланмоқда” мақоласини қаранг (Қаранг. Газ. 1991).

Синонимлар ўзининг деривацион хусусияти ва имконияти билан ҳам фарқланади. “Бастакор” сўзи куйидаги морфемалардан ташкил топган: баста – ўзак морфема, “кор” – аффикс. Форс-тожикча баста ҳамда бастакор сўзлари асосида ўзбек тилида сўзлар ҳосил қилинган, масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да куйидаги ясалмалар келтирилган:

БАСТАКОРЛИК Мумтоз, анъанавий мусиқа асарлари (куй ва ашулалар) яратиш машғулоти, касби; мусиқа ижодчилиги. *Бастакорлик санъати, айниқса, 15-16 асрларда оммавийлашган: қатор шоир, олим ва б. лар айни пайтда бастакор ҳам бўлган.*

БАСТАЛАМО□ Мусиқий асарлар яратмок. *Эркин меҳнат қўшиқларин басталаб, яхшилаб чал, ҳордиқларим тўкайин.* Ғайратий [4:175]. Ўзакдош сўзлар тилнинг (нутқнинг) бошқа бирликлари билан лексик-семантик муносабатга киришганда ўзаро коррелятив ва лексик алоқаларни йўқотмайди, аксинча, ҳар сафар ҳар бир коммуникатив актда бу алоқаларни ўзининг семантикасида акс эттиради ва шу билан бирга ўзбек лексикасини тартибга ва тузимга солишга ўзининг аниқ бир ҳиссасини қўшади.

Мақолада XX аср 30-йиллари қарақалпақ лирикасида банд турлари ўзига хослиги умумлаштирилған. Банд турлари хисобланадиган иккилик, учлик ва бешликлар фольклор аңғаналари ҳамда қарақалпақ шеър тузилиши нуктаи назаридан таҳлил қилиниб, 30-йиллар қарақалпақ шеърятти структураси бўйича муайян хулосалар чиқарилған.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются виды каракалпакской поэтической строфы в 30-годы XX века. Виды строфы двустипные, трёхстишие, пятистишие проанализированы на примерах фольклорных и художественных произведений и соответствующим образом сделаны выводы о каракалпакском стихосложении 30-годов.

SUMMARY

The article deals with the types of Karakalpak poetic strophe in the thirties of the twentieth century. The types of the strophe are a couplet, a tercet, and a mukhammas were analyzed on the examples of folklore and literary artistic works, and conclusions are drawn accordingly on the Karakalpak versification of the thirties of the twentieth century.

К.РАХМАНОВТЫҢ «ЕДИГЕ» ДРАМАСЫНДА РЕМАРКАЛАРДЫҢ ХЫЗМЕТИ

М.Палымбетова - докторант (PhD)

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: драма, композиция, сюжет, образ, ремарка, диалог, монолог, жанр.

Ключевые слова: драма, композиция, сюжет, образ, ремарка, диалог, монолог, жанр.

Key words: drama, composition, plot, hero, remark, dialogue, monologue, genre.

XX әсир қарақалпақ драматургиясы жанрлық жақтан толысып, дүнья әдебияты үлгилеринен пайдаланған ҳалда әдебиятымызға бурын болмаған әдебий түрлер, жанрлық формалар кирип келди. Олар әдебиятымызға синисип, хәр тәрәплеме раўажланыўына себеп болды. Бундай жанрлардың пайда болыўы тек прозалық, поэзиялық жанрларда ғана емес, драматургия жанрында да көзге тасланады. Мәселен, эпикалық шығармалардың драмаға өтиў кубылысы. Эпикалық жанрларға роман, повест, гүррин, новелла, ертеке, дәстанлар киретуғын болса булардың дерлик барлығының сюжети тийкарында жаңа жанрдың пайда болғанлығын көремиз.

«Өткен әсирдиң 40-жылларында-ақ, «Алпамыс» дәстанының сюжети тийкарында дөретилген «Алпамыс» музыкалы драмасы халық дәстанларын әдебийлестиріўдиң хәм сахналастырыўдиң басламасы болды. Буннан соң, А.Бегимов, Т.Алланазаровлардың «Ғәрип ашық» дәстанының сюжети тийкарында дөретилген усы атамадағы музыкалы драмасы (1955), Ә.Шамуратов, И.Юсуповлардың «Қырық қыз» дәстанының сюжети тийкарында дөретилген усы атамадағы музыкалы драмасы (1965), Қ.Матмуратовтың «Шәрьяр» дәстанының сюжети тийкарында дөретилген усы атамадағы драмасы (1992), К.Рахмановтың 2017-жылы «Едиге» дәстанының сюжети тийкарында дөретилген усы атамадағы музыкалы драмасы, К.Алламбергеновтың «Едиге» дәстанының сюжети тийкарында дөретилген, кітап болып баспадан шыққан (2017) «Әмир Темир хәм Ер Едиге (Уллы атланыс)» тарийхый музыкалы драмасы бул көркем жолдың даўамы болды.» [1]. Бунда халық дәстанларының негизги сюжетине, қахарман образларға қосымша өзгерислер киритилгени менен, шығарманың тийкаргы идеясы сақланған ҳалда жаңа драмалық шығарманың жа-

салғанлығын көремиз. Биз бул жумысымызда драматург К.Рахмановтың «Едиге» дәстанының сюжети тийкарында дөретилген (мәсләхәтши К.Алламбергенов) «Едиге» музыкалы драмасында қолланылған драмалық көркем әмеллерден пайдаланыў шеберлигин изерлеўди мақсет еттик.

Изертлеўдиң методлары: Изертлеў жумысымызда салыстырмалы, көркем-эстетикалық анализ методларын пайдаланылды.

Изертлениў жағдайы: Қарақалпақ драматургиясын изертлеў жумыслары 50-60-жыллардан баслап алып барылды. Биздиң изертлеў объектимиз бойынша Т.Алланазаровтың монографияларында, Қ.Султанов, Ә.Сейтбеков, Ж.Хошаниязов, Р.Мәтмуратова, М.Мәмбетовалардың [2] х.б мақалалары К.Рахмановтың драмалары мәселелерине арналған.

Нәтиже: бул мийнетлерден келип шығып биз автордың драмаларының тили изерленбегенин, басқа драматурглерден өзгешелигиниң толық ашылмағанының гүўасы болды.

Талқылаў: Драма авторлық ремаркалар жәрдеминде ашылады. Ремаркалар ўақыялардың кимлер этирапында болып өтетуғыны, персонажлардың жасы, кәсип-кәри, ҳәрекетлерин, персонажлардың психологиясын, эмоциясын, перделердиң, көринислердиң ортасындағы байланысларын түсиндириўши көркем әмел. Драманың биринши картинасында берилген автор ремаркасы ўақия болып өтетуғын орын хәм оның персонажлары ҳаққында мағлыўмат береді. Мәселен :

«Перде көтерилип, сахна жақтыланып баслайды. Ноғай даласы, төбешиктиң басында Едиге менен жылқыман сөйлесип отырады» [3:4].

Бул жерде автор ўақияның Ноғай даласында, Едиге хәм Токтамыстың жылқыманы екеўинин қатнасында болып өтетуғынлығын билдириўде қолланған. Драма-

дағы бул ремарка сол көринистеги қахарманлардың ким екенлигин, сахнада қандай өзгерістердің бола-туғындығын кейінгі көринистің қалай ашылуын байланыстырыушы көркем әмел.

«Қолына қурығын алып орнынан турады да қышқырады: - Қуррыұ-қуррыұ. Қыййыұ-қыййыұ, ғыйт-қыйт! Сонда шексиз даланы ат туяқтарының дүбири қаппап, олардың қиснеген дауыстары әлемди жаңлатып жибереді. Хәпзаматта Едигениң дөгерегине жылқылар жыйналып қалады» [3:5].

Бунда Едигениң кәсип-кәрин, адамлар улыұма тири жанликлер арасындағы хұрметин түсиндирип келген, бул көринистеги персонаждың кәсипин түсиндириуши ремарка хызметинде қолланылған хәм ўақыялардың раўажланыуындағы көринислердің байланысын тәмийнлеп келген.

Сондай-ақ, ремаркалар персонажлардың хәрекетлерин де сыпатлайды. Мәселен: бир балаға таласып келген еки хаялдың хәрекетлерин бериўде:

«Хаяллар баланың бири оң қолынан, бири шеп қолынан устайды. Едиге қынабынан алмас қылышын шығарып, баланың тас төбесинен шаппақшыдай хәрекет билдиреди. 1-хаял шыңғырып жибереді. Баланың үстине бойын таслайды» [3:11].

Едиге балаға таласып келген еки хаялдың мәселесин шешпекиш болып, жалғаннан баланың төбесин шаппақшыдай хәрекет ислейди. Сонда, 1-хаял перзентиниң басына келген бул күлпетке қарап турмастан, өзін баланың үстине қарай таслайды. Бул ўақыядан соң бала 1-хаялда қалады. Бул көринисти түсиндирип келген ремарка хызмети жағынан персонажлар арасындағы хәрекетті, хәрекетлердің себеплерин сол көринис басланбастан бурын түсиндирип, байланыстырып келген.

«Жылқыман бир алманы алып алыста турған баланың төбесине қойып келеди».

«Мерген нышананы гөзеп атады. Жылқыман алманы алып келип Едигеге береді, қусшы хайран қалып тур».

«...деп үйректің өнирин үш мәрте сыйпайды, үйректің өнири хәр түрли түске енип кетеди. Едиге үйректі өз еркине ушырып жибереді». [3:13-14].

Автор бул жердеги ремаркалар арқалы персонажлардың хәрекетлерин түсиндирип келген. Сондай-ақ, Едигениң қанында қустың қаны бар екенин, шоры сүтин емседе инсаныйлық пазыйлетлердің бар екенин, көринислерде көрсетип отырмастан ремаркалар жәрдемінде қысқа келтирип келесі көринис пенен байланыстырыўда хәм оқыўшылар қәўимине түсиндириушын қолланған.

«Қарашаш билдирмей ханның тонының етегин жердеги гилемге илмешек пенен илип таслайды» [3:10]. Бунда автор Қарашаш ханымның айтқан сөзлерине исенбеген Токтамыс ханның Едиге келгендеги психологиясын, хәрекетлерин көрсетиўде ремаркадан пайдаланған. Токтамыс хан Едиге келген ўақытында билмей денесин қорқыныш билеп, Едигениң сәўлаты басып тахтынан ушып туып сәлем беретугын болған. Токтамыстың бул хәрекетин хаялы Қарашаш ханым айтқанында да оған исенбейди. Буны дәлиллеушын ол усы хийлени ойлап табады. Автор бул ремарканы китап оқыўшылары қәўимине түсиникли болыушын кейінгі көринисти қуры көрсетип кетпестен оны түсиндирип, алдыңғы хәм кейінгі көринислерди байланыстырыушын орынлы қолланған.

«Сатемир орнынан туып, албырақлап қалады да тахтынан түседі» [3:35].

Бул жерде Сатемирдің албырап қалуына себеп Едигениң атының дүбирлеген аяғының дауысын еситип, және ат үстінде отырған Едигениң айбатынан қорқып тахтынан түсип кетеди. Автор, Сатемирдің психологиясында пайда болған қорқыныш сезимлерин бериўде ремарканы пайдаланған. Бул ремаркалар

арқалы автор персонажлардың сол ўақыттағы психологиясын, ишки ой-кеширмелерин, болып атырған ўақыяларға иштей қатнасын билдирип тур.

Әлип дәу: «Едиге барып дәўдин басын қушақлайды, көзлеринде жас» [3:29]. Бул жердеги ремарка Едигениң дәў менен болған айқастың нәтижесинде бул дүньяны тәрк еткен жалғыз бөлесиниң өлимине қайғырып көзине жас алыу хәрекетлерин бериўде бул көркем әмел қолланылған. Бул келесі көринистеги Едигениң не ушын қайғырыу себеплерин түсиндириу хызметин аткарып тур.

«Қатты еңирейди, Едиге оң қолын береді, қолын көзине басып дәў еңирейди». [3:41]. Бул авторлық ремаркалар персонажлардың ишки ой-кеширмелерин билдирип тур. Мәселен, Едигениң Әлип дәўди өлтирген ўақытында оған деген туўысқанлық сезими пайда болып, шоры сүтин емседе инсаныйлық пазыйлетлердің, пайда болыуы үйректің көзнен аққан жасын көргенінде оның анасы ядына түсип көзине жас алыуыда Едигениң психологиясында пайда болған сезимлерин түсиндириўде ремаркадан пайдаланған.

Сондай-ақ, авторлық ремаркалар көринислер, перделер ортасындағы байланыстыда тәмийинлейди. Мәселен, жаңа картина да ямаса көринисте перделер ашылып сахна жақтыланады.

«Усы ўақытлары даладан дад-дад деген дауыстар еситиледи. Хан ойынды тоқтатады. Кенжембай жырау, Қосназар дийўан ийилип сәлем берип киреди» [3:14].

«Екинши картинадағы көринис (Токтамыс, Кенжембай, Қосназар Едигени өлтириўди ойласып атыр)». [3:21] Бул орында ремарка көринислер, картиналарды келесі эпизодлар менен таныстырып, келесі көринислер хаққында қысқа-қысқа мағлыұматлар берип, басланажақ пердедегі таза сюжетлерди байланыстырыўда қолланылған.

«1-картинадағы көринис, Едиге бир өзи ойланып отыр». [3:25].

«Сатемирдин сарайы. Сатемир менен дийўан киреди» [3:42].

Жоқарыдағы мысаллардан көринип турғанындай, автор ремаркалары жаңа көринислерди, перделерди байланыстырып, оқыўшылар жәмәтине келесі эпизодты түсиндирип келеди. Бул көркем әмел яғный автор ремаркасы көбинесе китап оқыўшыларына түсиникли болыуы ушын драма тексті арқалы бериледи. «Автор тили, бириншиден, шығармадағы ўақыяларды, бөлим хәм бөлеклерди бир-бирине байланыстырып, сәйкес «организмди» жүзеге келтиреді, екиншиден, шығармадағы образлар хәм ўақыяларды баянлаўға, оларға өз мүнәсибетин билдириўге хызмет қылады...» [4:165].

Ал, сахнада болса бул байланысты отырмастан перделер ашылады да, персонажлардың хәрекетлери менен ўақыялар сүўретленип отырады. Тамашагөйлер жаңа көринислерди тек сахнадағы хәрекетлер арқалы аңлайды, түсинеде.

Персонажлар өз сөзлери арқалы ўақыяны раўажландырып, жанландырып отырады хәм бул арқалы персонажлардың характери, минез-құлқы ашылады. Бул хаққында қазақ илимпазы Н.Каримов «Драмалық шығармалардағы бирден-бир басым сөз дизбеги персонажлардың сөзиде, ара-тура (бир шығарма да азлау, екиншисинде көбирек) автор сөзи (ремарка) де қолланылады. ...хәр бир шығармадағы, хәр бир персонаж тилине қойылатуғын баслы талап персонаж сөзиниң мазмуны менен, тури жағынан, персонаждың минезине, психологиясына ылайық, мәдений дәрежесине сыйымлы, өмир тәжирийбесине, өскен орталығына, кәсипине, ўақыя болып атырған жағдайға т.б. сәйкес етип бериледи, ...персонаждың сөзинен оның минезин таныўға мүмкиншилик туўдырады» [5:10-14]-десе, өзбек илимпазы Т.Бобоев: «Әдетте, қахарманның индивидуал тили оның өз өмир тәжирийбеси, дүньяқарасы, сана-сезими,

минез-кулқы, мәдений дәрежесі, психологиясы хэм кәсіп-кәрин анық характерлеп береді. Қахарманның сөзі арқалы оның қандай адам екенлигин аңлау мүмкін» [4:168] -деген еді. Илимпаз Қ.Султанов «Драмалық шығармада персонаж тили сол персонажды индивидуалластыруу хэм типиклестірууде үлкен хызмет атқарады. Хәр бир адамның сөзі оның турмыстан алған тәжірийбесін, мәдениетін, характерін көрсетіп турады»-деп келтиреді [6:117]. Демек, драмадағы персонажлардың сөзлери арқалы олардың минез-кулқы, кәсиби, өскен орталығы мәлім болып отырады. Мәселен:

Едиге:

Жылқылар түсинбес басқаны, бәлким,
Я түсинбес жылқыларды басқалар...
Түсинбеклик қыйын хайуаннан гөре,
Мынау адамзаттың ишки дүньясын. (ойланып)
Мени улы дейди Тоқтамыс ханның,
Мен хан улыман басқалар ушын,
Мәгар усы жерде өзге сыр бардур...[3:10].

Драмадағы бул қатарлар, Едигенің жылқыман болып ислеп жүрген кәсибин билдируи менен бирге, оның ишки психологиясын яғнай болып атырған ўақыяларға қатнасын, түсинбеушилигин, адамзаттың ишки дүньясын түсиниу қаншелли қыйынлығы себепли хан баласы бола тура оның шопан болып жүриу себеби не екенлигин билмегени, түсинбегени бәлким ол әкеси емес деген пикирлердің пайда болғанлығын персонаждың сөзлери арқалы ўақыяларға қатнасын, психологиясын билдиріп келген.

Едиге :

-Хей жәниўарым, ханның улы болсам да,
Мен де сендей жетиммен, сендей жалғызбан,
Лекін ханнан кем емес екенлигини ата-тегімнің,
Әкемнің сазасынан биліп алдым мен...
Зимистан әйледі балалық дәуран,
Жутқан ҳаўам шаңғыт аралас болды,
Балам деп баўрына тартпады хешким...[3:12]

Бул қатарлар, Едигенің Тоқтамысқа ханға өкпели екенлигин, балалық дәуиринің қыйыншылықта өткенлигин, хешқашан хан баласы болса жарқырап өмир көрмегенлигин, бәрха қыйыншылық, жетимликте өмир кеширген инсанның психологиясын характерлеп тур. Бул қатарлардағы персонаж сөзинен налыныу сезимлеринің бар екенін, халық оны ханның улы деп танысада, Едиге өзін хан улы емес екенлигин, бирақ, ата-бабасының хан әуладынан кем емес екенлигин аңлаўға болады. Сондай-ақ, «Жутқан ҳаўам шаңғыт аралас болды» деген қатарларда Едигенің хэм хан улы, хэм тексиз кул болып жасағанын, өзинің қайсы тайыпаға киретуғынын билмей екиленіп жасайтуғынлығын персонаж сөзі арқалы аңлаймыз.

Тоқтамыс: Тоқтамыстай ханға қурал көтережақ!

Мениң босағамды зимистан етежақ...

Асыранды улма, асыранды кул ма?

Яки бөлтириги ме екен көк жал бөринің!??...

Буган жол қоймайман, әй пәрүардигарым,

Мендей бир ханыңды қоллап-қуўатла!

Асыранды қулыма талатпа мени...[3:21]

Бул Тоқтамыс ханның тилинен баянланып, бир ўақытлары сақлап алған қулының енди өзине қарсы қылыш көтеріп, үйинен қорқынышқа түсиуи, Тоқтамыстың алдына Едиге барған ўақтында жаўды көргендей орнынан ушып турып салемиң әлик алыўы, Едигенің сәўлатынан қорқып жүрегінде қорқыныштың пайда болыўы сыяклы ишки ой-кеширмелери, хәрекетлери Тоқтамыстың тилинен баянланады. Бул персонаж сөзі сол қахарманның характерін ашып берген. Демек, драмадағы Тоқтамыс хан неше мың баслы әскерге ийе болса да, жалғыз өзі Едигеден әззи екенін көремиз.

Сатемир: Тилегім гүнасыз халықты шуўлатпа,

Орынсыз топ атып обалға қалма,

Тоқтамыстай ханды шақырып сөйлес,

Әдалатсыз деген насақты алма...

Тоқтамыс хан мениңде,

Жаныма әбден тийип тур,

Әдалат ушын, халық ушын!

Мейли батыр, жәрдем бермен. [3:36]

Бул қатарлар Сатемирханның тилинен баянланып, бул арқалы биз оның әдалатлы патша екенлигин, ойлап қарар шығарыўын, бәрхама халық тәрәпинде турыу қәсийетлерін көремиз. Олда, Тоқтамысханның әдилсизлигинен, халықты қыйнап атырғанлығынан күйіп оған қарсы шығып Едиге батырдың сиясатын қоллап, жәрдем қолын созыўы арқалы биз Сатемирдің характерини қандай екенін аңлаймыз.

Демек, көркем шығармада персонаж тили қахарманның тәбиятын, психологиясын, қахарманның көркем портретін жасаўға хызмет етеди. Драмадағы персонаж тили бойынша орыс әдебиятында Лессинг Г., Горбунова Е., Громова М., Бялик, Б. [7] х.т.басқа илимпазлар тәрәпинен арнаулы түрде изертленген. Қазақ әдебиятында бул арнаулы изерленбеген болса да, айырым илимпазлар мийнетлерінде М.Әуезов, С.Ордалиев, Ә.Тәжибаев, Н.Ғабдуллин, Р.Нурғалиев х.т. басқалардың мийнетлерінде сөз етилген [8:169-170].

Ал, бизиң әдебиятымызда прозалық шығармалардағы персонаж тили изертленгени менен драмалық шығармалардағы персонаж тили илимпаз Қ.Султанов[6] тың мақаласынан тысқары, басқа илимпазлар тәрәпинен еле арнаулы түрде изертленбеди. Сонлықтан, бул мәселе өз изертлениуін күтип турған мәселелерден есапланады. Драмалық шығармалардағы көркем әмеллердің және бири монологлар.

Монологлар-пьесадағы қатнасыўшы персонажлардың ишки дүньясын ашыўда үлкен хызмет атқаратуғын көркем компонент есапланады. Прозадағы монолог пенен драмадағы монолог бир-биринен өзгешеликке ийе екені белгилі. Драмадағы монолог сахнада көпшилик алдында орынланады, бирақ сол персонаждың қасындағы басқа персонажлар еситпейди, жуўап қайтармайды. Тек, сол персонаждың руўхый кеширмелерин, ишки ой-сезимлерин сүүретлейди, сол образдың қәсийетін ашады. Биз сөз етип отырған драмада автор Едигенің ели менен хошласыу монологын береді хэм оны «ария» деген термин менен атайды. Мәселен :

Тоқтамыстың дәртинен,

Ногайдан кетермен болдым,

Хош Ногайым аман бол!

Мен қайғыны қояйын,

Халықтың ғамын ойлайын,

Сатемірдей патшаның,

Барғасына барайын,

Әдил патша Сатемірден,

Жәрдем сорап көрейін,

Ақ Ногайым аман бол! [3:26]

Бул, Едигенің өз елинен айра тусиу, хошласыу монологы. Тоқтамыс ханның қылған қыянети себепли жүрек баўыры күйген Едиге, ели менен хошласып, қайғыланып қай мәнзилге барыўды ойлап, қайғырып турған эпизоды. Бул монолог арқалы автор қайғыға батқан Едигени өз ғамы емес халық ғамы менен жасайтуғын батыр екенлигин, Тоқтамысқа деген өшпендилигин, Тоқтамыстың қыянетин, Сатемірдің әдил патша екенлигин Едигенің монологы арқалы көрсеткен.

Драмадағы тийкарғы көркем әмеллердің бири- диалог. Диалог-сахналық шығармаларда қахарманлардың характерін ашыўшы тийкарғы қурал. Бул драмада Едиге менен жылқыманның, Тоқтамыс пенен хаялы Қарашаштың, Едиге менен хаялы Қарақастың, Едиге менен Сатемірдің өз-ара диалогларында көринеди. Сондай-ақ, драмада ария-дуэт, ария-триоларыда берілген болып, ол Едиге хэм 2 хаялдың, Тоқтамыс-Кенжембай-

Қосназарлардың өз-ара тартысын, сораў-жуўабы берилген орынларда автор тәрәпинен орынлы қолланылған хәм персонажлардың характерин ашып берген.

Солай етип, биз сөз еткен К.Рахмановтың бул драмасының сюжети дәстан сюжети тийкарында алынған болып, автор сахна талаптарын есапка алып, тек дәстанның тийкаргы кескин бурылыс орынларын ғана алған.

Драмада сюжет 16-17 персонаж жәрдемінде ашылып бериледи. Бунда баслы қахарман Едиге, Токтамыс хан, Сатемирхан образлары.

Едиге образы өз бойына мәртлик, халықшыллық, ақыллылық қәсийетлерин бир-бирине байланыстырған халда сүүретленген. Ол халық арзығу еткен, олардың әрманларын әмелге асыратуғын, Токтамыс ханның қысымынан азат етиўши бирден-бир күш. Елиның тынышлығы ушын шаңарағы, бала-шағасынан кетип Сатемирден жәрдем сорап елин қутқарыў ушын ислеген хәрәкетлери оның батырлығын көрсетеди. Мәселен :

Токтамыс ханның Едиге келди десе орнынан ушып турып тахтынан түсип сәлемин әлик алыўы, хәттеки, дийўанбеги оны тәрийплегенинде Сатемир ханда тахтынан түсип албырақлап қалыўынан оның батырлық портрети жасалған.

Токтамыс хан базы орынларда ақыллы, өзінше пикирге ийе хан сыпатында, базы орынларда жеке қарар

қабыл ете алмайтуғын, еки жүзли хан сыпатында (Ұзирлериниң гәпине ерип Едигени, соң баласы Нураддинди өлтиртпекши болады) көзге тасланады.

Сатемир хан образы драма да толық ашылмаған. Ол тек Едиге жәрдем сорап барғанында оған жәрдем беріўши күш, және де, Едигениң батырлығын көрсетиў ушын Әлип дәў менен ушырастырыўшы эпизод персонажы сыпатында қатнастырылған.

Жуўмак: Демек, автор ўақыяны узақ көринислер жәрдемінде көрсетиўден қашып сахна талаптарын есапка алып, қысқа хәм тийкаргы көринислер жәрдемінде бас қахарманлардың, халықтың арзығу-үмитлерин ашып беріўди максет еткен хәм жоқары нәтижелерге ерискен деп айтсақ болады.

Улыўмаластырып айтқанда, драматург К.Рахманов узақ ўақытлардан берли әдебиятымызда проза, драматургия хәм лирика тараўында қәлем тербеткен қарақалпақ әдебиятының ўәкиллериниң бири. Ол дәрәткен дәрәтпелер әдебиятымызда жанрлық, көркемлик жақтан да жаңалық болып қосылып отырды. Биз сөз еткен шығармасыда қарақалпақ әдебиятында 40-жыллардан берли қиятырған әдебий дәстүрдің даўамы болып, бул традиция еле де бар екенлигин, буннан соңда болыўын көрсетип тур. Бул әдебий раўажланыў, әдебиятшы илимпазлардан илимий талқыға тартыўды күтип турған мәселелердің бири.

Әдебиятлар

1. Жәрімбетов Қ. Дәстан, тарийх хәм драма (Жазыўшы К.Алламбергеновтың “Әмир Темур хәм Ер Едиге (Уллы атланыс)” тарийхий музыкалы драмасын оқығанда туўылған гейпара ойлар. //Қарақалпақ әдебияты. 2017 ж, №7.
2. Алланазаров Т. Театр хәм драматургия, Нөкис, «Қарақалпақстан», 1979., Қарақалпақ совет драматургиясының гейпара мәселелери. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1987., Султанов Қ. Драматургияда персонаж тили. // Әмиўдәрия. 1961. №3., Сейтбеков Ә. Комедияға айланған повесть. // Әмиўдәрия. 2012. №3, Эпикалық хәм драмалық жанрлардың бир-бирине тасир мәселеси. // ӨзРФАҚҚБ Хабаршысы, 2013. №1., Матмуратова Р. Қарақалпақ драматургиясында фарс жанры. // ӨзРФАҚҚБ Хабаршысы, 2013. №4.
3. Рахманов К. Заретдинов Қ. Едиге. Режиссёр вариантының электронный нускасы. –Нөкис: 1994 (2016).
4. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2002.
5. Кәримов Х. Қанатты тил. –Алмата: 1994.
6. Султанов Қ. Драматургияда персонаж тили. // «Әмиўдәрия», 1961. №2.
7. Горбунова Е. Идеи. Конфликты. Характеры. - Москва, 1960; Громова М. Русская драматургия XX века. - М.: 2006. Бялик, Б. М. Горький - драматург. - М.: 1977.
8. Шапауов Ә. Қ., Жүсіпов Н. Қ. Қазіргі драматургияның көркемдік- стильдік ерекшеліктері. // «Вестник ПГУ» им. С. Торайғырова. 2013. №2.

РЕЗЮМЕ

Мақола К.Рахмановнинг «Едиге» мусикий драмасыда муаллиф қўллаган ремаркаларнинг қахрамон психологиясини, касб-хунарини, иш-харақатларини, харақат ва пардаларни боғлашдаги хизматини аниқлашға бағишланған.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается изучению романа в музыкальной драме «Едиге» К.Рахманова и их роли в описании психологии героев, их профессии и действий.

SUMMARY

The article is devoted to the study of remarks used in the musical drama “Edige” by K.Rakhmanov, their role in the description of the heroes’ psychology, profession and actions.

ТАРЖИМА ВА ТАЛҚИН

(Махтумкули шеърлари таржималари мисолида)

Ф.Сапаева - филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: Махтумкули, шеър, таржима, туркман тили, ўзбек тили, мазмун, маъно, таржимон.

Ключевые слова: Махтумкули, стихотворение, перевод, туркменский язык, узбекский язык, содержание, смысл, переводчик.

Key words: Makhtumkuli, poem, translation, the Turkmen language, the Uzbek language, content, meaning, translator.

Махтумкули қадимдан халқимиз орасида машхур бўлған. Махтумкулининг ўзбек халқи орасидаги чинакам шухрати Жуманиёз Шарипов таржималари билан боғлиқ. Таниқли таржимашунос олим ва мохир мутаржим шоирнинг 314 та шеърини таржима қилиб, 1958 йили “Танланган асарлар” номи билан нашр эттирди [1]. Маълум бўладики, Ж.Шарипов 73 та шеърни у ёки бу даражада қисқартириб таржима қилган – бу адекват таржима талабларига зид. Асар қисқартириб таржима қилиндими, унинг қайсидир

маъно қирраси мавхум қолади, муаллифнинг қайсидир фикри хиралашади, қисқаси, асар мазмуни, муаллиф кўзда тутган мақсад охиригача очилмайди. Аслиятдаги тўрт мучаси бутун шеър таржимада майиб-мажруҳ бўлиб чиқади. Ўртамиёна қаламқашнинг саёз асари бўлса-ку, кераксиз ўринларини қисқартириб таржима қилиш мумкиндир, лекин мумтоз сўз санъаткорининг дурдона асарида, нахотки, ортиқча байту бандлар бўлса?!

Ж.Шарипов таржималари махсус тадқиқ этилмаган

бўлса-да, турли йилларда Х.Абдуллаев, К.Курамбоев, Ғ.Саломов, М.Сапаров, М.Тайлақова, Ж.Юсупов, Э.Очилов каби мутахассислар бу борада чиқишлар қилганлар. Албатта, бу таржималарнинг камчиликлари кўп, лекин ютуқлари ҳам кам эмас. Шунга қарамай, Э.Очиловнинг ёзишча: “Таржимон мактовдан кўра кўпроқ танқид эшитгани маълум. Чунки бу таржималарнинг ютуқлари кўп бўлиши баробарида, камчиликлари ҳам кам эмас. Лекин улар юзасидан ёзилган мақолалар, қилинган чиқишларда таржимоннинг маҳорат сирларини очиб беришдан кўра, эҳтиросларга берилиб, уни чалғитган туркманча сўзларни топиб олиб, танқид қилишга ургу берилгани сир эмас. Холбуки, Жуманиёз Шарипов таржималари Махтумқулини халқимиз орасида иккинчи марта чинаямига машхур қилди. Агар бу таржималар муваффақиятсиз чиққанда қайта-қайта нашр этилмас, “Бўйларингга”, “Кўринг”, “Тўхта-мас”, “Айлар”, “Намасан”, “Юргинг келади”, “Айрил-дим”, “Бўлмас”, “Қарамас”, “Бўлмас” каби бир неча ўнлаб шеърлар ҳофизлар тилига тушиб, кўшиққа айланмас эди” [2].

М.Али Махтумқулининг биргина “Туркманнинг” шеърини таржима қилиб, “Севсам, севилсам” китобида эълон қилган (3). Шундай қилиб, ўзбек таржима адабиётида мазкур шеърнинг 5 таржима нусхаси мавжуд. Шоир-таржимон шеърнинг ўзбек тилига айнан ўтказиш мумкин бўлган ўринларида бу имкониятдан самарали фойдаланган, бунинг иложи бўлмаганда матнга ижодий ёндашиб, эркин таржима йўлини тутган. Чунончи, қуйидаги бандда “падар”, “сар”, “тир” каби фақат форс-тожикча сўзлар қофия бўлиб келганлиги учун унинг қурилишини ўзгартирган (Холбуки, М.Аҳмад ҳамда А.Жумаев ва Ж.Зулиевлар) ўзбек ўқувчисига тушунарсиз бўлишига қарамай, қофияларни айнан саклаб қолганлар):

Ол мердиң оглудыр, мертдир педери,
Гөроғлы гардашы, серхошдыр сери,
Дагда, дүзде ковса, асытлар дири
Ала билмез, ёлбарс оглы түркмениң [4].

У марддир, мард ўтган асли аждодлар,
Қардошдир Гўрўғли сингари зотлар,
Тирик ола билмас қувса сайёдлар,

Йўлбарсдай ёвқурдир ўғли туркманнинг [3:309].

Албатта, таржима айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Илк мисра тўғри таржима қилинган дейиш мумкин. Чунки “У марднинг ўғли, чунки отаси марддир” деган фикрнинг “У марддир, чунки асли авлод-аждоди мард ўтган” тарзида ифодаланиши аслиятга зид эмас, қайтагана уни кучайтирган. Иккинчи мисра таржимасида “серхошдыр сери” – “боши сархушдир” ибораси (Ж.Шарипов “сархуш калласи” деб уни шундай кўпол ўгирган). Бу ибора мажозий маънода “фахру ифтихордан маст, ғурурга тўла” маъносида келган, яъни “Гўрўғлидай зотнинг авлоди эканидан кўкси ғурурга тўла, боши фахр-ифтихор туйғусидан маст”. Шунинг учун ҳам Э.Очилов бу мисрани “Мағрурдир, чунки Гўрўғли авлоди” деб таржима қилган эди. Бинобарин, унинг “Қардошдир Гўрўғли сингари зотлар” кабилида ўзбекчалаштирилиши жилла хато эмас. Учинчи мисра таржимасида эса “тири” – “ўки” сўзини “тирик” деб тушуниб, хатога йўл қўйган. Холбуки, “тирик” сўзи туркман тилида “дири” шаклида ёзилади.

Таниқли шоир ва таржимон Жуманиёз Жабборов Махтумқулининг 10 та шеърини таржима қилиб, “Жаҳон адабиёти” журналарида эълон қилди [5]. Улардан 9 таси кейин “Дунё ўтиб борадир” тўпламига ҳам кири-тилди [6:114-125]. Бу таржималар силлиқ, равон, ўзбек тилида жаранглаб чиққан. Лекин таржимон аслиятни анча-мунча эркин талқин қилган ва қатор қусурларга ҳам йўл қўйган. Одатда, шоир-таржимонлар таржимада аниқликка эмас, равонликка интиладилар: токи таржи-

ма аслиятдан бир қадар чекинса-да, ўзбек тилида жаранглаб чиқсин! Ж.Жабборов таржималарида ҳам худди шу хусусиятни кўрамиз:

Ёлдаш болсан диле дўшмез мур биле,
Ферш тапмайын, биле ятсан мар биле,
Йигрим алты керет, йўз мўн эр биле,
Карун хазынасын гола алдым тут! [7:1,184]

Мазмуни: “Тил билмас чумоли билан йўлдош бўлсанг, жой топмай, илон билан бирга ётсанг ҳам йигирма олти марта юз минг эр билан Қорун хазинасини қўлга киритдим деб ҳисобла”.

Қорун – Мусо алайҳиссаломнинг амакиваччаси. Бойлиги ҳад-ҳисобсиз бўлса-да, хайрли ишларга сарфламаганлиги учун охир-оқибатда бутун хазиналари билан бирга уни ер ютади. У мумтоз адабиётда ҳарислик, ҳасислик тимсолига айланиб кетган.

Форс-тожикча “мўр” (чумоли) ва “мор” (илон) сўзлари ҳозирги ўқувчига тушунарли эмас, бинобарин, уларни ўзгартириш тақозо қилинади. Бу эса қофияни ўзгартириб, банд тузилишини бутунлай янгидан қуриш дегани. Бунинг учун таржимон илоннинг чўлда бўли-шини назарда тутиб, аввало “чўл” сўзини қофияга ола-ди ва бошқа қофияларни унга мослайди – “мўр”ни “гўл” деб олади, мардни – “норғул”. Ёки “мард” сўзини “норғул” деб олиш мумкин дейди-да, олдинги қофия-ларни шунга мувофиқлаштиради: илоннинг чўлга нис-бати бор, демак, иккинчи мисранинг қофияси чўл бўлиши мумкин. “Мўр”нинг эса ўхшабини топмай, “гўл” деб олиб қўя қолади. “Ферш тапмайын” – “ўрин топмай” ва “йигрим алты керет” – “йигирма олти мар-та” ибораларини эса вазнга сиғмагани учун ташлаб кет-ган:

Йўлдош бўлсанг тил билмаган гўл билан,
Ётсанг илон тўла жангал чўл билан,
Юз минг қирчиллаган мард – норғул билан
Қорун хазинасин қўлга олдим де [8:115].

Қизиғи, мутаржим аслиятдаги ибораларни қискар-тирган, лекин ўзидан “гўла жангал чўл” ибораси, “қирчиллаган” сўзини қўшган, “мард” – норғул” деб изоҳли таржимани вужудга келтирган. Демак, бу иборалар чиндан ҳам вазнга сиғмагани учун эмас, бал-ки таржимоннинг эркин ҳаракат қилишига ҳалақит бер-гани учун тушириб қолдирилган.

Маълум бўладики, Ж.Жабборов таржималари учун матнни эркин қилиш хос: у таржиманинг ўзбек тилида равон ва жаранглаб чиқишини биринчи ўринга қўяди. Бу – яхши. Лекин у бу йўлда аслиятдаги у ёки бу сўзни сира иккиланмай тушириб қолдираверади, у ёки бу фикрни ўзи хоҳлаганча талқин қилиб кетаверади.

Ж.Шарипов бу бандни қуйидагича таржима қилган эди:

Йўлдош бўлсанг тил билмаган мўр билан,
Жой топмайын, бирга ётсанг мор билан,
Йигирма олти кара (?) юз минг эр билан –
Қорун хазинасин қўлга олдим де [9:205-206].

Агарда “кара” сўзи корректура хатоси туфайли шундай ёзилгани, аслида у “кара” бўлиши керак деб тахмин қилсак, “мўр” ва “мор” сўзлари ўқувчига тушу-нарсиз бўлишига қарамай айнан қолдирилганлиги – аслият тузилиши ўзгартирилмай ўзича сакланганлигини айтмас, таржима мазмун жиҳатидан аслига мувофиқ. Албатта, ўзбекча таржима талаби қофияларни ал-маштиришни, бинобарин, банднинг қурилишини бу-тунлай янгидан шакллантиришни тақозо қилади. Лекин бу эркинлик Ж.Жабборов таржимаси каби бўладиган бўлса, бундай эркинликнинг сира ҳожати йўқ. “Бошқа тилда, бошқа адабий муҳитда туғилган санъат асарини ўз халқининг санъат асарига айлантириш, дадил ижодий ёндашиб, эркинлик усулини қўллаш орқали амалга оширилади. Ижодийлик билан эркинлик бир-бири билан алоқадор, бир-бирини тўлдирадиган, тақозо этадиган тушунчалар. Лекин улар орасида фарқ бор. Бу

якинлик шундаки, ижодийлик ҳам, эркинлик ҳам формализмга, ҳижжалаб ўгиришга зид принцип бўлиб, шоир-таржимоннинг ҳуқуқини кенгайтиради, ижодкор шахс сифатида қалам тебратишга имкон яратади. Эркинлик билан ижодийлик тўла мос келган жойда аниқ таржима ҳосил бўлиши мумкин. Аммо шундай эркинликлар борки, улар ижодийлик доирасидан узоқлашиб, асарнинг қиёфасини ўзгартириб юборишга сабабчи бўлади. Бу эса ижодийлик эмас, балки ўзбошимчалиқдир” [9].

М.Кенжабек таржимасида эса “керет” (марта, йўла, сафар, дафъа) сўзи, негадир, “тўшак”ка (?) айланган:

Йўлдош бўлсанг тил тушунмас мўр билан,

Жой тополмай, бирга ётсанг мор билан,

Ўттиз қават тўшак, юз минг эр билан –

Қорун хазинасин қўлга олдим, де! [10]

Қардош шоирнинг шеърини ўқиганда ҳаммаси тушунарлидай кўринади ва ҳамманинг ҳам таржима қилгиси келади. Бу – бирёқлама фикр. Яқин тиллардан таржима қилиш осон иш бўлмай, унинг ҳам ўзига хос мураккаблиги, қийинчиликлари бор. Тиллар яқин бўлгани билан улардаги кўп сўзлар ўзаро фарқ қилади, ҳар бир тилда ўзгача жаранглайди, ўзига хос маъно товланишларига эга бўлади. Донишманд Беруний бундан минг йил бурун айтиб кетган: “Баъзи бир лафз (сўз)лар борки, у(ни қўллаш) бир дин (халқ) ва бир тилда беаъни бўлса ҳам, бошқа бир дин(даги халқ) ва бошқа бир тилда беаъни бўлмайди” [11]. Қуйидаги банд таржимаси А.Хамронинг туркман тилини мутлақо билмаслигини яққол кўрсатади:

Магтымгулы айдар, гапыл отурман,

Гылча жаны узун гайга батырман,

Яланчыны ҳасрет билан өтүрмән,

Бир пасыл дөврандыр, өтди, яранлар! [4:2,125].

Махтумкули айтар, ғофил ётарман,

Жоним қилча, улли ғамга ботарман,

Ёлғончидан ҳасрат билан ўтарман,

Бир фасл даврондир, ўтди, ёронлар [12:56].

Бу ерда таржимон, аввало, туркман тилидаги “н” думли экани ва у бизнинг “нг” ҳарф бирикмасига тўғри келишини билмаган. Иккинчидан, “ўтириш” ва “ётиш” туркман тилидан икки хил ёзилишидан бехабар: “отурмак” ва “ятмак”. Бинобарин, биринчи мисрадаги “ғофил ётарман” ибораси аслида “ғофил ўтирман” бўлади. “Жоним қилча бўлгани ҳолда улли (катта) ғамга ботарман” деб таржимон гўё иккинчи мисрани маромига етказиб таржима қилгандай. Лекин бу ерда ҳам “гайга батырман” ибораси “ғамга қўйманг”, “кайғуга ботирманг” тарзида бўлиб, бу ерда шоир ўзига эмас, дўстларини яқинларига мурожаат қилаёпти.

Маълум бўладики, шўролар даврида Махтумкули асарлари биргина Ж.Шарипов томонидан таржима қилинган (М.Шайхзода ва М.Али Ҳақат биттадан шеърларини ўзбекчалаштирганлар) ва катта адабларда қайта-қайта босилган бўлса, мустақиллик йилларида шоир шеърлари таржимонлари сони кескин равишда ортди. Ж.Жабборов ва А.Ҳамролар унинг бир нечадан шеърларини ўгиришган бўлишса, М.Аҳмад, М.Кенжабек, А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар ўз таржималарини алоҳида тўпламлар ҳолида чоп эттиришди. Э.Очилов эса ўзгача амалга оширилга сара таржималарни тўплаб, унга ўзининг янги таржималарини ҳам қўшиб, шоир шеърлари мажмуасини эълон қилди. Уларнинг ҳар бири мукаммал таржима яратиш йўлида ўзига хос босқич эканлиги ва асосан шоирнинг илгари таржима қилинмаган янги шеърларидан иборатлиги жиҳатидан Махтумкули меросини ўзбек халқига тўлалигича етказиш йўлидаги изчил интилишлар натижаси эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Энг муҳими, ярим аср мобайнида Махтумкули асарлари таржимасига 10 нафардан ортиқ таржимон қўл уришининг ўзи шоир номининг ўзбек халқи орасида қанчалик машҳурлигию шеърлари таржимасига замон талаби, ўқувчилар эҳтиёжининг катталигидан далолат беради.

Адабиётлар

1. Махтумкули. Танланган асарлар. -Т.: “Фан”, 1958.
2. Очилов Э. Махтумкули асарларининг ўзбекча таржималари. 14-б.
3. Али М. Севсам, севи́лсам (Шеърлар, таржималар). -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1983. 309-310-б.
4. Магтымгулы, Сайланан эсерлер. -Ашгабат: “Туркменистан”, 1975. 1,11-б.
5. Махтумкули. Сайланма. -Т.: Ўзбекистон – Ёзувчи, 1995.
6. Магтымгулы. Шыгырлар. Үч томлук. 1-том. -Ашгабат: “Туркменистан” ДНЧБ, 1992. 101-б.
7. Махтумкули. Танланган асарлар (Ж.Шарипов тарж.). -Т.: “Фан”, 1958.
8. Туркменче-русча сөзлүк. -М.: Советская энциклопедия, 1968.
9. Махтумкули. Мард йигитлар баҳоси (Шеърлар). // Жаҳон адабиёти. - Т.: 2003. № 5. 128-133-б.
10. Махтумкули. Сайланма. (М.Кенжабек тарж.). -Т.: “Фан”, 2004.
11. Махтумкули-Фироғий. Сайланма. (А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар тарж.). -Т.: “Ўзбекистон”, 2008. 388-б.
12. Ҳамро А. Қишда очилган гул (Шеърлар). –Бухоро: 2009.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Махтумкули шеърларининг ўзбекча таржималари талқин қилинди. Хусусан, Махтумкули шеърларининг шакл ва мазмун муштарақлиги, таржимонларнинг сўз қўллаш маҳорати таҳлил қилиниб, бадиий таржимада сўзнинг мавқеи хусусида баҳс юритилди.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о переводчиках стихов Махтумкули на узбекский язык. На примере переводов стихотворений Махтумкули на узбекский язык анализируется мастерство применения слов переводчиками, а также ведётся полемика о статусе слова в художественном переводе.

SUMMARY

The article is devoted to the study of translation of poems of Makhtumkuli into the Uzbek language. On the example of translation of the poems of Makhtumkuli into Uzbek the author analyzes the translators' skill in using words and suggests discussing the value of a word in the literary-artistic translation.

PEDAGOGIKA. METODIKA. INNOVACIYA

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА БАДИЙ ФРАКТАЛ ОБРАЗНИНГ АҲАМИЯТИ

С.Ф.Абдирасилов – педагогика фанлари номзоди

М.А.Хасанова - магистрант

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: фрактал тушунчаси, бадий-фрактал образи, фрактал тизими, яхлитлик, табиий танлаш, тақсимлаш, компонентлар.

Ключевые слова: понятие фрактала, изобразительное искусство, художественно-фрактальный образ, фрактальная система, единство, естественный отбор, деление, компоненты.

Key words: concept of fractal, fine arts, artistic-fractal image, fractal system, unity, natural selection, division, components.

Табиатда симметрия фақатгина ўсимлик оламидагина мавжуд бўлмай, ҳайвонот оламида ҳам, инсонлар юз ва гавда тузилишларида ҳам мавжуд. Симметрия баъзан “бенуксон идеал” даражасида учраса (масалан, капалак танасидаги ўнг ва чап томонларнинг айнанлиги), инсон ва унинг гавда тузилиши эса симметрия доирасида сақланиб қолган ҳолатларнинг асимметрияси чексиз вариантларига мисол бўлаолади.

1973 йилда Филадельфияда ўтказилган халқаро фестивалда симметрия қонуниятларининг сермураккаб ва универсаллиги ҳақида баҳс бўлиб ўтган. Симметриянинг жуда кўп турлари мавжуд бўлиб, тасвирий санъат учун энг аҳамиятлилари - аксий, бурилиш ва трансляцион симметрия ҳисобланади.

Арча дарахтининг япроқ катталикидаги бирор шохини олиб, уни шартли равишда 1 масштаб катталикидаги шох деб атайлик. Хуш, унинг ўзи нималардан ташкил топган томонлардан икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш эгизак шохчалар (уларни икки масштаб катталикидаги шохчалар деб атайлик) бир хил каттага-кичикликда бир масштаб катталикидаги шохчанинг чўққисига қадар бир маромда, яъни ритмик ва симметрик ҳолда жойлашганлигининг гувоҳи бўламыз. Табиатдаги ритм ва симметрик ҳолатларнинг нақш санъатида қўлланиши шу санъат турининг энг асосий қонуниятларини ташкил этади.

Борди-ю, розмарин ва симиренко олма дарахтларини кузатсангиз, унда япроқ ва дарахт структуралари ўртасидаги ўхшашликдан ташқари дарахтнинг умумий кўриниши билан меваларнинг шакллари ўртасида ҳам катта ўхшашлик борлигидан далолат беради.

Ёнғок дарахтларининг остига тўкилиб ётган етилган ёнғоклардан бирини танлаб, унинг жигарранг қобиғини ажратганингиздан сўнг пўст қобиғининг ички сирти ҳамда магзининг устига жойлашган ажойиб “митти гравюралар”ни кўрасиз. Ўша “гравюрадаги дарахтлар” билан ёнғок дарахтлари ўртасидаги инкор этиб бўлмайдиган ўхшашликдан лол қоласиз.

Хуллас, ҳар бир яхлитлик тизимининг ташкил бўлишида энг майда шакллардан энг катта шаклларга ўтишдаги бир хил структуранинг чексиз такрорланиш ходисаси симметрия қонуниятига бевосита боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, унга қараганда яна ҳам салмоқлироқ бўлган “фракталлик” номи билан аталувчи яна бир қонуниятни келтириб чиқаради. Уни 1904 йили математик фон Кох илмий асосда кашф этган бўлса, қадимги буюк рассом ва архитекторлар бу тартиботни юракларининг ич-ичлари билан сезиб келганлар ва ўз ижодларида беихтиёр қўллаб келишганлар.

Табиатда фақатгина ўсимлик дунёсида эмас, дарёлар йўли, ҳайвонлар, инсонлар қон томирлари ва асаб системаларининг тузилишида ҳам фракталлик мавжудлиги аниқланган. Мадомики, атом моделлари, қуёш системаси ва галактика структураси ўрталарида ўхшашлик бор экан, улар ҳам фрактал тузилишга эга бўлса, ажаб эмас. Кеpler ўзининг машҳур “Олам гармонияси ҳақида” [6] асарини олам тортишув қонунияти билан гўзаллик қонуниятлари орасида ажратиб бўлмас даражадаги буюк ўхшашликдан

хайратланиб ва завқланиб яратгани бежиз бўлмаса керак. Тасвирий санъатда, умуман ҳар бир рассом ижодида инсон бош ва гавда тузилишларидаги фракталликни сезиш ва уни томошабинларга етказиб билиш бекиёс аҳамиятга эга. Айниқса, портрет санъатида юз тузилишидаги ўхшамаган аъзолар ўртасидаги “ўхшашликни” сезиш (масалан, бурун қанотлари билан жағлар ўртасидаги, буруннинг пастки асоси - кичик трапеция шакли билан пастки жағлар ва даҳан ости - катта трапеция ўрталаридаги ўхшашлик) ҳамда бошқа аъзолараро шаклларнинг “қофиядошлигини” сездира билиш асар бадийлигига жон ва жожиба бахшида этувчи омиллардан бири бўлиб келган.

1978 йилда ҳали таникли бўлмаган Бенуа Мандельбротнинг “Фракталлар. Шакллар. Тасодифлар. Ўлчам турлари” [7] номи китоби нашр қилинади. Унда табиатнинг фрактал геометрияси тушунтириб берилган. Бу китобда айтилишича, кўпгина табиий шакллар математик нуқтаи назардан “фракталлар” деб тушунтирилади. Бу термин латин тилидан олинган бўлиб, “фрактус”, яъни “бўлинган”, “парчаланган” деган маънони англатади.

Табиатдаги шаклларнинг кўпчилик тасвирлари фрактал тизим асосида ривожланади. Фракталларнинг турли ранглардаги тасвирлари ўзининг мисли қўрилмаган уйғунлиги билан кишини хайратга солади. “Фракталлар бизнинг нафас олишимизда ҳам, қонимизнинг айланишида ҳам, юрагимизнинг ўриб туришида ҳам иштирок этади” [2:25] – дейди ўз мақоласида архитектура номзоди, доцент Джумабаев Х. Оддий қилиб айтганда, фракталлар ҳаёт фаолиятининг моҳиятини ташкил этади. Бундай моҳиятни тушуниш учун янги дунёқарашга эга бўлган математик олим дунёга келиши керак эди. “Тартибсиз бўлиб кўринган бу оламни қандай тартиб-қонуният ушлаб турибди?” деган саволга “Фрактал геометрия” деб номланган янги илмий дунёқараш ўз ечимини берган.

«Фракталлар ва санъат илм учун» номи илмий мақоласида «Оддий қурилиш қоидаси асосида аниқланган шаклни геометриядан беҳабар бўлган инсон мавжуд эстетик қадрияти сифатида – худди, хайрон қоларли даражадаги декоратив ёки балки санъат асари каби идрок этиши мумкинми?» деб ўз фикрини баён қилади. Мандельбротнинг тўлиқ жавоби: «Агарда геометрик шакл бўлса - фрактал, унда жавоб - ҳа» [8:21].

Мазкур мақолада замонавий тасвирий санъат асарлари, компьютер графика техникасида бажарилган, у ёки бу маънода фрактал табиатини ўз ичига олган арт-объектлар ва санъат усталар ишини кўриб чиқиш ниятидамыз. Бизнинг контекстимизда фрактал фақат санъат асари каби талқин қилинади. Аввало, бошланишига аслида фракталлар ўзи нимани англатади.

Фрактал – бу ўз-ўзига ўхшашлик хусусиятига эга яъни, ҳар бири бутун шаклни такрорловчи бир нечта қисмлардан ташкил топган геометрик шаклни билдирувчи атама.

Фрактал сўзи латинча «фрастус» сўзидан олинган

бўлиб, «бўлакланган», «қисмлардан ташкил топган» деган маънони англатади ва у «фрастион, фрастионал» (бўлиш, бўлинма) терминларидан келиб чиққан. Ҳозирги кунга қадар фрактал тушунчаси айнан таърифга эга эмас, бироқ математик нуктаи назардан фрактал—бу касрли ўлчамлар тўпламидан иборатдир. [3:175].

Фрактал ва фрактал геометрия тушунчаси 20—асрнинг 70—80 йиллари ўрталарида математиклар ҳамда дастурчиларнинг илмий изланишларига қатъий равишда кириб келди.

Фрактал тушунчасини Бенуа Манделброт ўйлаб топган (лотин тилида фростус, синган, бўлинган деган маънони англатади). Манделброт 1975 - йилда ўзининг “*Лес Обжетс Фрасталс: Форме, Хасард эт Дименсион*” (“Фрактал объектлар: шакл, тасодифийлик ва ўлчамлар”) номи китобида фракталларни тушунтириб беради. Ушбу китобда Манделброт биринчи марта “фрактал” атамасини, олдиндан айтиб бўлмайдиган ва ажабланарли ҳолатни намойиш қилувчи, камдан - кам учрайдиган математик ҳодисани белгилашда қўллайди. Ушбу фавқуллодда ҳодисалар қандайдир эгри чизикни ёки тўпламни олиш учун рекурсив алгоритмдан фойдаланиш пайтида юзага келган. Манделброт тўплами — ўзининг таққикотчиси номи билан аталган шундай ҳодисалардан биридир.

Фракталларнинг асосий хусусияти — ўз-ўзига ўхшаш ёки чексиз қайтарилиши. Фрактал геометриянинг пайдо бўлиши 1977 - йили нашрдан чиққан, Бенуа Манделброт томонидан ёзилган «*Гхе Фрастал Геометрий оф Натур*» (Табиатнинг фрактал геометрияси) номи китоб билан боғлиқдир. Манделброт ушбу китобида 1875—1925 йилларда шу соҳада ишлаган бир неча олимларнинг (Пуанкаре, Фату, Жюлиа, Кантор, Хаусдорф ва бошқалар) илмий изланишлари

натижаларидан кенг фойдаланган.

Янада кенгрок маънода айтадиган бўлсак, “фрактал” сўзи математик ибора ҳисобланмайди ва қатъий математик таърифга эга эмас. У қуйида санаб ўтиладиган хусусиятлардан бирортасига эга бўлган шакл таққик қилинаётган пайтда қўлланилиши мумкин:

1. Барча даражаларда тартибли тузилмага эга. Уларнинг мунтазам шакллардан фарқи ҳам шунда (айлана, эллипс, функциянинг раён графиги): агар биз мунтазам шаклнинг кичик бўлагини жуда катта масштабларда қарасак, у тўғри чизик бўлагига ўхшайди. Фрактал учун масштабнинг ошиши тузилманинг соддалашишига олиб келмайди, барча даражаларда биз бир хил мураккаб манзарани кўрамыз.

2. Ўз-ўзига ўхшаш ёки ўз-ўзига ўхшашликка яқин хусусиятга эга.

3. Рекурсив (лот. «*recursio* - қайтиш» — ўтганга қайтиши, илгарига) тартиб ёрдамида қурилиш мумкин.


Юқорида айтиб ўтганимиздек, фрактал аниқ бир таърифга эга эмас, бироқ адабиётларда унга берилган турлича таърифларни учратамиз [4].

Фрактал — у геометрик фрактал бўлиб, қисмлардан ташкил топган ҳамда уларнинг ҳар бири бутун фракталнинг нусхасини кичиклаштирган ҳолатини ифодалайди. Фрактал — аниқ бир қисм ўлчамини ўзгартирган ҳолда қайта ва қайта такрорловчи геометрик шаклдир. Фрактал—қисмлардан ташкил топган, қайсидир маънода тўлалигича ўз-ўзига ўхшаш тузилишдир [1:35].


Масалан, фрактални шар кўринишда тасаввур қилсак, унинг масштабини катталаштиришда худди шундай шариклар пайдо бўлади ва давом этишини кўришимиз мумкин. Нарсанинг фрактал табиатини қарам боши мисолида кузатиш мумкин. [Расм.1].



Расм.1. Қарам боши.



Расм. 2. Коҳа қор учқуни.



Расм. 3. Пеано эгри чизиги.

Масалан, Коҳа қор учқуни [Расм. 2] ва Пеано эгри чизиги [Расм. 3] қабилар фрактал иборасини илмий лексиконда қўлланилишидан аввал маълум бўлган.

Коҳанинг фрактал қор учқуни — энг таниқли ва сириқ геометрик объектлардан бири бўлиб. унга 1904 йили швед математиги Хельге фон Кох томонидан илмий тавсиф берилган.

Фрактал — бу синган фазовий шакл, текис ёки нотекис, хаотик ёки ботартиб ва ўз-ўзини турли масштабда такрорлайдиган мураккаб тузилиш ҳисобланади. Фрактал масштабига боғлиқ бўлмаган тасвирларнинг ўз-ўзига ўхшаш тузилишларидир.

Фракталлар тасвирлари эстетика илми учун катта аҳамият касб этади. Илк бор бундай техника XVII асрда италия рассоми Джованни Кастильоне томонидан қўлланилгани эътиборга лойиқдир. Қушлардан бир қуни Мандельброт рассом Леонардо да Винчи яратган асарида тасвирлаган фрактал тузилишларни қайта ишлаб чиқди. Морис Эшер ҳам фрактал асарлар яратган. Тасвирий санъатда фракталларга эга бўлган мисолларнинг кўпини келтириш мумкин.

Санъат асарлари табиий шакллардаги бетакрор гармонияларни ўзида акс эттирар экан, унинг образлари ҳам, албатта, бетакрорлик касб этмоғи даркордир.

Яхлитлик тизимининг ички гармониялари санъат асарларида қай даражада ўз аксини топиши мумкин, деган саволга жавоб сифатида Сандро Боттичеллининг ён томондан тасвирланган “Ёш аёл портрети”ни [Расм. 4]томоша қилишни тавсия қилинади.



Расм. 4. С.Боттичелли. Ёш аёл портрети.

Пешона чизиғи бурун устида ҳам такрорланиб (фақат бошқачароқ йўналишда), иккала сирт хосил қилган ўтмас бурчак бурун учининг пешона ва даҳан билан ташкил қилган ўтмас бурчагига монандлигига эътибор беринг. Пешона билан бурун ташкил қилган ўтмас бурчак (бирламчи ритм) портретнинг кўкрак ва қорин, орқа бўйин ва елка сиртларида, ҳаттоки букланган елка ва тирсак сатҳида ҳам фрактал равишда такрорланаётганлиги шохиди бўламиз. Портретнинг пешона, бурун, даҳан, бўйин оралиқларидан (фон томонида) портрет нусхасининг кичикроқ масштабидаги аксиявий (кузгуда акс этган) вариантларини ҳам кўзга ташланиши гармония қонуниятлари санъат асарида қўлланишидан далолатдир.

Буюк япон рассоми Кацусика Хокусай (1760-1849гг.) ижодининг «Фудзияма тоғларининг юзта кўриниши» номли ишлари туркумида, Леонардо Да Винчи «Оламни сув босиши» асари фрактал аломатларга эгаллигини кузатиш мумкин. Унинг картиналарида тоғ манзараларидаги булутлардан тушган сояларнинг ва денгиз манзараларидаги тўлқинларнинг шаклларида фракталлар гўзал қилиб тасвирланган. Баҳайбат денгиз тўлқинининг шакли унинг юқори қисмидаги майда тўлқинчалари такрор ва такрор тасвирланган.

Табиат фракталлари инсониятга қадим замонлардан маълум, улар фақат санъат асарлари орқали ифодаланганлигининг гувоҳи бўламиз. (Расм. 5-6)



Расм. 5. К.Хокусай, Катта тўлқин, 1832.



Расм.6. Леонардо да Винчи. Оламни сув босиши.

В. Кандинский фикрига кўра, мавжуд белгилар рамзлар бўлиб ташкил топа бошланган жойда, замонавий санъат вужудга келиши мумкин [9].

Бенуа Мандельброт ишончлигини шу билан ифода этдики, санъат илдизлари узоқ ўтмишларга бориб такалади: «Фрактал «янги геометрик санъати» буюк санъат усталари картиналарида ҳайратда қолдирадиган даражадаги ўхшашликни ёки меъморчиликда «нафис» ижодкорлигини намоиш этмоқда».

Эътироф этиш лозимки Мандельбротнинг фракталлар парчаси ҳар ҳолда ўхшаш эмас, бир бирига ўхшаган холос. Айнан шу сифат уларга жозибали мафтунлик бермоқда.

Бугунги кунда фрактал-арт ҳам ўз бадиий услуби билан рақамли санъати орқали мустақил тармоқланишга айланди.

Шундай қилиб, «фрактал санъати» тушунчаси бугунги кунда математика, алгоритм, рақамли санъатдан ташқари бошқа йўналишларда ҳам ривожланиб бормоқда. Фракталлик концепциясининг вужудга келиши рангтасвирда фрактал экспрессионизм ёки «фрактаж», аналогик фрактал рангтасвири Дерек Нильсен, [10] фрактал монотипия Леа Лившиц, [11] фрактал абстракция Виктор Рибас, [12] фрактал реализми Вячеслав Усеинов ва Алексей Сундуков [13], фрактал супрематизми [14] (В. Рибас, С. Головач, А. Работнов, А. Петтай ва б.) каби янги шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Турли композициядаги фракталлар тасвирланган картиналар кўпчилик кўргазмаларда намоиш этилмоқда.

Адабиётлар

Талабалардың миллий қәдриятларымыздың қәсиплик сыпатларын қәлиплестириўде биринши нәўбетте жасы үлкен уллы қариялар, көпти көрген ақсақаллар, ақыл менен ҳәр исте мәсләхәт бере алатуғын устазлар, жасларға үлкен тәрбиялық тәсир көрсете алатуғын аламлар арқалы, қарияларды ҳүрмет етиў, олардан сабақ алыўын, турмыс тәжрийбесин үйрениў, мәнәўий камал табыўы ушын жаңа имканиятлар излеўге ҳәрәкет етиў керек. Соның менен бирге туўылып өскен, камалға жеткен ана журтын, ата-анасын ҳүрмет етиў, олардың ҳәр бир гапине, үгит-нәсиятын уғып алыўы, кулак тутыўы ҳәм үлкен мәнәўий қәдриятлардан бири болып табылады. Олар турмыстың көп аўыр –жеңилин көргени себепли, перзентлериниң келешегин де олардан гөре көбирек ойлайды. Бул турмыстың тереңнен билмеўи, өмирдиң түрли машқаласына жеңил-желпи қараўдың ақибети. Бул дәўир ишинде олар мәнәўий жетилисиўди ҳәм көп имканиятларды қолдан шығарып қояды. Соның ушын үлкен мәнәўий қәдрият бўлмыш ата-ананы ҳүрмет етиў әдебин туўры түсиниў зәрүр. Бизге мәлим, әсиресе талабалық дәўирден баслап шахстың қәсиплик түсинигиниң қәлиплесиўи, қәсипке бағдарлана баслайды. Қәсипке мүнәсибет, қәбилет, көнликпеден ибарат. Талабалық дәўири өспиримлик дәўирдиң өзине тән қәсийетлери ҳәм курамалы басқышлардан биридур. Себеби сол дәўирде шахста қәсиплик билим, көнликпе ҳәм бир қатарда қәсиплик сыпатлар ҳәм орын ийелейди. Талабалардың қәсиплик сыпатлары экономика, сиясий, мәдений шараятлар тәсиринде өзгериўшең түрлерге бөлинеди. Талабаларды тәрбиялаўдың соңғы нәтийжесине қарай жеке, ҳәр күнги бәрхә өзгериўшең тәрбиялық ўазыйпаларды шешиў жолы менен ерисиледи. Талабалар қәсипке болған қызығыўшылығын мүнәжликлерин, оқыў орнындағы қәнигелерден сорап, билип өзиниң кемшиликлерин толықтырып барыуы зәрүр. Себеби ҳәр бир талабалардың қәсиплик сыпатларын өзінде үйренип, толықтырып барса сол талаба ертенги күни өз келешегі жолында өзи де биреўге үлгили қәсип ийеси болып жетилеседи.

Мақала соңында соны айтып өтиў орынлы, Жоқары оқыў орынлары ҳәм қәсип-өнер колледжлерде талабалар қайсы билим тараўы, тәлим бағдары болмасын талабалар арасында тәлим-тәрбия жумысларын алып барғанда ҳәмде түрли байрамлар, жәмәәтшилиқ тадбирлери, байрам, ҳайытлар, сейиллер, жарыслар, таңлаўлар өткерилгенде миллий-мәнәўий қәдриятлар мақсетти үйретиўде талабалар қәсиплик сыпатларын сәўлелендириўде, өмирде өз орнын табыўда миллий қәдриятлардың тутқан орнын ҳеш қашан умытпаўымыз керек болады.

Әдебиетлер

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: "Адолат", 2017. 112- б.
2. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. - Т.: "Ўзбекистон", 1998. 96-б.
3. Миллий қадриятларимизни талабаларнинг касбий сифатларини шакллантиришда тутган ўрни. - Т.: "Маънавият", 2008. 70-71-б.
4. Рустамов А. Адиблар одобидан адаблар. - Т.: "Маънавият", 2003. 40-46-б.
5. Алиқулов Х. Маънавий-ахлоқий қадриятлар мутафаккирлар талқинида. —Андижон: 2003. 6-7-б.

РЕЗЮМЕ

Маколада талабаларга таълим-тарбия бериш, шунингдек уларни касбий сифатларини шакллантириш жараёнида қадриятлар ҳақида тасаввурлар ҳосил қилиш тамойиллари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены вопросы воспитания студентов и принципы построения концепции ценностей в процессе обучения студентов и формирования их профессиональных качеств.

SUMMARY

The article outlines the issues of students' education, the principles of constructing the concept of values in the process of teaching students and the formation of their professional qualities.

ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИК ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АХБОРОТЛИ МОДЕЛИ СИФАТИДА

(“Материаллар қаршилиги”, “Техник механика” ва “Қурилиш машиналари ва жиҳозлари” фанлари мисолида)

А.Набиев - техника фанлари номзоди, доцент

Тошкент кимё технология институти

Таянч сўзлар: дарслик модели, эгилувчанлик тамойили, дидактика, матн, тасвирий материал, йўналтирувчи аппарат, интерфаол, конструкция, эпюра.

Ключевые слова: учебник, гибкость, дидактика, текст, иллюстрированный материал, справочное оборудование, интерактивный, дизайн, эпюра.

Key words: textbook, flexibility, didactics, text, illustrated material, reference equipment, interactive, design, epyura.

Ўқув адабиётлари янги авлодини моделлаштириш жараёни тадқиқоти замонавий дарслик қиёфасини шахс кўз ўнгиде яхлит, тўлақонли тасвирлашни такозо этади.

Муаллиф ўзининг илмий изланишлари ва кўп йиллик педагогик тажрибасига таяниб замонавий дарсликни қуйидаги йўсинда таърифлайди.

Замонавий дарслик - Давлат таълим стандарти талаблари асосида яратилган фан дастурида белгиланган асосий ўқув-билув материалларини камраб олган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, дидактика тамойилларига таянган, муайян тадқиқот мавзуи ва тадқиқот метод (усул, услуб)ларига эга бўлган ҳолда этикодга айланган билим, кўникма ва малакалар, сифатнинг таянч мажмуи ҳисобланган компетенцияни шакллантириш ва таълим олувчилар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга ва керакли ўқув-билув материалларини мустақил излаш ва топишга, амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга ҳамда таълим олувчиларнинг маълум фазилатларини шакллантиришга йўналтирилган ҳолда педагогик ва ахборот технологиялари асосида яратилган, зарурий ҳолларда эса замонавий ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанг тарзда эгилувчанлик ва ўзгарувчанлик хусусиятларини намоён эта оладиган билим манбаидир.

Ушбу таърифнинг мазмун-моҳияти замонавий дарсликнинг нечоғли мураккаб ахборот манбаи эканлигини, уни яратиш жараёнида ушбу мураккабликни ихчамлашган, соддалашган кўринишларда ифода-лаш, яъни моделлаштириш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Дарсликда асосан фаннинг илмий, назарий-амалий жиҳатлари, таълим мақсадлари, тадқиқот мавзуи ва метод (усул, услуб)лари, ўқув материаллари, дидактик материаллар, таълим бериш ва таълим олиш технологиялари қабилар изчил, динамик моделда матнли шаклда - ёзма тизимда мақсадли баён этилади.

Агар шундай қиёслаш жоиз бўлса, дарслик дастурда белгиланган мазмунни амалга ошириш сценарийси вазифасини бажаради, матн эса ушбу сценарийнинг режаси ва ўзагини ифодалайди ҳамда асосий, қўшимча, тушунтириш ва амалий матнлар мажмуаси тарзида таркибланади [1].

Техника таълим йўналишлари учун яратилган ўқув адабиётлари янги авлодининг асосий матни деганда таълим олувчи томонидан ўрганилиши ва ўзлаштирилиши мажбурий ҳисобланган ўқув-билув материаллари

- асосий қонунлар, қоидалар, аксиомалар, теоремалар, леммалар, моделлаштиришда қўлланиладиган асосий чекланишлар, асосий ҳисоб формулалари, номланишлар, атамалар, шахсларнинг исм-шарифлари, муҳим тадқиқот натижалари сингари муҳим билимлар манбаи тушунилади [2, 3, 4].

Асосий матнда қуйидагилар асосланган ҳолда изчил, динамик тарзда баён этилиши мақсадга мувофиқдир:

- фаннинг асосий атамалари ва тушунчалари;
- кишилиқ жамияти ҳамда табиатда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар ва жараёнларга ҳос қонунлар, қонуниятлар, аксиомалар, тамойиллар ҳамда уларнинг натижалари;
- дунёқарашга онд мафкуравий тахлилий умумлашмалар ва баҳолаш натижалари;
- реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги етакчи ғоялар, йўналтирувчи мақсадлар ва долзарб йўналишлар;
- ҳодисалар, воқеалар ва жараён (технологик, механик, физик, кимёвий ва шу қабил)лар, ихтиролар ва кашфиётлар, назарий ва тажрибавий-амалий илмий изланиш-тадқиқотларни бошлашга асос бўладиган чекланиш (гипотеза)лар ёки изланиш-тадқиқотлар натижасида олинган далиллар ва шу қабилар.

Бундан ташқари асосий матнда бевосита таълимда қўлланилаётган ўқув лаборатория ва устахона жиҳозлари, мосламалар, асбоб-ускуналар ва шу қабиларнинг конструктив тузилиши, ишлаш принципи, технологик жараёнларнинг кетма-кетликлари назария ва амалиёт бирлигини сақлаган ҳолда қисқа, тушунарли ҳолда матнли кўринишларда акс этишлари ҳам мумкин. Шунингдек, асосий матн таркибига кирган ўқув-билув материаллари бўлим, боб (модуль) ёки мавзулар сўнгиде ҳулосаланган ва умумлашган тарзда ифодаланмоғи лозим.

Асосий матнда ўқув дастури талабларига мувофиқ ўзлаштириш мажбурий бўлган ўқув-билув материаллари матнда мумкин қадар ажратиб кўрсатилмоғи мақсадга мувофиқдир, акс ҳолда материалларни муҳимлилик даражаси бўйича фарқлай олиш ва эслаб қолиш қийинлашади, таълим олувчиларни ўзлаштириш жараёни толиқтиради.

Қўшимча матн дарслик ва қўлланмаларнинг асосий матнини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва

тизимлаштириш, унинг илмий исботланиши ёки далилланиши ва яққолроқ ифодаланишини кучайтиришга хизмат қиладиган ҳамда таълим олувчиларнинг қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган таълимни ташкил этишга йўналтирилган ёзма тузилма ҳисобланади.

Дарслик ва қўлланмаларнинг қўшимча матнларига белгилашлар, ҳужжатли ва хрестоматик материаллар, илм-фан ва техника-технологиянинг ривожланиш тарихи, эришилган ютуқлар ва бу борада фаннинг айна пайтдаги назарий ва илмий ҳолатларига оид маълумотлардан иборат бўлади.

Қўшимча матнлар таълим олувчиларнинг ўқув материалларини янада пухтароқ эгаллашларига қўмак беради, архив ёки Интернет материаллари билан ишлашга имконият яратади, ўрганилиши ва ўзлаштирилиши қатъий режалаштирилган машқлар, мисол-масалалар, ҳисоб-чизма ишлари, лойиҳалаш-ҳисоблаш ишлари, битирув малакавий ишлар мустақил равишда удалашга ёрдам беради. Қайсики, қўшимча матн материалларининг мазмун-моҳияти таълим олувчиларни замон руҳида тарбиялаш баробарида уларни ижодкорликка, дунёкарашини кенгайтиришга ундовчи билим манбаидир.

Дарсликдаги таянч иборалар, изоҳлар, эслатмалар, иловалар (физик-механик параметрларнинг номланиши, ўлчам бирликлари ва улар орасидаги муносабатлар, стандартлаштирилган сортамент маълумотлари, топшириқлар варианты, тажриба натижалари ва шу кабилар), изоҳли тушунтиришлар, луғат (атамашунослик, таржимали ва орфографик)лар ҳамда натижавий ва таҳлилий кўрсаткичлар тушунтириш матни ташкил этиб, таълим олувчиларнинг мустақил таълимдаги фаолиятини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув адабиётлари янги авлодидаги амалий матнлар замонавий дарсликнинг етакчи ва жадал ривожланаётган матн ҳисобланиб, унинг мазмун-моҳияти бевосита эгалланаётган компетенция доирасида таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг мумкин қадар сифат босқичига чиқишига йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Масалан, “Материаллар қаршилиги”, “Техник механика” ва “Қурилиш машиналари ва жиҳозлари” адабиётларидаги амалий матн ҳисобланувчи назорат саволлари ва топшириқлар, тестлар, амалий ва ижодий ёндошув талаб этадиган топшириқ-вазифалар: мисол-масалалар ечиш, конструкция қисмларининг қўндаланг қисмларида ҳосил бўлувчи ички зўриқишларни ёйураларини қуриш, ҳисоб-чизма ишларини ҳамда лойиҳалаш-ҳисоблаш ишларини, айниқса техника-электр ҳавфсизлиги қоидаларига риоя этган ҳолда жиҳозларда тажрибалар ўтказиш, амалиёт даврларида бевосита қурилиш машиналари бошқариш, жиҳоз ва мосламаларни ишга тушириш, таъмирлаш ва ростлаш кабиларни ўрганиш ёки ўзлаштириш дегани, бу албатта таълим берувчи қўмағиди ёки мустақил равишда, барибир таълим олувчидан ҳақиқий амалий фаолият юритишни талаб қиладди. Ўз-ўзидан равшанки, амалий фаолият ривожли таълим олувчидан энг аввало мавжуд билимларни мақсадли қайта ишлашни талаб этади, сўнгра кўникма ва маҳоратларни шакллантириш ва “гўёки” технологик жараён сингари тизимли тақорлаш баробарида уларни ривожлантириш ҳамда пировардида малакани, аниқроғи сифатли малакани қўлга киритиб, талаб этилаётган компетенцияни эгаллашга ундайди.

Амалда мавжуд адабиётларнинг аксариятида амалий матнларнинг салмоғи пастлиги, унга кам ҳажм ажратилганлиги ёки асосий эътибор ўқув материалларни назарий услубда баён этишга йўналтирилганлиги сир эмас.

Янги авлод дарсликлари яратишда дидактика ва замонавий таълим технологиялари талабларига қатъий риоя этган ҳолда амалий матнлар салмоғини мазмун ва ҳажм жиҳатидан кучайтириш долзарб муаммодир.

Дарсликларда келтирилган диаграмма, график, эпюра, жадвал, таркибий тузилма, расм, режа ва хариталар тасвирий материаллар деб аталиб, улар ўқув-билув ахборотларини ўрганиш-ўзлаштиришда фойда муҳимдир.

Ҳодиса-жараёнларнинг турли босқичларидаги сонли ва сифатли кўрсаткичларни кўпинча диаграмма, график ёки эпюра ва жадваллар шаклида, муҳитдаги фазовий ўзгаришларни харита, таркибий тузилма ва графиклар, вақт давомида ифодаланадиган ҳодиса ёки воқеалар ўзгаришини хронологик жадвал ва графиклар, сабаб ва оқибат категориялари боғлиқлигини таркибий тузилма, режа ва жадваллар ҳамда муҳандислик конструкциялари ёки бошқа тадқиқот объектларида, шунингдек физик, кимёвий, механик, технологик жараёнлар оқибатида содир бўлган ўзгарувчан параметрларни, ҳатто тирик организмлардаги жараёнлар кечишини расм, фотосурат, фототасвир, схема ва диаграммалар кўринишида ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

Табиат ва жамиятда юз бераётган ўзгаришларни моделлаштириш баробарида уларни математик ва статистик таҳлил натижаларини қиёсий диаграмма, график ва жадваллар кўринишида тасвирлаш ҳам маъқулдир.

Ўқув адабиётларини яратиш ва уларни таълимга жорий этишда тасвирий материалларга қуйидаги қатъий талаблар қўйилади.

Биринчидан, барча тасвирий материаллар объектив реаллик, ҳаққонийлик, адолатлилик, шаффофлик сингари тамойиллар негизда, шунингдек кишилиқ жамиятида ва табиатда содир бўлган ва бўлаётган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар ўзгариши қонун, қонуният ва тамойилларга таянган ҳолда шаклланган бўлиши ҳамда амалиётга жорий этилиши зарур, акс ҳолда ўқув-билув ахборотлари мазмунига путур етади. Иккинчидан, дарсликдаги матнларни мазмунан тўлдиришга, бойитишга ва яққолроқ тушуниб олишга қўмаклашишга йўналтирилмоғи лозим. Учинчидан, турли савиядаги таълим олувчилар учун тушунарли, яққол ва аниқ ифодаланиши зарур. Тўртинчидан эса, тадқиқот натижаларини таҳлил қилишга мос бўлиши, эстетиклиги ва кўرғазмавийлиги юқори савияда бўлиши, матнлар мазмунига зид бўлган ёки ҳалакит берувчи “ортиқча” ахборотлардан холи бўлиши, ва ниҳоят матнларни жойлаштириш ва ўқишга тўсқинлик қилмаслиги лозим.

“Материаллар қаршилиги”, “Техник механика” ва “Қурилиш машиналари ва жиҳозлари” фанларидан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишда тўсин, вал, рамаларда кечаётган кучланиш-деформацияланиш жараёнлари, ички зўриқиш, кўчиш ёки деформацияларнинг ўзгариш қонуниятлари, мутлак қаттиқ жисмнинг кинематик ва динамик параметрлари, қурилиш машиналари ва жиҳозларнинг тузилиши, ишлаш принципи кабилар тегишлича диаграмма, эпюра, жадвал, график, схема, расм, фотосурат каби тасвирий материаллар ёрдамида дидактика талаблари доирасида матнларга мослаб ёритилган.

Дарсликдаги йўналтирувчи аппарат деганда Давлат рамзлари, сўзбоши, мундарижа, рамзий-символик белгилар, библиографик кўрсаткичлар тушунилади. Йўналтирувчи аппарат дарсликдан фойдаланувчиларга дарслик тузилмасини ва қайси йўналишларда қўллаш муҳимлигини, дарсликдаги керакли ўқув-билув ахборотларини осон ва тез излаб топишга хизмат қиладди ҳамда дарсликни бошқа адабиёт турларидан ажратиб туради.

“Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси”си талаблари техника таълим йўналишлариға мўлжалланган дарслик ва қўлланмаларда ҳам ахборот коммуникация технологиялари (АКТ)нинг жорий этилишини такоза этмоқда.

Негаки, АКТ воситалари қўлланилганда таълим олувчи бир вақтнинг ўзида кўради, эшити-тиглайди, бевосита компьютер билан мулоқотда бўлади. Аниқроғи, машғулот вақтини тежаш, янада кўпроқ ва самаралироқ маълумот тўплаш ёки эгаллашга имконият яратилади. Қайсики, бугун ёшлар кўшимча маълумот олиш учун деярли “китобни varaқлаш”ға беҳуда вақт сарфламайдилар, балки уни тежаб интернетта мурожаат этадилар. Бундан ташқари ўзининг эгалланаётган компетенциясини баҳолашда ҳам турли on-line (интерфаол режимдаги тестлар) ва off-line (тестларнинг

электрон варианты) интернет тизимидан фойдаланадилар.

Аммо, бу борада давр талабига мувофиқ АКТ воситалари ёрдамида техника таълим йўналишлари таркибидаги фанлардан таълим беришда маълумотлар оқими тез ўзлаштириш ва қайта ишлаш, жараён ва ходисаларни тушунириш, уларни амалиётта муваффақиятли қўллай олишга йўналтирилган дарсликлар яратишда ҳали ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд.

Хулоса шуки, дарслик ва қўлланмалар моделини шакллантиришда педагогик таълим мақсадини педагогик топшириқларга айлантириш жараёнида албатта замонавий ахборот коммуникация технологияларини таълимда кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир.

Адабиётлар

1. Олимов Қ.Т. Ўқув адабиётларини яратиш назарияси ва методикаси. -Т.: “Фан”, 2010. 160-б.
2. Nabiyev A. Materiallar qarshiligi. Darslik. -Т.: “Yangi asr avlodi” 2008. 380-б.
3. Nabiyev A., Shosalimov J., Ergashev M. Texnik mexanika. Darslik. MChJ 3-nashr. -Т.: “DAVR” 2017, 272-б.
4. Nabiyev A., Bayzakov A. Qurilis mashinalari hám úskeneleri. Kásip-óner kolledjleri uchín oqiw qollanba. -Nókis: “Bilim” 2006, 224-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ишлаб чиқилган таълим технологиясининг яхлит тизими доирасида модулли технологияга асосланган ўқув адабиётлари янги авлодини моделлаштиришнинг долзарблиги баён этилмоқда.

РЕЗЮМЕ

В статье излагается актуальность моделирования учебников нового поколения на основе модульных технологий в рамках интегрированной образовательной технологии при непрерывном образовании.

SUMMARY

The article explains the importance of modeling the textbooks of new generation based on modular technology as part of an integrated educational technology in the continuous education.

ONKOLOGIK KASALLIKLARNI KELIB CHIQISHINING PSIXOLOGIK OMILLARI

B.Nurullayeva – psixologiya fanlari nomzodi

Sh.Ismailova – pedagogika fanlari nomzodi

Urganch davlat universiteti

Tayanch soʻzlar: etiopatogenez, shishlar, stress, psixoterapiya, kasallikning ichki manzarasi, eksperimental onkologiya.

Ключевые слова: этиопатогенез, опухоли, стресс, психотерапия, внутренняя картина болезни, экспериментальная онкология.

Key words: etiopatogenethis, tumor, stress, psychotherapy, interior picture of illness, Experimental oncology.

Onkologiya sohasida psixoterapevtik faoliyat olib borish masalalari hozirgi kunda aholi salomatligini saqlash tizimida dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi.

Shish kasalliklarining kelib chiqishida psixologik omillar katta rolga ega ekanligi koʻpgina tadqiqotchilar tomonidan eʼtirof etilgan. Tibbiyot sohasining qadimiy vakillaridan boʻlgan Galen ham melankolik temperamentga ega insonlarda sangvinnik temperamentga ega shaxslarga qaraganda shish kasalligi koʻproq uchrashini taʼkidlagan. A.V.Prussakni koʻrsatishicha, 17-18-asrlarda faoliyat yuritgan rus vrachlari ham rakning asosiy sababi bu uzoq yil davom etgan qaygʻudir deb hisoblaganlar (1956). Atoqli rus vrachi F.I.Inozemsev ham shishlarning paydo boʻlishidan avval asab tizimining davomli bezovtaligi kuzatilganligini eʼtirof etadi(1845). J.Piaje ham rakning kattalashishi va rivojlanishida bezovtalik, umidsizlik, koʻngil qolishi kabi depressiv holatlar jiddiy omil hisoblanadi (1870). N.I.Pirogov (1854) ham ruhiy ezilishlar rakning rivojlanishini keltirib chiqaradi deb taʼkidlagan. Eksperimental onkologiyani asoschisi boʻlgan M.M.Rudnev ham aynan shu fikrda boʻlgan, mashhur terapevt G.A.Zaxarin ham: “Keksa odamlarda gʻaminlik natijasida ikkita kasallik kelib chiqadi, bular rak va diabet. Koʻp hollarda rak uchrashi kuzatilgan” deb yozgan.

Snow (1893) shunday kuzatishlari haqida xabar beradi: 250ta shish kasalligi rivojlangan odamlar oʻrganilganida ulardan 156tasi shishdan avval ogʻir musibatni boshdan kechirganlar. N.A.Vilyaminov ham birinchilardan boʻlib nafaqat shishlarning kelib chiqishida psixologik omillarning rolini taʼkidlagan, shishlarni davolashda ham psixologik omillardan mohirona foydalanish lozimligini

eʼtirof etgan. 1926 yilda boʻlib oʻtgan Ukraina xirurglarining syezdining rezolyutsiyasida ham rakni davolashda xirurgik va radiologik taʼsir bilan bir qatorda profilaktik tadbirlarga diqqat qaratish lozimligi koʻrsatilib, asab tizimini haddan tashqari toliqish va zoʻriqishdan saqlash lozimligi koʻrsatilgan.

1948 yilda mashhur sovet terapevti R.A.Luriya “kasallikning ichki manzarasi” tushunchasini fanga kiritgan boʻlib, bu tushuncha bemorning oʻy fikrlari, kechinmalari va barcha sezgilarining yigʻindisi boʻlib, bemorning vrach qabuliga kelishi bilan bogʻliq hissiyotlaridir. Va R.A.Luriya somatik kasalliklarda “kasallikning ichki manzarasini” oʻrganish muhimligini alohida eʼtirof etgan. Insonga xos boʻlgan muvozanatlashtiruvchi va kompensator mexanizmlar koʻp jihatdan “kasallikning ichki manzarasini” belgilab beradi. Shaxs va yaqinlashayotgan xavf-xatar oʻrtasida kurash boʻladi. Insonning himoya mexanizmlari safarbar qilinadi uning intellekti, ichki va tashqi kuchlar oʻrtasida nisbat va munosabatlar qayta quriladi. Bu holatni tavsiflashda koʻpgina tadqiqotchilar (K.A.Skvorsov va V.A.Romassako) diqqatni shishlarning paydo boʻlishiga turk boʻlgan konflikt vaziyatlarga emas, balki “psixologik himoya mexanizmlarining” buzilishiga va natijada fiziologik himoyaning ham pasayishini keltirib chiqarishiga qaratadilar. Mualliflar kasallikning dastlabki bosqichlarida psixologik oʻzgarishlarning kattaligiga urgʻu beradilar. Charchoq, tana sezgilarining oʻzgarishi, uyqu paytida dam olmaslik, baʼzan gipersteziya (Sezgirlikning ortishi) vrach uchun eʼtibor qaratish lozim boʻlgan belgilar hisoblanadi. Psixologik himoyaning buzilishi turlicha ifodalanadi:

umidsizlik, g'am, ilojsizlik hissi, kabi emotsional holatlar avjiga chiqadi. Albatta xar bir shaxsning stressli vaziyatga bo'lgan munosabati uning xarakteri va intellektiga bog'liqdir. Kasallik rivojlanishining aynan birinchi boqichida psixologik o'zgarishlarning ulushi salmoqli bo'ladi, chunki organik o'zgarishlar va intoksikatsiya hali yuzaga kelmagan bo'ladi. Mathis (1973) ta'kidlashicha, davomli depressiya va yuzga chiqarilmagan emotsiyalar rakka moyillikni bildiradi yoki uning dastlabki belgilari hisoblanadi. Shuning uchun bemorlarda depressiya kuzatilmasda ularda depressiyani davolash lozim. Schmale et Jker (1975) ham shishlarning paydo bo'lishiga turtki sifatida "ilojsizlik affekti"ni ko'rsatadi halokat va ilojsizlik holati sifatida. Konig (1973) ham shish kasalligining kelib chiqishida yillab davom etgan anglanmagan depressiya holati, tushkunlik sabab sifatida ko'rsatadi, uning fikricha xujayralarda bioximik o'zgarishlarga sabab bo'lgan omillar psixikani ham o'zgartiradi. Demak yuqorida keltirilgan ma'lumotlar asosida onkologik kasalliklarning etiopatogenezi psixologik omillarga bog'liq ekanligini xulosa sifatida keltirishimiz mumkin.

Biz ham tadqiqotimizda onkologik bemorlarning psixik holatlarini, ularda kasallik sababli kechadigan ruhiy o'zgarishlarini aniqlash maqsadida T.Xolms va R.Rayx tomonidan tuzilgan "Hayotiy o'zgarishlar shkalasi" so'rovnomasini o'tkazdik.

Mazkur so'rovnomani onkologik kasallikning 1, 2, 3, 4 bosqichlarida bo'lgan bemorlarda o'tkazdik. Kasallik darajasi oshib borishi bilan bemorlarning stressbardoshlilik kamayib hayotiy voqealardan ta'sirlanishi kuchaygan. So'rovlarda ishlatgan "Hayotiy o'zgarishlar shkalasi" so'rovnomaning tahlili shuni ko'rsatadiki kasallik bilan og'riganlar umri davomida murakkab psixologik voqealarni o'tkazishgan, xususan, eri yoki hotining o'limi, farzandining vafoti, oilaviy ajralish, ota-ona vafoti, og'ir bemorlik kasallik yoki travma, oila a'zolarining og'ir kasalga chalinishi, jinsiy sohadagi muammolar, oilada yashaydigan qarindoshlarning kelishmovchiliklari, moddiy iqtisodiy sohadagi muammolar, er-xotin kelishmovchiligi

kabi holatlarda muammolar mavjudligi aniqlandi. Kasallikning bosqichiga qarab stresslarning kuchlilik darajasining ortib borishi aniqlandi.

Aksariyat respondentlar savolnomaga javob berishda boshidan o'tkazgan hodisalarni yig'lab esladilar, ayrim voqealar sodir bo'lganiga ko'p yillar bo'lgan bo'lsada, hozir ham og'riqli, jarohatli ekanligini aytdilar. Bu holat esa onkologik bemorlarga psixoterapevtik yordam ko'rsatish jarayonida o'tmishidagi stresslarni kamaytirish va bu jarohatlarga nisbatan bemorlarda neytral hislarni rivojlantirish lozimligini bildiradi. Bemorlar bilan bir qatorda sog'lom respondentlarda ham "Hayotiy o'zgarishlar shkalasi" o'tkazildi. Ularda murakkab vaziyatlarda stressni boshdan kechirish va kayfiyati tushkunlik kuzatilsada ancha past darajada ekan. Mazkur vaziyatning izohi shundayki, onkologik kasallikning rivojlanishi va hayotiy muammolardan yechim topalmaslik o'rtasida uzviy aloqadorlik bor. Inson stresslar, inqirozlar, konfliktlarda konstruktiv yechimni ko'ra olmasligi, depressiyaga beriluvchanligi, kuchli ichki emotsiyalarni adekvat ifodalayolmasligi organizmda ichki muvozanatning buzilishi, immunitetning pasayishi, va buning oqibatida atipik hujayralar paydo bo'lishi va rivojlanishi ehtimolining ortishini ko'rishimiz mumkin. Olib borilgan nazariy va diagnostik tahlillar natijasida quyidagi xulosani keltiramiz:

Onkologik bemorlar hissiy holatini tashxislash jarayonida emotsional holatlari beqaror bo'lgan odamlarda ko'proq uchraydi. T.Xolms va R.Rayx tomonidan tuzilgan "Hayotiy o'zgarishlar" shkalasi orqali sog'lom va onkologik bemorlarda o'tkazilgan so'rovlarimiz onkologik kasallikning etiopatogenezi hayot davomida bo'lib o'tgan inqirozlar va stresslarning roli katta ekanligi aniqlandi. Demak kasallikning kelib chiqishi va rivojlanishida psixologik omillarning rolining kattaligini aniqladik, va shundan kelib chiqqan holda onkologik kasalliklarni davolashda va profilaktikasida ham psixologik omillarning ahamiyati kattaligini e'tirof etish mumkin.

Adabiyotlar

1. Руководство по психотерапии. / под редакцией В.Е.Рожнова. -Т.: 1979. -С.620.
2. Urazbayeva D.A. Avtoreferat dissertatsi / onkologik bemor ayollarning shaxsiy emotsional sohasiga ta'sir etishning psixologik mexanizmlari. -Toshkent: 2018.

Maqolada onkologik kasalliklarning etiopatogenezi masalalar tahlil qilingan. Onkologik shishlarning rivojlanishi sabablarini psixologik inqirozlar va stresslarga bog'liq holda tarixiy tahlili ham keltirilgan. Shu bilan bir qatorda onkologik bemorlar bilan o'tkazilgan so'rov natijalari ham yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

В предлагаемой статье рассмотрены вопросы этиопатогенеза онкологических заболеваний. Освещается история изучения возникновения раковых опухолей в связи с психическими кризисами и стрессами. А также представлены результаты опроса жизненных ситуаций онкологических больных.

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

In the suggested article the author deals with the questions of etiopatogenesis of cancer illnesses. It illustrates the history of learning of origin of cancer tumor because of psychological crisis and stress. The article contains the results of questionnaire of life situations of the people ell by oncological disease.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ИЖОДИЙ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ ВА ХУСУСИЯТИ

С.Романова – педагогика фанлари номзоди

Г.Койшыбаева – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ижод, педагогик фаолият, педагогик вазият, имконият, бошқарувчанлик.

Ключевые слова: творческий, педагогический деятельности, педагогические обстоятельства, возможность, управляющий.

Key words: creative, pedagogical activity, pedagogical circumstances, possibility, manager.

Ижод – бу мавжуд тажриба ҳамда янги билим ва кўникмаларнинг шаклланиши негизида янгилик яратиш билан боғлиқ фаолиятдир. Ижоднинг бир даражасига мавжуд билимлардан фойдаланиш ҳамда уларни қўллаш соҳасини кенгайтириш хос бўлса, бошқа даражага объектга нисбатан одатдаги муносабатни ўзгартирувчи мутлақо янги ёндашув вужудга келади.

Педагогик фаолиятда сифат муҳим аҳамиятга эга бўлиб ўқитувчи меҳнатига фақат унинг ўз фаолиятига қанчалик даражада ижодий муносабатда

бўлаётганлигини аниқлаш орқалигина холис баҳо бериш мумкин. Педагогик вазиятларнинг ранг-баранглиги, улардан келиб чиқадиган вазибаларни таҳлил этиш ва ечишга нисбатан турли ёндашувларни такозо этади. Мутахассиснинг педагогик фаолияти кўп жихатдан янги педагогик технологияларни ижодий ўзлаштириб, улардан амалда унумли фойдаланишдан иборат. Ўз-ўзидан равшанки, бу ишни малакали ўқитувчигина удалай олади. Аммо, ўқитувчининг педагогик технологияларни билиш даражасини

педагогик маҳорат билангина боғлаш тўғри бўлмайди [1]. Айни бир технологияни кўплаб педагоглар қўллаши мумкин, лекин жараён ҳеч қачон бир хил бўлмайди, натижалар эса ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини олдиндан ташхислаш орқали кафолатланади.

Педагогик фаолият – бу муттасил ижод жараёнидир. Лекин бошқа соҳалар (фан, техника, санъат)даги ижоддан фарқли ўлароқ педагог ижодининг мақсади ижтимоий жиҳатдан янги ҳодиса яратиш эмас, балки шахсни ривожлантиришга қаратилади. Албатта ўз ишига ижодий ёндашадиган, новатор педагог ўз тажриба мактабини яратади, лекин мавжуд педагогик тажрибаларни ижодий ўзлаштиришга ҳар бир ўқитувчи интилиши лозим. Педагогик вазиятларни баҳолашдаги мустақиллик, тарбиянинг муайян шакли, восита ва усуллари танлай олиш, воқеалар қандай ривожланишини олдиндан кўриб, уларни мақсадга йўналтира билиш ижодий хусусиятга эга бўлган касбий маҳоратнинг муҳим қисми ҳисобланади. Айни вақтда педагогик ижоди шаклланаётган, ривожланаётган ўқувчи шахси билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўз ўрнида мутахассиснинг бу борадаги имкониятлари вақт доирасида катъий чекланган. Қоида тариқасида у бўлажак дарснинг оқилона методикасини тез тасаввур қилиши, лаҳзалар ичида янги қарор қабул қилиши лозим. Кўпинча вазиятни тез таҳлил этиш ва зудлик билан ҳаракат қилиш талаб этилади.

Педагогик ижоднинг муҳим жиҳати шундан иборатки, у доим изчил, ривожланувчи хусусиятга эга бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигига имконият яратади. Бунда педагогик онг ўқитувчида ўз билими ва малакасини муттасил ошириб бориш эҳтиёжнинг мавжудлиги билан боғлиқ жуда кўп масалаларни ечиш учун қалит бўлиб хизмат қилади. Мазкур тушунча ўқув режалари ва дастурларидан фойдаланган таълимнинг мақсадлари ва мазмуни, педагогик ғоялар ва услубларни амалий фаолиятининг муайян шарт-шароитлари билан таққослашни назарда тутди. Педагогнинг ўз маҳорати даражасини аниқлаши ижодий, новаторлик хусусиятига эга бўлган мустақил касбий ёндашувнинг шаклланиши учун мўлжал бўлиб хизмат қилиш лозим.

Ўқитувчи ўз фаолиятини такомиллаштириб, бошқа тайёргарлигини педагогик тафаккур ва онгнинг ўсишига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири деб ҳисоблаши мумкин. Шахсга ижодий мойилликнинг зарурлигининг педагог томонидан англаниш, бу унинг шахс сифатида такомиллашувига замин бўлади. Бунда психология ва педагогика фани ютуқлари, илғор амалиётни ўзлаштиришга мустақил интилиш, педагогик меҳнатнинг ижобий майллари, мавжуд тажрибаларни ижодий ўзлаштириш ўқитувчининг касбий ўсиши ва маҳоратига таъсир кўрсатадиган асосий омиллар ҳисобланади.

Агар педагог ижодкорлигининг ички асосларида бир қанча муҳим руҳий жараёнлар, чунончи, унинг шахсий ҳолатлари, интуицияси, зехни, ўзига танқидий муносабати, меҳнатсеварлигининг таъсири катта бўлса, педагог ижодининг таркибий қисмларига билим, дунёқараш, педагогик техника ва маданият қиради. Ижоднинг таркибий қисмлари педагог шахси мазмуни ва моҳиятининг муҳим кўриниши ҳамдир. Педагог шахсининг маданияти ижтимоий қадриятларни яратиш натижаси ва жараёни ҳисобланади. Педагогнинг иш амалиётида касбий, маънавий ва муомала маданиятининг муштарақлиги намоён бўлади. Педагогик ижод ва педагогик маданият узвий бўлиб,

касбий маҳоратнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Ўқитувчининг ижодий ёндашуви педагогик фаолият ривожланишининг турли босқичларда намоён бўлиши мумкин. Ўқитувчининг тафаккури мустақиллиги, мослашувчанлиги ва илғорлиги билан тавсифланади. У ривожланган педагогик кузатувчанлик ва ижодий зехнга суянади. Ушбу хусусиятларсиз педагогик санъат бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, бу ўринда ҳам ижод педагогик маҳоратнинг бош омили сифатида тан олинади. Ижод кўпинча таълим-тарбиянинг турли шакл ва методлари касбий билим ва шахсий фазилатларни таълим жараёнида мумкин қадар самарали рўёбга чиқариш имконияти сифатида намоён бўлади. Ўқитувчининг педагогик ижоди асосан субъект-субъект, ўқитувчи ҳамда ўқувчи ҳамкорлиги шароитида амалга оширилади. Бу ўз фаолиятини бошқара олиш, муомала тарзи ва оҳангини тўғри танлашда ифодаланади.

Педагогик маҳоратнинг шаклланишига шахснинг муайян туғма қобилиятлари, кундалик фаолият жараёнида ўз устида ишлаши натижасида шаклланган фазилатлари кўмаклашади [2]. Педагогнинг чинакам мураббий, устоз даражасига кўтарилиши жуда узоқ давом этадиган, машаққатли жараёндир. Бунга эришиш учун кўп йиллар заҳмат чекиш зарур. Ўз ишининг устасига айланиш учун яхлит таълим-тарбия жараёни технологиясининг қонуниятларини ўзлаштириш лозим. Бу педагогга фикрлаш ва ҳаракат қилиш, педагогик ҳодисаларни таҳлил қилиш, педагогик муаммони кўра олиш, унга тўғри баҳо бериш ва уни ечишнинг оқилона усуллари топиш имконини беради.

Касбий билим ва кўникмалар, шахсий фазилатлар яхлит мажмуа сифатидаги педагогик маҳорат ўқув жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради. Болаларнинг жамоавий ва индивидуал фаолиятини ташкил этиш технологиялари ёрдамида уларга билим бериш ва муайян кўникмаларни шакллантириш, бунинг учун зарур бўлган педагогик техникани ўзлаштириш педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларидир. Педагогик маданият педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, унинг замирида педагогик ахлоқ, юксак маънавият, касбий ва шахсий муомала маданияти ётади. Шахс ва жамоага таъсир кўрсатиш усуллари самарали қўллаш учун зарур кўникмалар мажмуи сифатида муомала усули ва оҳангини тўғри танлаш ўқитувчи ўз-ўзини бошқаришига ёрдам беради.

Педагогика ва психологияда профессионализм, маҳорат ва новаторлик ўртасидаги фарқ диққатга сазовор бўлиб, Педагогика олий ўқув юртида шу йўналишдаги ишларни ривожлантириш тақозо этилади. Бунда педагогик ижоднинг юқорида кўрсатилган ҳар бир босқичига хос жиҳатларни аниқлашга ҳаракат қилиш лозим. Ривожланган педагогик онг ўқитувчида ўз иш услубини шакллантириш имконини беради. Новатор ўқитувчи педагогик борлиқни тубдан ўзгартириб, маҳоратининг юксак даражасига эришади. Новатор ўқитувчи – доим ривожланган тескари алоқа тизимини ва ўқувчилар жамоасининг ривожланишини ташкил эта оладиган педагог-стратегдир. Юксак нутқ маданияти новатор педагог фаолиятининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади.

Юқорида айтганлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, педагог ижоди ўқитишнинг марказида ўқувчи турадиган педагогик борлиқни ўзлаштириш борасидаги ўқитувчи фаолиятининг юксак кўринишидир.

Адабиётлар

- 1.Маҳкамов У., Тилабова Н., Тилабоева Ш. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. -Тошкент: ТДТУ, 2003. 88-б.
2. Очиллов М. Муаллим-қалб меъмори. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2001. 432-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўқитувчи ижодий ёндашувининг педагогик фаолият ривожланишининг турли босқичларда намоён бўлиши, ўқитувчининг тафаккур мустақиллиги, мослашувчанлиги ва ўқитувчи таффақури тарикқиёти масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается творческий подход учителя на разных этапах развития педагогической деятельности, самостоятельности, гибкости и прогресса мышления учителя.

SUMMARY

The article is devoted to the study of the teacher's creative approach that is reflected at different stages of the development of pedagogical activity independence, flexibility and progress of the teacher's thinking.

ЎЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНДАҒЫ ҮЗЛИКСИЗ КӨРКЕМ-ПЕДАГОГИКАЛЫҚ БИЛИМЛЕНДИРИҮ

Т.В.Уразимова - көркем-өнер таныў илимлари кандидаты

Әжинияз атындағы Нөкіс мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: педагогика, социал жараён, ўкитиш жараёни, методология, ўкитиш усуллари, инновацион технология, иждокорлик.

Ключевые слова: педагогика, социальная сфера, процесс образования, методология, методы обучения, инновационная технология, творчество.

Key words: pedagogics, social sphere, education process, methodology, methods of teaching, innovative technology, creativeness.

Ўзбекстанда соңғы ўақытлары жүз берген социаллық-экономикалық өзгерислер педагогика илимин республиканың үзликсиз билимлендириў системасын жаңалаў жолларын излеўге жигерлендирди. Хәзирги заман жәмийетиниң өсиўи, билимлендириўдиң жаңаланыўы барысында жеке адамның ролиниң күшейиўи, оның талапларының өсиўи, жәмийеттиң гуманизмлесиўи хәм демократияласыўы, техника хәм технологиялардың жедел өзгериўи билимлендириўдиң «Өмир бойы билим алыў» формуласына тийкарланған негизине жаңаша қатнасты нәзерде тутады.

«Билимли адам» түсинигине мәни бериў оның қәлиплесиў усылларына тийкарланған, хәм де оның уқыплылықларының, буның ушын зәрүр болған жағдайлар тийкарында раўажланыўына хәм жүзеге шығарылыўына байланыслы. Көркем дәретиўшилиқ тараўында үзликсиз билимлендириў идеясын иске асырыў адам турмысындағы сийрек ушырасатуғын кубылыс болып табылады, хәм көркем өнер тараўында да, сондай-ақ көркем-педагогикалық билимлендириў тараўында да көркем өнердиң өзиниң тәбияты, жеке адамның раўажланыўының психологиялық өзгешеликлери, оның кәсип ийелеўи менен байланыслы.

Ўзбекстанның көркем-педагогикалық билимлендириўи, раўажланыўдың узақ даўам еткен жолын басып өтип хәм бурыннан топланғанлардан барлық унамлыларын пайдалана отырып, бүгинги күни өзиниң буннан былай жетилисиўиниң жолларын таңлаў алдында тур. Хәзирги заман мәдений билимлендириў кеңислиги мәденият хәм көркем өнер тараўлары ушын жокары қәнигели кадрларды кәсипшил таярлаўға хәм көркем ағартыўшылыққа, әдеп-икрамлылық (руўхый) тәрбияға, мәдений дәстүрлерди сақлаўға хәм бекемлеўге хәм мәденияттағы әўладлардың избе-изли жолын қуўыўшылығына бағдарланған тийисли билимлендириў мәкемелери системасына тийкарланады. Көркем-педагогикалық билимлендириўдиң хәзирги замандағы көз қараслары, биринши гезекте, болажақ қәнигелердиң дәретиўшилиқ уқыплылықларын раўажландырыў ушын толық шәраятлар жаратыўды нәзерде тутады.

Көркемлик билимлендириўдиң улыўма тийкарларының өзгериўи көркем өнер сабақларын оқытыўға жаңаша қатнастарды излеўге де, педагогикалық пикирлеўдиң қәлипке айналған қағыйдаларын жеңип шығыўға да, педагогтың кәсипшил еркинлигин жетилистириўге де, кәсиплик искерликтин мазмунлық хәм методикалық тәрәплерине өзинше көз қарасқа ийе болыўына да тәсир етиўи мүмкин.

Дәретиўшилиқ өзин өзи жүзеге шығарыў орталығы, тийкар етип алынған принципи оның системасының бөлимлериниң мийраслылығы (бир-бириниң исин даўам еттириўшилиги) болған, үзликсиз көркемлик тәрбия болып табылатуғынлығына айрықша дыққат қаратыў керек. Үзликсиз көркемлик тәрбия, мақсетли

бағдарланыўы жеке адамның толық раўажланыўы, оның дәретиўшилиқ мүмкиншиликлериниң барған сайын байытылып барыўы, ақыл хәм уқыплылықларының бәркулла өсип барыўы, кәсиплик орталықта өзин жүзеге шығарыўы болған, билимлендириў жумысының жаңа усылы сыпатында да алға шығады. Көркемлик билимлендириў, биринши гезекте сийрек ушырасатуғын объектке – таңланған кәсип ушын зәрүрли, педагоглар оны раўажландырыўы тийис болған, қәсийетке ийе, талантлы дәретиўши тулғаға бағдарланған болыўы тийис.

Хәзирги дәўирде көркемлик билимлендириўге айрықша дыққат қаратылыўы себепсиз емес. Көп санлы илимпазлардың хәм қәнигелердиң пикири бойынша, билимлендириў Ўзбекистан жәмийетиндеги биринши бағдарлар қурамына кириўи, ал билимлендириў тараўы «раўажланыўдың миллий ноқатларының бири» сыпатында таңланыўы тийис. Ўзбекстанның бирден бир мәдений кеңислигин, Ўзбекстан халықларының көп миллетли мәдений мийрасларын сақлаў хәм раўажландырыў, көркемлик билимлендириў системасын хәм илимин жетилистириў мәселелери, және де хәзирги замандағы жеке адамның раўажланыўының социомәдений шәраятларын сезиниў бүгинги күнниң оғада әхмийетли мәселелери болып қалмақта [1:72-73].

XX әсирдиң ақыры – XXI әсирдиң басларындағы социаллық-экономикалық, сиясий хәм мәдений-билимлендириў тараўларындағы терең өзгерислер адамлардың бир-бирине хәм жәмийетке қатнасы тәртиплериниң нормасында (моральда), сана-сезимлеринде, қәдириятларды баҳалаўының өзгериўинде сәўлелениў тапты, хәм усы себепли өсип киятырған жас әўладты тәрбиялаў процессин қыйынластырды. Сонлықтан, усы, пайда болған жағдайларда, оқыўшыларды тәрбиялаў процессин, олардың өзлерин өзлери раўажландырыўын, жеке адам сыпатында қәлиплесиўин, рефлексиясын, баҳалаў искерлигин алға умтылдырыў жағдайларына тийкарланып шөлкемлестириў үлкен әхмийетке ийе болады. Солай етип, үзликсиз көркемлик тәрбиялаў, адамның қәдириятларды баҳалаўының раўажланыўы хәм кәсипшиллик хәм адамшылық қәсийетлерин, өзин-өзи хүрметлеўди бекемлеўи жүз беретугын, адамның үзликсиз өзин-өзи раўажландырыўына жәрдем беретугын айрықша системаның жаратылыўына тәсир көрсетеди.

Көркемлик билимлендириў системасында ислейтуғын хәр бир адам, бизлердиң, тек ғана дүньяның илимий картинасын пүткиллей өзгертп қалмастан, ал муғаллим хәм оқыўшы, оқытыўшы хәм талаба арасындағы әдеттеги, үйреншикли қатнастарды да өзгерткен, постмодерн дәўиринде жасап атырғанлығымызды түсинеди. Хәзирги заман мағлыўматлар майданы, мәдений кеңислик ҳақыйқатында да шексиз: Интернет тармағы,

китапханалар, аралықтан оқытыў мүмкиншиликлери бар, хэм булар жеке адамның өсип раўажланыўына хэм оның ақыл-ойын раўажландырыў орталығына қосылыўына үлкен мүмкиншиликлер жаратады хэм алдымызға әмелий мақсетти – билимлендириўди мағлыўматлы цивилизацияға ылайыклы дәрежеде гуманизациялаўды – қойыўға мүмкиншилик береді. Көркемлик билимлендириўди ақылға сәйкеслендириў жеке адамның жәмийтте өз орнын табыўы ушын зәрүр,

Әдебиятлар

1. Уразимова Т.В., Есбоганова Б.Д. Роль изобразительного искусства в современном образовании. // Теория и практика актуальных исследований: международная конференция (Краснодар, 25 декабря 2015). –Краснодар: 2015, –С. 71-76.

Мазкур мақола ҳозирги давр таълим мазмуни ва ролининг мақсадини акс эттиради. Чунки ўқувчиларни ўзлуксиз ўқитишни фаоллаштириш масаласи ҳозирги замон педагогика илмининг ва иш тажрибасининг энг муҳим масалалари қаторига қиради. Ўқитишни ташаббускорлик асосида амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўқитиш ва ривожлантириш ҳаракатчанлик сифатига эга ва бу эса ўқитувчиларни ўқитишнинг сифатига боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, ушбу сифатларнинг ривожлантирилиши ахлоқий, экологик, ватанпарварлик ва тарбиялашнинг бошқада ажралиб турадиган турларининг мастаҳкам асосини яратеди.

Статья посвящена современному содержанию и роли образовательного процесса так как в современном обществе возросло внимание к проблеме непрерывного художественного образования. Не последнюю роль здесь играет эстетическое воспитание, способствующее активизации развития мировоззрения, интеллектуального и творческого потенциала личности. Поэтому процесс образования необходимо основывать на создании условий для воспитания творческой личности, готовой к диалогу, сотрудничеству и сотворчеству в различных сферах жизни.

The article is devoted to the modern content and role of the educational process, because in modern society much attention is paid to the problem of continuous artistic education. The aesthetic education plays here an important role contributing to enhance the development of word view, intellectual and creative potential of the individual. Therefore, the process of education should be based on creating conditions for education of creative personality, ready for a dialogue, collaboration and co-creation in various spheres of life.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

ОНКОЛОГИК БЕМОРЛАРДА ЭМОЦИОНАЛ СОҲАНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.А.Уразбаева - психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар. психология, онкология, бемор, эмоция, стресс, дистресс, шахс.

Ключевые слова. психология, онкология, пациент, эмоция, стресс, дистресс, личность.

Key words: psychology, oncology, patient, emotion, stress, distress, personality.

Бугунги кунда онкологик касалликларга чалиниш йилдан йилга ўсиш суръатига эга. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотга кўра онкологик касалликларнинг ўсиши охириги 10 йилда 15% га ўсган. БССТ маълумотида кўра хавфли ўсма касалликлари билан 2000 йилда 10 миллион инсон касалланиб, 8 миллион атрофидаги ўлим кўрсаткичи бўлса, 2015 йилда касалланганлар сони 17,5 миллионга етган ва 13 миллион атрофида ўлим кўрсаткичи бўлган. Саратон билан касалланиш яқин 20 йил ичида 70% га ўсиши прогноз қилинмоқда [5]. Бутунжаҳон саратон касаллигини ўрганиш ассоциацияси (IARC-International Agency for Research on Cancer) прогнозида кўра, 2025 йилга бориб, онкологик беморлар сони йил бўйича 19,3 миллионга ўсади [6]. Айниқса саноати ривожланган давлатларда бу кўрсаткич бошқа давлатлага қараганда анча юқори.

Ўзбекистонда ҳам саратон касаллигини эрта аниқлаш, даволаш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, РИОРИАТМ берган маълумотларига кўра, 2017 йилда жами 23540 онкологик касаллик бирламчи аниқланган бўлиб, касалланиш интенсив кўрсаткичи 100000 аҳолига нисбатан 67,1 ни ташкил қилган. 2017 йилда онкологик касалликлардан ўлим кўрсаткичи барча ўлим сабаблари ичида 7,6 % билан юрак-қон томир касалликларидан (61,9%) кейинги аянчли иккинчи ўринни эгаллаган.

Ўзбекистонда инсон саломатлиги масаласига жиддий эътибор қаратилган ва тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи конституция билан ҳимояланган [1]. Кейинги йилларда давлат соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламда ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелда қабул қилинган ПҚ-2866-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Қарорни имзолаши, Республикаимизда онкология соҳасига қаратилган муҳим эътиборнинг амалий ифодаси бўлди. Ушбу қарорда белгиланганидек: Онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида “Онкология муассасаларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда онкологик касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш соҳасида республикадаги илмий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва илмий ишланмаларнинг замонавий жаҳон тажрибасини миллий соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш”, кўрсатилиб, бунда реабилитация ва паллиатив ёрдамнинг замонавий тизимини, шунингдек, хоспислар ташкил этиш йўли билан онкологик касалликларга чалинган беморларнинг ҳаёти сифатини яхшилаш; онкологик касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш ҳамда замонавий маҳаллий ўсмага қарши препаратлар яратишга муҳим аҳамият берилган [3]. Айнан мазкур Қарорнинг 2-бандидаги топшириқлар ижросини таъминланиши юзасидан 2017 йил 30 декабрь куни тасдиқланган “Онкология тизимидаги фаолият юритувчи мутахассисларнинг янги штат меъёрлари” га кўра, ҳар бир онкологик муассасага тиббий психолог лавозимини киритилиши, мамлакатимизда онкология ва психология фанларининг интеграцияси натижасида вужудга келадиган психоонкология соҳасини ривожлантиришга қаратилган муҳим қадам ҳисобланади.

Онкологик касалликларда даво самарадорлиги пастлиги, касалликнинг кеч аниқланиши, мазкур касаллик билан оғриган беморларда ижтимоий ёрдамга муҳтожлик зарурати юқорилигини кўрсатади. Зеро,

онкологик беморлар учун нафақат тиббий, балки психологик ёрдам ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни талаб қилади.

Шу нуқтаи-назардан биз, онкологик касалликлар ташхиси қўйилган беморлар билан тадқиқот ишларини олиб бордик. Шахс эмоционал соҳаси ўзининг нисбатан ўзгарувчанлиги, ташқи таъсирга берилувчанлик даражаси юқорилиги билан тавсифланади. Бу ҳолат, бир томондан, беморлар эмоционал ҳолатига таъсир кўрсатиш учун яхши имконият ҳосил қилса, иккинчи томондан, амалий ёрдам орқали ҳосил қилинган ижобий ўзгаришларнинг қанчалик турғун ва давомий бўлиши масаласини ўртага қўяди [3]. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам, касаллик инсон эмоционал соҳасидаги ўзгаришларни келтириб чиқариши ва айни вақтда хиссий кечинмалардаги бузилиш салбий органик жараёнларни фаоллаштириши, беморлар билан айнан эмоция психокоррекцияси ва психотерапияси йўналишида олиб бориладиган ишлар самарали йўлга қўйилишини таъқозо этади. Сут беги саратонига чалинган аёлларда эмоционал дистресс ҳолатининг юқори даражада бўлиши ва уни копинг хулқ терапияси ёрдамида индивидуал ёки гуруҳий тарзда бартараф қилиш, енгиллаштириш зарурлиги хориж психологларидан М.С.Сохан ва А.Суннингларнинг ҳам ишларида келтирилади [3], [4]. Онкологик беморларнинг барчасида ҳам салбий эмоционал ҳолатлар бир хил кечмайди. Бу кўпинча беморнинг касалликка муносабатига боғлиқ бўлади. Тадқиқотда қатнашган беморларнинг эмоционал ҳолатларини ўрганар эканмиз, уларда кузатилган эмоционал ҳолатларда ҳам ўхшашликлар ҳам фарқлар намоён бўлди. Ўхшашликлар шундаки, касалликка ташхис қўйилиши барча босқичдаги беморларнинг руҳиятида қатта қўзғалишни келтириб чиқаради. Ҳатто энг босик, инерт нерв тизимида эга бўлган инсонларда ҳам касаллик кучли ҳавотир билан кузатилади. Вақт ўтиши, даво муолажаларни бошлаб юбориш, шифокорлар билан мулоқот бирмунча мувоzanатни вужудга келтиради. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, касалликка ташхис қўйилганда ва шифокор билан дастлабки мулоқотда беморлар ўта сезгир, кузатувчан бўлишади, кўп саволлар беришади. Мана шундай ҳолатларда шифокорлар тиббий деонтология қоидаларига қатъий риоя қилишлари, улардан бемор билан муносабатда жуда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Акс ҳолда шифокорнинг вербал ёки визуал эҳтиётсизлиги боис беморда ятрогениялар ривожланиши мумкин.

Бизни муҳитимизда ғарб муҳитидан фарқли равишда, беморга касаллик диагнози ҳақида тўлиқ маълумот берилмайди. Гарчи касалликнинг охириги босқичи, ўсма хужайраси бошқа аъзога метастаз берган бўлса ҳам, бемордан бу сир сақланади ва касаллик диагнози ва ҳолати ҳақида фақат беморнинг энг яқин оила аъзоларига маълумот берилади. Стационарда даволаниш даврида беморлар, хусусан сут беги саратони ташхиси қўйилган беморлар бир-бирлари билан тезда танишиб, яқин муносабатда бўлади. Айниқса, химиятерапия муолажаларини олаётган

беморлар ҳар 20-21 кунда кўришиб, тез-тез мулоқотга киришиб турадилар. Шунинг учун ҳам касаллик аниқланиб, даво муолажаларини олиб бошлагандан кейин, дастлабки пайтдаги кучли қўзғалиш нисбатан пасая борганлигини кузатдик. Ундан ташқари касалхонада беморлар ёлғиз эмаслигини англайдилар, муаммолари бир хил бўлганлиги учун бир-бирларини қўллаб-қувватловчи бўладилар.

Тадқиқотимиз жараёнида беморнинг шахсий хусусиятига, касаллик муносабатига кўра эмоционал ҳолатларнинг намоён бўлишини кузатдик. Айнан мана шу хусусият бир хил ташхис қўйилган, лекин турлича эмоционал ҳолатни намоён қиладиган беморларнинг фарқли жиҳати эканлигини кўрсатади. Баъзан беморларнинг орасида касалликнинг 4-босқичи, шунингдек, ўсма хужайраси бошқа аъзоларга ҳам метастаз берган беморларнинг психологик ҳолати ижобий бўлган беморларни кузатдик. Бу тоифа беморларга касалликка муносабатнинг гармоник, эргопатик ёки анозогнозик типи мансуб бўлиб, ўзларининг оғир ҳолатларини билсалар-да, юмор ҳисси, психологик ресурсларини ривожлантириш, бошқа беморларни психологик қўллаб-қувватлаб, уларнинг кайфиятини кўтариб, ҳаётга умидларини оширган ҳолатларни ҳам кузатдик. Баъзан эса, касалликнинг бошланғич босқичи, ҳатто ҳавфсиз мастит ёки мастопатия ташхиси қўйилган беморлар ипохондрик, обсессив-фобияли, паранойял, сензитив ва интер ёки интрапсихик бузилишлар билан кечадиган типларни намоён қилди. Бу беморларда жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, ўсма хужайраси батамом олиб ташлангандан кейин ҳам психологик статусида патологиялар кузатилганлигини кўрдик. Кўпинча, бундай беморларда касалликдан тузалгандан кейин ҳам ёндош касалликлар ривожланиши ёки касаллик рецидив беришини кузатдик.

Бундан келиб чиқадики, касалликнинг кечиши, даво муолажаларининг таъсири беморнинг касалликка муносабати типига ҳам часбарчас боғлиқ. Олиб борилган тадқиқот ишларимиз натижасида шундай хулосалаш мумкин:

Онкологик бемор аёлларнинг шахсий-эмоционал соҳасига ҳаётий жараёнларда стрессларга мойиллик, уларни конструктив бартараф қила олмаслик, кайфияти тушқунлик, субдепрессия ҳос. Онкологик беморларни психологик тадқиқ қилишда касалликка чалинган деярли барча беморларда касаллик аниқланишдан олдин кучли таъсирланиш, психик мувоzanатсизлик, безовталиқ, ҳавотирланиш, қайғули ҳодиса, депрессия ва стресс ҳолатлари мавжуд бўлган. Ва бу ҳолатлар беморнинг руҳиятида толиқиш, “қочиш” реакциясининг ривожланиши, жисмоний ва психик ҳолатларида зўриқишларни келтириб чиқарган. Натижада иммун тизимда носозликлар вужудга келиши ва касалликка нисбатан мойиллик келиб чиқиши эҳтимоли пайдо бўлади.

Касаллик сабабли беморларнинг шахсий, эмоционал ва иродавий соҳасида сезиларли ўзгаришлар вужудга келади ва бу ўзгаришларни бартараф қилишнинг амалий ифодаси сифатида бемор эмоционал соҳасига психологик таъсир кўрсатиш туради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1992. 40- б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2017 й. ПҚ-2866-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизмати янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. /” Халқ сўзи”. 2017. 5 апр. № 36.
3. Cohen M. Coping and Emotional Distress in Primary and Recurrent Breast Cancer // International Journal of Cancer. – N.Y.: 2002. Vol. 100. № 3. - P. 347-354.
4. Cunningham A.J. Group psychological therapy for cancer patients: a point of view and discussion of the hierarchy of options // International Journal of Psychiatry in Medicine. - N. Y.: 1996. №26. - P. 51-82.
5. <http://worldofoncology.com/materialy/o-rake/statistika/>
6. <http://www.oncc.ru>

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада онкологик беморларнинг эмоционал соҳасини тадқиқ қилиш хусусиятлари таҳлил қилинган. Бугунги кунда онкологик касалликларни даволаш тиббиёт ходимларининг асосий диққат марказидаги масалалардандир.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализированы особенности изучения эмоциональной сферы онкологических больных. Сегодня вопросы лечения онкологических заболеваний находятся в центре внимания медицины.

SUMMARY

In the article the peculiarities of the research of emotional sphere of cancer patients are analyzed. Today the issues of treatment of oncological diseases are in the centre of attention in medicine.

**ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА ИНСОННИЙ
ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ**

Т.Т.Утебаев – педагогика фанлари доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Б.С.Бекниязов – ўқитувчи

Ажиниёз номидаги НДПИ ҳузуридаги ХТХҚТвУМО ҳудудидий маркази

Таянч сўзлар: таълим, маданият, меъморий обидалар, ахлоқ.

Ключевые слова: воспитание, культура, памятники архитектуры, нравственность.

Key words: education, culture, monuments of architecture, morality.

Ўтмиш маданий меросимизни ўрганиш фақат илмий жиҳатдан қатта аҳамият касб этибгина қолмай, айни пайтда, у аждодларимиз яратган буюк маънавий ҳазинадан барҳаманд бўлишда, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ва инсоннинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда «Ўзбекистон тарихи» фанини таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида маданий меросимизни чуқур ва пухта ўрганишни таъминлаш қимматли инсонни вояга етказишнинг ишончли кафолатидир.

Тарихий ёдгорликлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш тарзини ривожлантиришга, келажакда Ўзбекистон фуқаросининг асосий фаол ҳаётий позициясига айланган кадрлар йўналишларини шакллантиришга ёрдам беради. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида миллий ўзлгимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди [1].

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг «Юксак маънавият - энгилмас куч» асарида «ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади» - деб таъкидлаб кўрсатган эди [2].

Ўқитувчи ўқувчиларнинг тарихий ёдгорликлар ҳақидаги тарқоқ билимларини системалаштиради, ҳиссий тажриба орттириш ишларини ташкил қилади, кейинчалик ташкилий қизиқни ишлаб чиқиш жараёнини мунтазам равишда режалаштириб, мияда мўъжизали (ҳолатни) ташкил этади, кейинчалик уни амалга оширади.

Таълим жараёнида меъморий ёдгорликларнинг тарбиявий жиҳатни шакллантириш, тарих дарсларида тарихий ёдгорликларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар мавзусини танлаш орқали амалга оширилади, бу унда зарур бўлган муаммоларни ечиш учун:

- тарихий ёдгорликлар, уларнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини англаш;
- тарихий ёдгорликлар ва уларнинг атрофдаги кундалиқ ҳаёт объектлари ҳақидаги тушунчаларини ва ғояларини шакллантириш;
- ўқувчиларнинг тарихий ёдгорликлар, вилоят тарихи, анъаналари, урф-одатлари, маданий қадриятларга қизиқишларини ошириш;
- ўтмиш гувоҳлари бўлган тарихий ёдгорликлар тўғрисида ўқувчиларнинг онгли фикрларини шакллантириш;
- хилма-хилликни намойиш этиш, динлараро маданиятларни таарғиб этиш Ўзбекистоннинг тарихий ёд-

горликлари мисолида уни амалга ошириш имконини беради.

Юқоридагиларга асосланиб, мактаб ўқувчилари тарихий ёдгорликлари билан танишиш жараёнида аждодларимизнинг бадий маданий меросига қизиқиш ва уларга нисбатан ҳурматини шакллантиради. Шу билан бирга, мактаб ўқувчилари материалларни фақат синфлардагина самарали ўзлаштириши эмас, балки музейларни зиёрат қилиш, археология ёдгорликларига саёҳатлар ташкил қилиш, суҳбат дарсларини ўтказиш, кўриб чиқилаётган муаммонинг ижобий томонлари мактаб ўқувчилари учун амалий кўникмаларини ривожлантириш орқали ҳам амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг қўллаб тарихий ёдгорликлари етарлича маданий ва тарбивий салоҳиятга эга. Умумтаълим мактабларининг амалиётини таҳлил қилиш тарихий ёдгорликларнинг ўқувчиларда тарбиявий кўникмани рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган урта йўналишни аниқлаш имконини беради, жумладан:

- биринчи йўналиш - ўқув машғулоти, ўқитувчи таёрланиш учун: адабиётлар қидириш; олинган билимларни мактаб ёшига мослаштириш ва мавзунини муҳокама қилиш; суҳбатнинг ҳулосасини тузиш; эстетик талабларга жавоб берадиган кўринишни танлаш; ўқувчиларнинг хусусиятларига кўра суҳбатни режалаштириш.

Кўргазмани қўлланмалар, тасвирий санъатнинг мультимедияли воситаларидан кенгрок фойдаланиш барқарор қизиқни шакллантиришга, ўқув жараёнини оптималлаштиришга ёрдам беради: проекторлар, кино проекторлар, компьютерлар ва бошқалар нафақат санъат асарларини ўрганиш, балки муаллиф ва унинг асарлари ҳақида ўқувчиларга ҳикояни тинглаш имконини беради ва мавжуд бўлган қўллаб видеофильмлар, моделлар, жадваллар, репродукциялар қадим замонлардан буён сақланаётган масжидлар, миноралар, макбаралар, тарихий ёдгорликларни кўриш имконини беради. Шу билан бирга, мактаб ўқувчилари учун ҳар бир даврда уларнинг ўзига хос архитектура ва бадий услуби шаклланганлиги ва ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, якуний таҳлилда архитектуранинг ўзига хос хусусиятлари шаклланганлигини англаш муҳимдир.

Архитектура ёдгорликларини тушунтираётганда, катталар тез-тез ишлатадиган лекин, мактаб ўқувчилари орасида кам учирайдиган имиджга бўлган муносабатни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи санъат ходисаларига объектив муносабатда бўлишга интилиши керак, чунки ҳар қандай муносабатлар археологик ёдгорликларнинг ижтимоий, тарихий ва бадий қимматини тушунишга, археологик ёдгорликлар жамиятнинг умумий моддий ва маънавий маданиятнинг ажралмас қисми эканлигини тушунишга асосланган бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликларини ўрганиш меъморчиликнинг функционал, конструктив ва эстетик томонларини тасвирлашга қаратилган бўлиши лозим.

Тарихий ёдгорликларининг слайдлар ёрдамида намойиш қилиниши ўқувчиларга яхши ёрдам беради, чунки замонавий ёшларнинг онги бадий образни, атроф-мухит объектларини тезда идрок этишга тайёр, аммо меъморий ахборот эса хотирани кенгайтиришга мухтож. Бу ҳолатда ўқувчилар учун минора, гумбаз, мозаика, фреска, макбара, мадраса, масжид ҳақидаги тушунчаларни идрок этиш фойдали бўлади.

Мактаб ўқувчилари билан мунозарали шаклда суҳбат қуриш мақсадга мувофиқдир, у ерда саволларни аниқлаб олиш керак бўлади: тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар деганда қандай биноларни тушунасан; мадраса ва макбаралар нима учун қурилган, уларда кимлар таълим олган; тарихий обидалар қандай безаклар билан безатилган, уларнинг номларини айтиб бера оласизми; тарихий меъморий обидаларни нима учун асраб-авайлашимиз керак, деб уйлайсиз; аждодларимиз қолдирган меросдан фахрланасизми ва ҳоказо.

Суҳбат чоғида кўп миллатли Ўзбекистон халқининг табиати, урф-одатлари, меъморий ёдгорликлари, уларнинг тарбиявий салоҳияти ҳақида гапириш муҳимдир.

Тарихий ёдгорликлар ҳақида мазмунли, қизиқарли, мохирона ва жонли суҳбатлашиш ўқувчи-ёшларда миллий бадий маданиятга қизиқишни уйғотишга ёрдам беради;

- иккинчи йўналиш - меъморий обидалар мавзусидаги муаммоларни ҳал этишга мўлжалланган экскурсиялар: туғилиб ўсган она қишлоқ (шаҳар) архитектураси ҳақидаги ғояларни шакллантириш; тарихий бинонинг қурилиш тарихи билан таништириш; маданий ва тарихий қадриятларни аниқлаш, бинонинг бадий экспозициясини замонавий қишлоқларнинг фонида очиб бериш.

Қишлоқ ва шаҳарларда тарихий ёдгорликлар мақомига эга бинолар кам бўлганлиги сабабли ўқувчилар ўзларининг Ватанлари билан фахрланишлари учун қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари керак: экскурсия вақтида ўқувчилар учта меъморий тузилмани ўрганишлари керак; экскурсия режаси пухта ишлаб чиқилиши ва экскурсияга яхши тайёрланиши керак (маршрут, саволлар, ўқитувчининг ҳикояси). Экскурсияларни охириги дарслар ёки синфдан ташқари соатлар билан режалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади; Экскурсия сўнгида меъморий обиданинг тузилишига доир амалий фаолиятни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Экскурсия музейларга, тарихий ёдгорликларга умумий таширф бўлганлиги сабабли у якуний дарслар орқали махсус тайёргарлик асосида табиатга кенг қамровли саёҳат бўлишини таъминлаш муҳимдир. Бундай тадқиқотлар ўтказилаётганда, мактабларда ўқувчиларга санъат асарларини намойиш этишда асосий қоидалар, уларнинг расмий жиҳатларига урғу бериш санъат асарининг мазмунини тушунишга ёрдам берадиган даражада амалга оширилиши кераклигини ёдда тутиш лозим. Санъат асарида акс эттирилган эстетик ҳис марказий босқичга ўтиши керак ва санъатни идрок қилиш, биринчи навбатда, ўқувчиларни фаоллаштириш воситаси сифатида кўриб чиқилиши керак [3].

Ажойиб меъморий ва диний обидаларга амалга оширилган экскурсиялар ўқувчиларда маданият ва тарихнинг муҳим қатламларига алоқодорликни қадим ва ўзларини ўтмиш воқеяларининг иштирокчиси каби ҳис қилиши имкониятини беради.

Шу нуқтаи назардан, экскурсиялар режалаштирилган мавзуларни, шу жумладан, санъат турларига бағишланган мавзуларни ўрганиб чиққандан сўнг амалга оширилиши керак. Ўқувчилар тарихий ёдгорликлар билан бевосита танишиш воситасида уларнинг эстетик ҳиссиёти табиий равишда фаоллашади ва миллий бадий меросга қизиқиши ортади.

Коллектив экскурсияларда бадий тарихий фильмларни намойиш этиш ва муҳокама қилиш орқали ўқувчилар тарихий ёдгорликларининг хилма-хиллиги, турли меъморий услублар, меъморий тузилмаларнинг табиати билан уйғунлигини тушуниб етади.

Экскурсияларнинг натижалари суҳбатларда ёки уй вазибаларида мустахкамланади. Ўқувчиларнинг машғулотларда фаоллиги, меъморий ёдгорликларнинг турларига оид хилма-хил адабиётлардан фойдаланиш яхши ўйланган иш шаклларида бирийдир.

- Учинчи йўналиш – мактаб ўқувчилари томонидан элементлар, мотивлар, муайян архитектура объектларининг таркибини ва тафсилотларини амалга ошириш йўли билан амалий чизмачилик кўникмаларини мустахкамлаш ва чуқурлаштиришни назарда тутати, бу эса ўқувчилар билан биргаликда шаҳарларда, қишлоқларда кенг қўлдан эскизларни бажариш имконини беради. Тарихий ёдгорликлар ва меъморий обидаларнинг деталлари ҳақида ўқитувчининг хушмуомалали ёрдами билан уларга қизиқарли оригинал декоратив композициялар учун мавзулар ва сюжетлар ҳақида маълумотлар беради.

Архитектура ёдгорликларида ритм, нисбийликни синчковлик билан кузатиб бораётган ўқувчилар уларнинг характерли уйғунлигини, шакл ва ранглар ва комбинацияларнинг бойлигини ўрганадилар, шунингдек, бу хусусиятларни ва гўзалликни амалий ишларга ўтказдилар. Шу билан бир қаторда, бадий ва ижодий фаолиятнинг турли хил турлари фойдалидир: экскурсия вақтида ўқувчилар энг кўп маълумлаган меъморий объектларни моделлаштириш, лойиҳалаш тавсия қилинади [4].

Ўқувчиларнинг амалий вазибалари биринчи навбатда турли материалларни (қоғоз, картон, бўёқлар ва бошқалар) ишлатиш билан чизиш, қўллаш, лойиҳалаш услубида диний ва меъморий ёдгорликларнинг бадий имиджини яратишни ўз ичига олиши керак. Бу ҳолатда ўқитувчи турли техника воситалари бўйича иш услубларини намойиш этади, қоғоз, картондан оқилана фойдаланишни ўргатади, ўқувчиларга алоҳида эътибор беради ва қадимий бинолар замонавий шаҳарнинг ажралмас қисми эканлигини тушунтиради.

Мактаб ўқувчиларининг тарихий ёдгорликларга жалб этилишининг асосий методик йўналишлари ва тизимлари дастлабки суҳбат, экскурсия, якуний суҳбат, ўқувчиларнинг бадий ва ижодий фаолиятларини ташкил этишни назарда тутати. Ушбу ечимлардан бири болаларни ўзларининг туғилиб ўсган қишлоқларининг меъморчилиги билан таништиришдир.

Шундай қилиб, мактаб ўқувчиларини тарихий ёдгорликлар билан ўқитиш вазибаларини муваффақиятли амалга ошириш, маълум бир ёшдаги ўқувчиларни махсус билимлар, кўникмалар билан мунтазам равишда қуроллантиришга боғлиқ. Шу асосда атроф-мухитнинг бойлиги ва хилма-хиллигини очиб бериш, ўқувчиларнинг маънавий гўзаллигини ривожлантириш, ахлокий-эстетик ва фуқаролик фазилатларини шакллантириш бугунги педагогика фанининг асосий вазибаларидан бирийдир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / «Халқ сўзи», 2018 йил 29 декабрь, №271-272 (7229-7230).
2. Каримов И.А. «Юксак маънавият - енгилмас куч». -Т.: «Маънавият», 2008.
3. Система эстетического воспитания школьников. /под ред С.А.Герасимова. -М.: 1983.
4. Эстетическое воспитание в школе. Вопросы системного подхода. /под ред. Б.Т.Лихачева. -М.: «Педагогика», 1980.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқув жараёнида тарихий ёдгорликларнинг тарбивий салоҳиятидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари, ўқувчиларни архитектура ёдгорликларига жалб этиш тизими кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещены основные направления использования воспитательного потенциала исторических памятников в учебном процессе. Описывается система занятий по приобщению школьников к памятникам архитектуры.

SUMMARY

The article deals with the main directions of using the educational potential of historical architectural monuments in the educational process. It contains the description of the system of lessons that are directed to involve schoolchildren to be interested in the monuments of architecture.

BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KASBIY KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH VA RIVOJLANTIRISH YO'LLARI

Sh.S.Shodmonova - *pedagogika fanlari doctori, professor*
Toshkent davlat pedagogika universiteti

Tayanch so'zlar: ta'lim sifati, bilim, ta'lim shakllari, tarbiya jarayoni, kompetentsiya, kasbiy kompetentlik, shaxs, ta'lim metodlari, kasbiy mahorat.

Ключевые слова: качество образования, знание, формы обучения, воспитательный процесс, компетенция, профессиональная компетентность, личность, методы обучения, профессиональное мастерство.

Key words: quality of education, knowledge, forms of teaching, educational process, competency, professional competency, personality, teaching methods, professional skill.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 7 fevral 2017 yil farmoni bilan 2017-2021 yillarga mo'ljallangan O'zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini ishlab chiqilishi ayniqsa ta'lim sohasini davlat siyosatida ustuvor o'rin tutish bilan birga keng jamoatchilik ishtirokini ham talab qilishi alohida ahamiyat kasb etadi. Mazkur Harakatlar strategiyasining to'rtinchi yo'nalish ijtimoiy sohani rivojlantirishga qaratilgan bo'lib, bunda ta'lim, madaniyat, ilm-fan, adabiyot, san'at va sport sohalarini rivojlantirish va yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish bilan birga ta'lim va o'qitish sifatini baholashning xalqaro standartlarini joriy etish asosida oliy ta'lim muassasalari faoliyatining sifati hamda samaradorligini oshirish hamda ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag'batlantirish, ilmiy va innovatsiya yutuqlarini amaliyotga keng joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish, oliy o'quv yurtlari va ilmiy-tadqiqot institutlari huzurida ixtisoslashtirilgan ilmiy-eksperimental laboratoriyalar, yuqori texnologiya markazlarini tashkil etish haqida alohida uqitirib o'tildi [1].

Ma'lumki ijtimoiy faoliyatning alohida shakli bo'lgan pedagogik faoliyat jarayoni va uning maqsadi o'sib kelayotgan yosh avlodga ta'lim-tarbiya berish va o'zgarib borayotgan ijtimoiy-iqtisodiy talablar asosida ularni yuksak insoniy sifatlarini tarbiyalashga yo'naltirilgan. Olib borilgan ta'lim-tarbiya natijasida ta'lim oluvchi shaxsining turli xislatlari, fazilatlar va ko'nikmalari shakllantiriladi. Bunday o'zgarishlarni amalga oshirish va rivojlantirish turli pedagogik texnologiyalarni, metod va yondashuvlarni amaliyotga tatbiq etishga asoslanadi. Ushbu metodlar va yondashuvlar, bir tomondan, o'qituvchining pedagogik faoliyati va ta'lim oluvchining shaxsiy xatti-harakatlari ta'siridagi o'zgarishlar orasidagi qonuniyatlarni ochishga, ularni tahlil qilishga imkoniyat yaratadi. Ta'lim oluvchilar va o'qituvchilarning faoliyatlari, harakatlari, ta'lim mazmuni, metodlar, yondashuvlar, texnologiyalar va ta'lim vositalari orasidagi bog'liqliklar, tabiat qonuniyatlari kabi ob'ektiv xususiyatlarga ega hisoblanadi. Ta'lim-tarbiya jarayoni samaradorligi haqida jiddiy xulosalar chiqarish uchun muntazam ravishda olib borilgan kuzatishlar, tajribalarga asoslangan tadqiqotlar natijalariga ko'ra qo'llanadigan metodlar va yondashuvlarga asoslanish ta'lim-tarbiya jarayonini ilmiy asosda tashkil etish va uni boshqarishda muhim ahamiyat kasb etadi. Adabiyotlarda [4] "ilmiy bilish metodlari – bu ob'ektni o'rganishning asoslangan izchil usullari va qoidalaridir. Muayyan fanlarning umummilliy, xususiy va maxsus metodlari farqlanadi. Tabiiyki, fan epistemologiyasida ularning dastlabki ikkitasi bevosita qiziqish uyg'otadi", deb ta'kidlangan holda kuzatish, induksiya, deduksiya, analiz, sintez, abstraklashtirish, analogiya, modellashirish kabi

metodlar keltiriladi va ular quyidagicha ta'riflanadi: Kuzatish – bu bilishning shunday bir metodiki, bunda sub'ekt ob'ektni tuzilishi va rivojlanishiga aralashmaydi. U mavjud sharoitlarni o'zgartirmaydi, chunki unga hech qanday ta'sir ko'rsatmaydi. Kuzatishning ilmiy bilish metodi sifatida afzalligi shundaki, u o'rganilayotgan hodisaning ob'ektiv manzarasini berishi mumkin. Ilmiy kuzatish – bu chinakam ijod, haqiqiy mahorat va san'atdir [4:46]. Demak, o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirishga ijodiy yondashuv zarur bo'lib, mazkur yondashuvda kuzatish metodi o'ziga xos ahamiyat ega sanaladi. Chunki kuzatish jarayonida o'qituvchi o'qituvchilarning dunyoqarashi, mustaqil va erkin fikrlash darajasi, ta'lim-tarbiya jarayoniga va o'rganilayotgan tushunchalarga bo'lgan munosabatlarini aniqlash imkoniyatiga ega bo'ladi. Shuningdek, kuzatish natijalariga asosan o'qituvchi ta'lim-tarbiya jarayonining holatini vaziyatlarga ko'ra aniqlash va zaruriyatga ko'ra vaziyatlarni o'zgartirish, o'qituvchilarni faolligini hamda muta'qil faoliyatini ta'minlovchi metodlarni qo'llash imkoniyatlariga ega bo'ladi. Ilmiy bilim olish metodi – induksiya, ya'ni alohida, parchalangan, tizimga solinmagan ma'lumotlardan umumlashtirishlarga, ilmiy gipotezalar, nazariyalar, qonuniyatlar tuzishga o'tish yakka ilmiy faktlardan ularni tushunish va tushuntirishga o'tishni ta'minlaydi. Ilmiy ijodda mushohada yuritish va xulosa chiqarish xususiydan umumiy, yaxshi rivojlanmagan ilmiy bilimdan teran, yanada rivojlangan ilmiy bilim sari induktiv xulosa chiqarishga asoslanadi [4:50]. Deduksiya ilgari olingan bilimda yashirin axborot resurslarini aniqlash imkonini beradi. Deduksiyadan foydalanish darajasi u yoki bu muayyan fanning rivojlanganligi, yetukligi ko'rsatkichi bo'lib xizmat qiladi. Real ilmiy ijod jarayonida induksiya va deduksiya o'zaro bohlanaadi hamda bir-birini to'ldiradi. Bundan tashqari, ular analiz va sintez kabi umumfalsafiy va umumilmiy metodlar bilan ham bog'langandir. Analiz – bu bilish predmetini fikran qismlarga ajratish, uning alohida tomonlari, xossalari, belgilarini, ular o'rtasidagi munosabatlarni ajratish, ob'ektni mohiyatini anglab yetish maqsadida uning turlarini aniqlash demakdir. Sintez – bu predmetning bilingan tomonlari, belgilari, xossalari va hakoazolarni fikran birlashtirish, ob'ektni tuzilishini uning barcha aloqalari, munosabatlari, rivojlanishi va faoliyatiga bog'lab tushunib yetishdir [4:51]. Analiz va sintez insonning fikrlash usullari, ya'ni ijodiy fikrlash usullari ekanligiga asoslangan holda biz induksiya va deduksiyaning analiz va sintez bilan o'zaro bog'liqligi haqidagi fikrlarga qo'shilamiz. Bizning fikrimizcha, aynan refleksiv yondashuv jarayonida induksiya va deduksiya, analiz va sintez usullaridan foydalaniladi, ya'ni refleksiv yondashuv jarayonida o'qituvchilarning tahliliy faoliyati tashkil etiladi va tahliliy jarayonda olingan ma'lumotlar o'qituvchilarning boshlang'ich tushunchalari bilan

umumlashtiriladi. Shuningdek, refleksiv yondashuvda o'tmishni o'rganish va tahlil qilish jarayonida olingan ma'lumotlarni umumlashtirish induksiyanı ifodalasa, ob'ektiv baholash asosida o'qituvchılarda aniq va ishonchlı ma'lumotlarga asoslangan xulosalar, tushunchalar shakllanishi deduksiyanı ifodalaydi. Tahliliy fikrlash analizni ifodalasa, xulosalar chiqarish sintezni ifodalaydi, bular o'z navbatida, sintez doimo analizga asoslanishini hamda ular biri ikkinchisiz mavjud bo'lmashligini tasdiqlaydi. Bular fikrlash usuli xususiyatlari bo'lib, ularning mazmuni muhim ahamiyat kasb etuvchi sifatlarda, ya'ni yangi tushunchalarni shakllanishi va yangilik yaratish jarayonida namoyon bo'ladi. Bular o'z navbatida divergentlik, realistik, moslashuvchanlik, tanqidiylik va boshqa fikrlash usullari bilan birgalikda ijodiy fikrlashni tashkil etadi. A.Rasulovning ta'kidlashicha, ta'lim jarayonida muammoli vaziyatlardan foydalanish ta'lim beruvchi uchun ham, ta'lim oluvchi uchun ham ahamiyatli bo'lib, ta'lim oluvchılarni mulohaza yuritishga, masalalarni tahlil qilishga, mas'uliyatni his qilishga, mustaqil faoliyat ko'rsatishga, shaxsiy nuqtai nazarini shakllantirishga, guruh va jamoa bo'lib ishlashga, faoliyatni rejalashtirish va rivojlantirishga o'rgatadi. Muallifning fikricha, ta'lim jarayonida maqsadga erishish uchun muammoli o'qitishga quyidagi talablar qo'yiladi: qo'yilgan muammoning muhimligi; muammo o'ylab topilmasligi, real hayotdan olinishi; ta'lim oluvchılar uchun muammoning ahamiyatlıligi; muammoning aniq muqobil yechimlarga ega bo'lishi; ta'lim oluvchılarning hamkorlikda faol ishlashi; muammoga aloqador axborotlar bazasini yaratilishi va boshqalar. Shuningdek, ta'lim oluvchılarning mazmunli va izchil bilim olinishi ta'minlash; muammo yechimlarini topish va uning boshqa yechimlari bo'yicha ham ishtiqlik rejalari ishlab chiqish; ta'lim oluvchılarni guruh-guruh bo'lib ishlash va muammoli vaziyatlardan chiqib ketishga o'rgatish; ta'lim oluvchılarda shaxsiy mas'uliyat tuyg'usini uyg'otish va mustahkamlash muallif tomonidan muammoli o'qitishning asosiy maqsadlari sifatida keltiriladi [3:5]. O'qituvchılarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirish jarayonlarida yuqorida keltirilgan metodlar bilan bir qatorda, kasbiy faollik, kompetentlik, uning mazmun-mohiyati, ahamiyati va zaruriyati borasida ularning boshlang'ich tushunchalarini rivojlantirish, ularda refleksiv yondashuv ko'nikmalari va malakalarini shakllantirish hamda rivojlantirish uchun tashkil etiladigan ta'lim-tarbiya jarayonlarida ijtimoiy-psixologik va metodologik xususiyatlarga ega bo'lgan trening, interfaol suhbat, integrativ ma'ruza, ishchanlik o'yinlari kabi metodlardan foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi. O'qituvchılarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirish jarayonlarida o'qituvchılarning tahliliy faoliyatini qo'llab-quvvatlovchi, ishbilarmon o'yinlari orqali innovatsion faoliyatning usul va shakllarini yorituvchi, o'qituvchılar faoliyatini kuzatish asosida o'qituvchılarning o'zaro ta'sir ko'rsatishga undovchi metodlardan foydalanish o'ziga xos ahamiyat kasb etadi. Ta'lim-tarbiya jarayonlarini tashkil etishda integrativ ma'ruzalar, amaliy mashg'ulot, seminar-treninglardan foydalanish bilan bir qatorda, o'qituvchılarga oldindan tarqatiladigan savol va topshiriqlardan foydalanish juda katta samara beradi. O'qituvchılarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirish yo'nalishida tashkil etiladigan amaliy mashg'ulotlarni o'qituvchılarning boshlang'ich tushunchalariga asosan, ya'ni ularning boshlang'ich tushunchalarini o'rganish va tahlil qilish orqali ular tomonidan mustaqil ravishda o'rganilgan adabiyotlar, ma'ruzalar jarayonida berilgan ma'lumotlar asosida tashkil etish o'rganiladigan asosiy tushunchalarni test va modellar ko'rinishida ifodalash uchun imkoniyat yaratadi [5]. O'qituvchılarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirish jarayonlarida interfaol suhbat, ishchanlik o'yinlari, trening

kabi metodlardan foydalanish o'qituvchılarni mustaqil va erkin fikrlashga o'rgatishda, krieativligini oshirishda o'ziga xos ahamiyat kasb etadi. O'qitishning faol metodlari hisoblangan mazkur metodlar ta'lim-tarbiya jarayonida o'qituvchılarning faoliligini ta'minlaydi, ya'ni o'qituvchılarda ijodiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi. Ishchanlik o'yini jarayonida ishtirok etuvchi o'qituvchılar asosiy tushunchalarni o'zlashtirish bilan bir qatorda, asosiy tushunchalarning mazmun-mohiyati, ahamiyati va zaruriyatini tahlil qiladilar, tahlil natijalariga ko'ra xulosalar shakllantiriladi va tavsiyalar ishlab chiqiladi. Ishchanlik o'yini davomida o'qituvchılarning boshlang'ich tushunchalari, dunyoqarashi, ko'nikma va malakalari darajasi aniqlanadi hamda vujudga kelgan vaziyatlarga ko'ra topshiriqlar muvofiqlashtiriladi. Ishchanlik o'yini o'qituvchılarning refleksiv qobiliyatlari va imkoniyatlari darajasini hamda kreativ va ijodiy fikrlashini rivojlantiradi. Trening ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini taminlashda muhim ahamiyatga ega bo'lgan metodlardan biri hisoblanadi. Mazkur metodga asoslanib tashkil etilgan ta'lim-tarbiya jarayonida o'qituvchılarda kommunikatsion ko'nikmalar shakllanadi. Trening jarayonida o'qituvchılarning o'zaro ta'sir ko'rsatishi natijasida ularda muloqotning turli xil uslublaridan foydalanish malakalari rivojlanadi. O'qituvchılarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirish jarayonlarida mustaqil va erkin fikrlashga o'rgatish asosida ularning faoliligini ta'minlash, bevosita muloqotga kirishishga undash, o'z fikrini erkin bildirishi uchun imkoniyatlar yaratish maqsadida aqliy hujum, g'oyalari konferensiyasi kabi metodlardan ham foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Ta'lim oluvchılarning adabiyotlar va turli manbalar bilan ishlash ko'nikmalarini va innovatsion qobiliyatlarini shakllantirish va rivojlantirish uchun o'quv jarayonida mavzular bo'yicha adabiyotlar tanlash, maqolalarga annotatsiya yozish, belgilangan maqsadlarga erishish rejalari tuzish, belgilangan topshiriqlar yo'nalishidagi muammolarni aniqlash ishlariga ta'lim oluvchılarni jalb etish muhim ahamiyat kasb etadi. S.T.Turg'unovning ta'kidlashicha, ta'lim-tarbiya jarayonini ilmiy asosda tashkil etish, mazkur jarayonga innovatsiyalarni tatbiq etish, o'qitishning eng ilg'or texnologiyalaridan foydalanish, sub'ektlarning innovatsion faoliyatini tashkil etish asosida refleksiv ta'limiy muhitni vujudga keltirish, shuningdek, ta'lim-tarbiya jarayonida sub'ekt-sub'ekt munosabatlarini shakllantirish, ya'ni ta'lim-tarbiya jarayoni ishtirokchılarining sub'ektivligini oshirish hisobiga "o'qituvchi-o'qituvchi" munosabatlaridan "o'qituvchi-o'qituvchi" va "o'qituvchi-o'qituvchi" munosabatlariga o'tish asosida o'zaro ta'sir jarayonini vujudga keltirish va ularni shakllantirish zahirida, eng avvalo, ta'lim-tarbiya jarayoni ishtirokchılarining faoliyatini takomillashtirish, ularning yangi shart-sharoitlarga va zamonaviy talablarga psixologik moslashuvini tezlashtirish asosida ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini ta'minlash mumkin [5]. Mazkur fikrlarni qo'llab-quvvatlagan holda aytish mumkinki, o'qituvchılarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirish shakllantirish va rivojlantirishda ta'lim, mustaqil ta'lim (pedagogik amaliyot, kurs ishlari va bitiruv-malakaviy ishlarini tayyorlash jarayonlari) hamda o'qituvchi va o'qituvchılar o'rtasidagi mavjud tarbiyaviy munosabatlar jarayonlarini o'zaro bog'liqligini o'rganish, tahlil qilish hamda o'rganilayotgan tushunchalarning mazmun-mohiyati va ahamiyatini inobatga olgan holda ularni samarali o'zlashtirishga mos keladigan metodlar va yondashuvlarni tanlash va ulardan foydalanish mazkur jarayonlarni samaradorligini ta'minlashga xizmat qiladi. Mazkur fikrlarni qo'llab-quvvatlagan holda aytish mumkinki, o'qituvchılarda kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirishda ta'lim, mustaqil ta'lim (pedagogik amaliyot, kurs ishlari va bitiruv-

malakaviy ishlarini tayyorlash jarayonlari) hamda o'qituvchi va o'quvchilar o'rtasidagi mavjud tarbiyaviy munosabatlar jarayonlarini o'zaro bog'liqligini o'rganish, tahlil qilish hamda o'rganilayotgan tushunchalarning mazmun-mohiyati va ahamiyatini inobatga olgan holda ularni samarali o'zlashtirishga mos keladigan metodlar va yondashuvlarni tanlash va ulardan foydalanish mazkur jarayonlarni samaradorligini ta'minlashga xizmat qiladi. O'qituvchilarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan ta'lim-tarbiya jarayonini, mustaqil ta'lim jarayonini, pedagogik amaliyot, kurs ishlari va bitiruv malakaviy ishlarini tayyorlash jarayonlarini hamda tarbiyaviy munosabatlar jarayonlarining o'zaro aloqalari va bog'liqligini inobatga olgan holda ularni muntazam rivojlanib boruvchi tizim komponentlari sifatida tasavvur qilib tizimli yondashuvni tatbiq etish zarur hisoblanadi. Tizimni tashkil etuvchi komponentlarining o'zaro bog'liqligi va aloqadorligi, har bir komponent yaxlit tizimning o'zgarishiga (ijobiy yoki salbiy) ta'sir ko'rsatishi hamda tizimning o'ziga xos xususiyatlari, kasbiy kompetentlikni shakllantirish va rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan asosiy tushunchalar o'ziga xos tizimni tashkil qilishi boshlang'ich sinf o'qituvchilarida kasbiy kompetentlikni shakllantirish va rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan tushunchalarni o'rganishga tizimli yondashuvni tatbiq etish zaruriyatini asoslaydi. Mazkur fikrimizni asoslash uchun prezident Islom Karimovning "Vatan – bu avvalo, ota-ona, tug'ilgan yer, sevikli yor, do'st birodar deganidir. Shu qutlug' tushunchalar birlashib Vatan tuyg'usini hosil qiladi" [5:11], - deb aytgan fikrida Vatan tuyg'usi bir necha tushunchalar majmui, ya'ni tushunchalar tizimi shaklida ifodalanishini keltirishimiz mumkin. A.S.Begmatov va M.Quronovlarning fikriga ko'ra, yangi zamonaviy kadrlar siyosatini shakllantirish vazifasi ob'ektiv, ilmiy yondashuvni talab qiladi. Ushbu tamoyilni joriy qilishning eng istiqbolli tarzi texnologik yondashuvdir. Mualliflarning ta'kidlashicha, texnologik yondashuv barcha jarayonlar uchun universal xususiyatga ega. Zero, bu tamoyil "maqsad - natija" sari harakatni to'la qamrab olishi, yaxlitlik, tizimlilikni ta'minlashi, sodir bo'lishi mumkin bo'lgan xato va kamchiliklar, entropik vaziyatlarni tezkor tuzatish imkonini berishi bilan ham qimmatlidir [7:124-125]. Shuningdek, texnologik yondashuv ushbu faoliyatning yaxlit jarayoni to'g'risida oldindan to'laqonli ma'lumotga ega bo'lish imkonini beradi. Turli vaziyatlarni oqilona baholash asosida faoliyat mazmuniga ma'lum o'zgarishlarni kiritib, tarbiyalanuvchilarda mavjud bo'lgan sifatlarni hisobga olish va ularni boyitish xususida qat'iy fikrga ega bo'lish ta'lim-tarbiya jarayoni samaradorligini oshirishning muhim omillari bo'la oladi. Mualliflarning fikricha, ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etishga nisbatan texnologik yondashuv – bu o'qituvchi tomonidan o'zlashtirilgan nazariy bilimlarni amaliy ko'nikma va malakaga aylantirish, ularda faol faoliyatni tashkil etish tajribasini yuzaga keltirish hamda ko'zlangan sifatlarni tarbiyalashga yo'naltirilgan faoliyat jarayonida pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish majmui bo'lib, u quyidagi tarkibiy tuzilmaga asoslanadi: ta'lim-tarbiya jarayonini texnologik yondashuv asosida tashkil etish birinchi navbatda muayyan mavzu bo'yicha uyushtirilishi nazarda tutilgan tadbirning o'tkazilishidan ko'zlangan asosiy maqsad, ushbu maqsadga erishish imkonini berish uchun ijobiy hal etilishi lozim bo'lgan vazifalarning qat'iy, aniq va ravshan belgilab olinishi, tadbir mazmuni (ssenariysi)ning puxta ishlab chiqilishi, shakllantirilgan mazmun-mohiyatini to'laqonli ochib berishga xizmat qiluvchi maqbul shakl, metod va vositalarning to'g'ri tanlanishini taqazo etadi. Ikkinchidan, tadbir jarayoning asosiy sub'ekti sifatida tarbiyalanuvchining shaxsi bo'lishi maqsadga muvofiqdir. Ta'lim-tarbiya jarayonlarida o'qituvchilarning faolligini ta'minlashda motivlashtirish

muhim ahamiyat kasb etadi. O'qituvchilarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirish jarayonida ularning faolligini ta'minlashga qaratilgan motivlashtirish ularni kasbiy kompetentlik, uning mazmun-mohiyati, ahamiyati va zaruriyatini, kasbiy kompetentlikka ega bo'lishning o'ziga xosliklari, fan-texnika yutuqlari, milliy tariximizni o'rganishga undashning ko'p darajali va murakkab tizimi hisoblanib, ehtiyojlar, qiziqishlar, intilishlar, vositalar, e'tiqod, maqsad, orzu-istak, manfaatlar, talablar va boshqalar mazkur tizimning komponentlari sifatida xizmat qiladi. Shunday ekan, o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan asosiy tushunchalarni faol o'zlashtirishga qiziqishni shakllantirish, ya'ni ta'lim-tarbiya jarayonlarida faol ishtirok etishga o'qituvchilarni motivlashtirish yo'nalishida muhim ahamiyatga ega bo'lgan shaxs-faoliyat yondashuvini tatbiq etish ham o'ziga xos ahamiyat kasb etadi. Shaxs-faoliyat yondashuvi yo'nalishida izlanishlar olib borgan tadqiqotchilarning [6] ta'kidlashicha, shaxs-faoliyat yondashuvida o'qituvchilarning mustaqil faoliyatiga ta'sir ko'rsatuvchi ta'lim-tarbiya jarayonidagi mavjud omillarni aniqlash asosida mazkur jarayonda vujudga kelayotgan o'zgarishlarni vaziyatlarga ko'ra tahlil qilish zarur bo'lib, bunda o'qituvchilarni mustaqil va erkin fikr bildirishi, o'z tushunchalarini ilmiy ifodalashi, erkin mulohaza qilish, ya'ni o'z imkoniyatlarini namoyon etishi uchun zaruriy va yetarli shart-sharoitlar yaratiladi. Ta'lim-tarbiya jarayonida o'qituvchilarning faolligiga va sub'ekt sifatida rivojlanishiga ta'sir ko'rsatuvchi mavjud omillar va ularning ta'siri hamda vujudga kelayotgan o'zgarishlar vaziyatlarga bog'liq bo'lib, ularning faolligini ta'minlashda mavjud vaziyatlarni o'rganish va tahlil qilish asosida o'qituvchilar faoliyatini muvofiqlashtirib borishning zarurligi hamda ta'lim-tarbiya jarayonida o'qituvchilar faoliyatining tez o'zgaruvchan xususiyatlari o'qituvchilarning ma'lum bir sharoitdagi faoliyatini vaziyatlarga ko'ra rivojlantirishga xizmat qiluvchi vaziyatli yondashuvni tatbiq etish zaruriyatini belgilaydi. Vaziyatli yondashuv ta'lim-tarbiya jarayoni samaradorligini ta'minlash uchun o'qituvchilarning faolligini hamda o'rganilayotgan tushunchalarga nisbatan munosabatlarini aniq vaziyatlarga ko'ra aniqlashni nazarda tutadi.

Vaziyatli yondashuv muammolari bo'yicha pedagogika sohasida bir qator olimlar ilmiy izlanishlar olib borgan bo'lib, V.S.Reshetko ijodiy pedagogik jarayonning turli jihatlarini tavsiflashda, turli pedagogik tizimlarda va turli vaziyatlarda erishilgan natijalarning samaradorligini tahlil qilish zaruriyatini ta'kidlab, asosiy e'tiborni vaziyatli yondashuvga qaratadi [8]. Bizning fikrimizcha, ta'lim-tarbiya jarayonlarining samaradorligini ta'minlashda belgilangan vaqtdan samarali foydalanish, o'rganilayotgan tushunchalarini o'quvchilar tomonidan qisqa vaqt ichida o'zlashtirilishi uchun qulay vaziyatlarni vujudga keltirish uchun muvofiqlashtirilgan yondashuvdan foydalanish ham zarur hisoblanadi. Ta'lim-tarbiya jarayonida o'rganilishi rejalashtirilgan asosiy tushunchalarni o'zlashtirish uchun zarur bo'lgan vaqtni oldindan aniqlash asosida ta'lim-tarbiya jarayonini loyihalashtirish, ta'lim-tarbiya jarayoni samaradorligini oshirish asosida ko'zlangan maqsadga erishishda ta'lim jarayonida o'quvchilar vaqtini tejash, ya'ni tushunchalarni o'zlashtirish uchun sarf bo'ladigan vaqtni me'yordan ortmasligini ta'minlovchi, ularning imkoniyatlariga mos keluvchi, eng qulay bo'lgan hamda vaziyatlarga ko'ra ta'lim-tarbiya jarayonini va uning tarkibiy tuzilishini qayta tashkil eta oladigan tizimni

vujudga keltirish muvofiqlashtirilgan yondashuvni joriy etishdir. Umuman olganda, muvofiqlashtirilgan yondashuvni ta'lim-tarbiya jarayoniga tatbiq etish natijasida mazkur jarayon ishtirokchilari bo'lgan sub'ektlar (o'qituvchi va o'qituvchilar) ning vaqti tejaladi, faoliyatlari vaziyatlarga ko'ra muvofiqlashtiriladi. O'qituvchilarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirish yo'nalishidagi ta'lim-tarbiya jarayoni samaradorligi belgilangan maqsadga erishish yo'nalishida o'qituvchilar va o'quvchilar faoliyatining natijalari orqali tavsiflanadi, shunday ekan, kasbiy kompetentlikni shakllantirish va rivojlantirishda barcha o'qituvchilar uchun teng va yetarli darajada shart-sharoitlar yaratish hamda o'qituvchilarning faolligini ta'minlovchi ijodiy muhitni vujudga keltirish zarur. Bu o'z navbatida ijodiy yondashuv zaruriyatini belgilaydi. Ta'lim-tarbiya jarayoni samaradorligini oshirish, o'qituvchilarning faolligini rivojlantirish yo'nalishida ularning faoliyatini samarali tashkil etishning samarali yo'llaridan biri sifatida, pedagogik adabiyotlarda ijodiy yondashuv bo'yicha turlicha ma'lumotlar keltirilgan.

Adabiyotlar

1. Mirziyoev Sh.M. "2017-2021 yillarda O'zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi". 2017 yil 7 fevral.
2. Karimov I.A. O'zbekiston buyuk kelajak sari. - Toshkent: "O'zbekiston", 1998. 175-b. 3. Rasulov.A. Muammoli o'qitishga yangicha yondashuv. // Kasb-hunar ta'limi jurnali. 2004. № 3. 5-6-b.
4. Caifnazarov I., Nikitchenko G., Qosimov B. Ilmiy ijod metodologiyasi. -Toshkent: "Yangi asr avlodi", 2004. 199-b.
5. Turg'unov S.T. Umumiy o'rta ta'lim muassasalari direktorlari boshqaruv faoliyatining nazariy asoslari: Ped.f.d. ...diss. -Toshkent: 2007. 363-b.
6. Zimnyaya I.A. Pedagogicheskaya psixologiya. -M.: "Logos", 2000. -P. 384.
7. Komilov N., Begmatov A., Quronov M. Rahbar va xodim. -Toshkent: «Akademiya», 1998. 170-b.
8. Kuxarev N.V., Reshetko V.S. Diagnostika pedagogicheskogo masterstva i pedagogicheskogo tvorchestva. -Minsk: 1996. -P. 32.
9. Xasanboev J., To'raqulov X., Xaydarov M.E., Xasanbaeva O.U. Pedagogika fanidan izohli lug'at. -Toshkent: "Fan", 2008. 475-b.

РЕЗЮМЕ

Ilmiy maqolada boshlang'ich sinf o'qituvchilarida kasbiy kompetentlikni shakllantirish va rivojlantirishning mazmuni va fanlararo aloqadorlikning ahamiyati va zaruriyati yoritib berilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье изучаются вопросы значимости межпредметных связей и необходимости уделения внимания связей между дисциплинами в повышении профессиональной компетентности.

SUMMARY

The article deals with the importance of inter-subject relations, necessity of paying attention to the relations between disciplines in increasing the professional competency.

ЎҚУВЧИЛАРДА ХАЛҚ МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ КАСБЛАРИГА ҚИЗИҚИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ ИМКОНИЯТЛАРИ

М.Х.Шомирзаев - педагогика фанлари номзоди

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: касбга йуллаш, психологик қонуниятлар, касбий мотивация, психологик омиллар, психологик ҳолат, психологик жараёнларни англаш.

Ключевые слова: профессиональная ориентация, психологические закономерности, профессиональная мотивация, психологические факторы, психологическое состояние, познавательные психологические процессы.

Key words: professional orientation, psychological regularities, professional motivation, psychological factors, psychological state, cognitive psychological processes.

